

**“КЎКАЛДОШ” ТОШКЕНТ  
ЎРТА МАХСУС ИСЛОМ БИЛИМ ЎРТИ**



[www.islom.uz](http://www.islom.uz)

Тақризчи ва сўз боши муаллифи

**Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф**

Масъул мухаррир:

**Абдулҳаким қори Матқулов**

Тақризчилар:

**Дўстмуҳаммад Насриддин Бодарий**

**Анвар қори Турсун**

Мухаррирлар:

**Таваккал Кенжаев**

**Аброр Аброров**

**Фазлиддин Сувонов**

Техник мухаррир ва компьютерда терувчи:

**Саъдуллоҳ Пирим**

**Internet учун Абу Муслим тайёрган**

Мусанниф:

**Абдулқодир Абдураҳим ўғли**

## Сўз боши

### **Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

Инсонга унинг билмаган нарсасини ўргатиб, уни мусаффи ақийдага йўллаган Аллоҳ таолога битмас туганмас ҳамду санолар бўлсин. Бу мусаффо ақийдани бизларга мукаммал етказган пайғамбаримиз Муҳаммад мустафога саловат ва саломлар бўлсин.

Маълумки ақийда борасида битилган асарлар ҳар бир даврда ҳам муҳимлиги жиҳатидан биринчи ўринда турган. Чунки банданинг машаққатла бажарган қанчадан-қанча амалларининг охиратда қабул этилмай қолиши ёки енгиллик билан бажарган озгина амалининг ҳам баракали бўлиб, Аллоҳ таоло хузурида мақбул бўлиши асосан унинг эътиқодига кўра бўлади. Қолаверса ушбу дунёнинг ўзида ҳам ақийданинг бузуқлиги сабабли инсонлар орасида тафриқачилик, парокандалик ва соғлом инсон ақли ор қиласиган хилма-хил тубанликлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам қадимдан уламоларимиз бу мавзуга алоҳида эҳтимом билан ёндашиб, унга тааллуқли кўплаб асарлар тавлиф этганлар. Ана шундай асарлардан бири мазҳаббошимиз Имоми Аъзамроҳматуллоҳи алайхининг “Ал-фикҳул акбар” асарлариdir. Бу асар “Аҳлус сунна вал жамоъа” нинг ақийдавий қарашларини қисқа ва лўнда тарзда баён қилиб берувчи мўътабар манбалардан бири бўлиб, қадимдан илм даргоҳларида муҳим дарслик сифатида ўқитиб келинган. Ҳозирги кунимиизда эса талabalаримизга мазҳабимиздаги мўътабар манбалар асосида тавлим бериш янада муҳим аҳамият касб этганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу каби омиллар натижасида “Кўкалдош” мадрасаси мударрислар кенгаши томонидан дарслик сифатида тавсия этилган “Ақоид дарслиги” китоби илмга чанқоқ толиби илмлар учун муҳим дарслик бўлади, деб ҳисоблайман. Китоб мусаннифи Абдулқодир укамизга ва бу китобнинг нашр этилиб толиби илмларга етказилишига ўз ҳиссаларини қўшган барча биродарларимизга Аллоҳ таолодан оғият, илмларига баракот ҳамда икки дунё баҳт саодатини тилаб қоламан.

## Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
وَالْعَجْزُ عَنْ دَرْكِ الْإِدْرَاكِ إِدْرَاكٌ  
وَالْبَحْثُ عَنْ سِرِّ دَاتِ الرَّبِّ إِشْرَاكٌ

### Кириш: Ақоид илми тарихи ва унинг моҳияти ҳақида

Бутун мавжудотни йўқдан бор қилган, ўхшashi йўқ, азалий ва абадий мукаммал сифатлар соҳиби бўлган меҳрибон Парвардигоримизга ҳамду санолар бўлсин.

Парвардигоримизнинг халили ва ҳабиби, пайғамбарларнинг сўнгиси, умматларига нажотбахш мусаффо ақийдани мукаммал етказган Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога саловату саломлар бўлсин ва у зотнинг аҳли оиласари-ю, саҳобаи киромларига Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин.

“Ақийда” луғатда “акд” сўзидан олинган бўлиб, “боғламоқ”, “алоқа қилмоқ” каби маъноларни англатади. “Ақийда” сўзининг кўплиги “акоид” бўлади. Шу маънода ҳар бир мукаллаф банданинг қатъий ишониши, қалбига мустаҳкам қилиб боғлаб олиши ҳамда у билан доимий алоқада бўлиш лозим бўлган шаръий эътиқодий хукмлар “акийда” дейилади. Уламоларимиз ақийда илмининг мавзулари ниҳоятда кенглиги эътиборидан унга турли хил таърифлар беришган. Замондош уламоларимиздан Муҳаммад Анвар ал-Бадаҳшоний ўзларининг “Талхийсу шарҳил ақийдатит-Таҳовия” номли асарларида уламоларимизнинг ақийда илмига берган кўплаб таърифларидан саккизтасини келтирганлар ҳамда мазкур таърифларнинг энг мукаммали Мулла Али ал-Қорининг таърифи эканлигини эътироф этганлар. Мулла Али ал-Қори ақийдага шундай таъриф берганлар:

عِلْمٌ يُبَحَّثُ فِيهِ عَمَّا يَجِبُ الاعْتِقَادُ بِهِ

*“(Ақийда) унда эътиқод қилиниши шарт бўлган нарсалар тўғрисида тадқиқот қилинадиган илмдир”.*

“Ақоид” илмининг асосий ғояси ва кўзлаган мақсади бандаларнинг динга бўлган ишончини, уларнинг диний эътиқодларини мустаҳкамлаш ҳамда улар тўғрисидаги барча шак-шубҳалардан муҳофаза қилиш энг муҳими бошқа барча шаръий илмлар каби бандаларни икки дунё саодатига мушарраф қилишdir. Шу сабабли соф исломий ақийда, банданинг бу дунёда соғлом инсон табиатига хос ҳаёт кечириб, охиратда ҳам саодатманд бўлишига сабаб бўладиган асосий омил саналади. Бу ҳақида улуғ мутасаввиф олим Сўфи Аллоҳёр (1634-1721 мил.й.):

Диёнат бехидур (*илдизидир*) илми ақоид

Томурсиз шоха сув бермак на фоид,<sup>1</sup>

дэя ақоид илми динимизнинг илдизи эканлиги, бу илдиз асосида қилинмаган амаллар бандага наф келтирмаслигини баён қилганлар.

Ақийда илмининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг нафақат охирги замон пайғамбари олиб келган шариатда, балки ўтган барча пайғамбарларнинг шариатларида ҳам дастлабки ва асосий ўринни эгаллаганига гувоҳ бўламиз.

Аллоҳ таоло соф исломий ақийда бандаларга ниҳоятда зарур бўлганлиги сабабли ушбу зарур омилни уларга етказиш ҳамда унинг тақозосига кўра яшашни кўрсатиб беришлари учун кўплаб пайғамбарларни юборган. Шунинг учун ҳам, юборилган барча пайғамбарларнинг дастлабки ва асосий даъватлари ақийданинг мусаффолигига қаратилган. Маълумки, юборилган пайғамбарлар бир-бирларининг ўринларини тўлдириб келганлар. Кейинги пайғамбар олиб келган шариат, олдингиларини мукаммаллаштириб келган. Яъни, пайғамбарларнинг ибодат қилиш йўл-йўриқлари турлича бўлиб, ҳар янги пайғамбар келиши билан ибодат қилиш тарзи ҳам такомиллашиб бораверган. Аммо ақийда борасида, аввал юборилган пайғамбардан тортиб то охиригача барча пайғамбарларда бир хил, ягона соф исломий ақийда бўлган. Барчалари ягона Аллоҳга ибодат қилишга, У зотга ҳеч кимни шерик қилмасликка чақирганлар. Шунингдек, ўлгандан сўнг яна

<sup>1</sup> “Саботул ожизийн” шарҳи 164-бет

қайта тирилишлари, яхши амалларни қилган солих кишиларнинг жаннатга киришлари ва ёмон амалларни қилган фожир кишиларнинг дўзахда азобланишлари каби ақийдавий аҳкомларга иймон келтиришга ва шу иймонлари тақазосига кўра ҳаёт кечиришга даъват қилганлар.

Тарихдан маълумки, мазкур пайғамбарларнинг аксар умматлари пайғамбарлари вафот этиб, вақт ўтиши натижасида ўзларига келтирилган илоҳий таълимотларни бузганлар ҳамда ақийда масалаларида адашиб кетганлар. Натижада Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлишган, бошларига бало-офатлар ёғдирилиб ҳалок этилганлар ёки соғлом инсон табиати кўтара олмайдиган даражада бидъат хурофотларга ботиб қолганлар. Аллоҳ таоло охирги замон пайғамбари бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни пайғамбар этиб юборганида ҳам ниҳоятда оз сонли кишиларни эътиборга олмаганды инсонлар илоҳий таълимотлардан узоқлашган, залолат ботқоғига тамомила ботган эдилар.

Уларнинг ўша пайтдаги ҳолатлари ҳақида Сунъатуллоҳ Бекпўлат ўзларининг “Ҳазрати Муҳаммад” номли китобларида қуйидагиларни ёзганлар: “*Араблар жоҳилият асрида турли эътиқод ва хилма-хил динда эдилар. Аксар қисм араблар санамларга ибодат қиласалар ҳам, уларнинг ораларида Муваҳҳидлар (ёлғиз Аллоҳга эътиқод қилиб ибодат қилувчилар), даҳрийлар (ўлимдан сўнг ҳамма нарса тугайди, шунинг учун бугунги кун билан яшаб қолиш керак, дейдиган тоифа), санавиялар (яратувчи иккита: бири яхшилик яратувчиси, иккинчиси ёмонлик яратувчиси дейдиган тоифа), сабаъийлар (етти юлдуз ва ўн икки буржсга ибодат қиласиган тоифа), яҳудий ва насронийлар ҳам бор эди.*

*Муваҳҳидлар ниҳоят даражада оз бўлиб, улар Аллоҳ таолонинг борлигини ва ёлғизлигини эътироф этардилар. Қайта тирилишга ишонардилар. Булар арабларнинг омматан залолат ботқоғига ботиб ётганларини билар ва ўз ақллари тақозосига кўра Аллоҳ таолога ибодат қилишга уринар эдилар. Улар арабларнинг тутган йўллари хато эканлигини айтишиар, вақти-вақти билан Аллоҳ таолонинг ёлғизлиги ҳамда қайта тирилиш ҳақида ваъз ва насиҳат қилардилар. Улар ҳазрати Иброҳим ва И smoил алайҳиссаломлардан мерос бўлиб қолган яхши*

*одатларга эргашишиар ва бир пайғамбарнинг келишини интизорлик билан кутар эдилар”.*

Ана шундай бир ҳолатда Аллоҳ таоло ўз фазлу марҳамати билан башариятни залолат зулматидан ҳидоят нурига олиб чиқиши ва унинг омили бўлган нажотбахш мусаффи ақийдани уларга етказиши учун пайғамбарларининг сўнгисини юборган. Ушбу юборилган охирги замон пайғамбари ҳам дастлаб инсонларни ақийданинг асоси бўлган “Ла илаҳа иллаллоҳу Мухаммадун росулуллоҳ”ни айтишга ва шу айтганларига кўра ҳаёт кечиришга чақириш билан даъватларини бошлаганлар. Ушбу нажотбахш калима ва унинг тақозосига кўра яшаш шу қадар муҳим бўлганлигидан ҳам пайғамбарларнинг сўнгиси бўлган зот, пайғамбар бўлганларидан кейинги ҳаётларининг ярмидан кўпида, деярли 13 йил инсонларни ушбу калимага чақирганлар. Ушбу йиллар мобайнида у зотга ваҳий орқали нозил бўлаётган сўнги илоҳий дастурда ҳам асосан ақийдавий масалалар муолажа қилинган. Натижада ўша пайтдаги инсонларнинг бузук эътиқодлари юборилаётган сўнги илоҳий таълимотлар асосида ислоҳ қилиниб такомиллаша борган. Пайғамбарамиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик даврларида мусулмонларга соғ ақийдани ўзлари баён қилиб берар ёки мусулмонлар у зотга савол билан мурожаат қилишар ҳамда олган жавобларини ҳаётларига оғишмай тадбиқ қиласар эдилар. Бунинг натижасида эса ўша пайтдаги мусулмонлар тафриқа ва фитналардан сақланиб ягона ва мусаффи эътиқод атрофида бирлашганлар ҳамда ҳаммамизга маълум бўлган улкан муваффақиятларга эришганлар. Пайғамбарамиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан сўнг Абу Бакр Сиддик, Умар ибн ал-Хаттоб ҳамда Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхумларнинг даврларигача мусулмонлар орасида фирмаланишлар бўлмаган. Аммо бу пайтларда ислом диёrlари ниҳоятда кенгайиб кетган, турли хил халқлар, хилма-хил тоифадаги одамлар исломга кира бошлаган эдилар. Ана шу даврларга келиб мусулмонлар орасида тушунмовчилик сабабли бўлиб ўтган баъзи фитналар натижасида асл соғ исломий ақийдадан четга чиқиш, фирмаланишлар пайдо бўла бошлаган. Ушбу фирмаланишларнинг дастлабкиси ҳазрати Али розияллоҳу анхунинг халифалик даврларида пайдо бўлган. Бу зотнинг халифалик даврларида

мусулмонлар ўртасида бўлиб ўтган даҳшатли “Жамал”, “Сиффин” фитналаридан кейин “Таҳқим” воқеаси вужудга келган. Ушбу “Таҳқим” воқеасидан сўнг бир гурух кимсалар:

إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ

**“Хукм – Ҳокимлик фақат Аллоҳницидир”** (Юсуф сураси, 40-оят) ояти каримасини далил қилишиб, унга амал қилиш даъвоси билан мусулмонлар оммасидан ажралиб чиққанлар.

Омма мусулмонлардан ажралиб чиққан бу тоифа “Хавориж”, яъни “ихтилоф солувчилар” дея ном олганлар. Али розияллоҳу анҳу уларнинг қилаётган даъволарини эшитиб: “Сўзлари ҳақ, лекин ҳақ сўз билан ботил ирова қилинаяпти” деганлар.

Кейинчалик Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ ҳазрати Алининг Хаворижларга нақадар аниқ таъриф берганларини эътироф этиб, “Агар Али розияллоҳу анҳу бўлмаганида Хаворижлар кимлигини танимаган бўлар эдик” деганлар.

Али розияллоҳу анҳунинг ушбу сўзлари кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетган. Чунки Хаворижлардан кейин чиққан фирмаларнинг аксар қисмида ушбу каби ҳақ сўз билан ботилни ирова қилишлик бўлган. Хаворижлар ҳаракати омма мусулмонларнинг қилган саъй-ҳаракатлари туфайли тезда барҳам топган.

Шундан сўнгра мусулмонлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этишга, тафриқаланишларнинг олдини олишга янада кўпроқ ҳаракат қилина бошланган ва бунга маълум муддат эришилган. Тобиъинлар даврларида ҳам исломий илмлар китобат қилинмаган, масжидларда, давраларда атоқли олимлар томонидан ровийларининг санадларини аниқ қилиб ёддан нақл қилинар эди. Ана шундай атоқли олимлардан бири, тобеъинларнинг улуғларидан саналган Ҳасан Басрий (642-728 мил.й.) роҳматуллоҳи алайҳ эдилар. Бу зотнинг шогирдларидан Восил ибн Ато (699-748 мил.й.): “Гуноҳи кабира қилган мўмин иймондан чиқади, лекин куфрга кирмайди, балки куфр ва иймон ўртасида бўлади”, деган даъвони қилиб чиққан ва ўзининг тарафдорлари билан Ҳасан Басрий роҳматуллоҳи алайҳнинг дарс ҳалқаларидан ажралиб кетган. Омма мусулмонлардан ажралиб чиққан бу

тоифа “Мўътазилий” (ажралиб чиққанлар), дея атала бошланган. Бу тоифа ўзларининг ботил қарашларини тарқатишга уринган ҳамда омма мусулмонларнинг қаттиқ қаршилигига учраган. Ҳатто байзи даврларда “шаккоклик” деб эълон қилинган. Ҳақ йўлдан озган бу тоифа ҳам бора-бора умуман йўқолиб кетган. VII аср охирларида яна бир адашган тоифа: “Инсон ҳеч бир нарсани ўз ихтиёри билан қилмайди, балки ҳамма нарсани Аллоҳнинг мажбурлаши билан амалга оширади”, деган даъвони кўтариб чиққанлар ва қилаётган бузук даъволарига кўра “Жабарий” (мажбурийлар), деб ном олганлар. Булардан кейин ҳам турли асрларда хилма-хил бузук даъволар билан кўплаб фирмалар ажралиб чиққан ва чиқмоқдалар... Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мусулмонлар оммасидан ажралиб чиққан тоифаларнинг барчасини ё ўзларининг сифатлари билан, ё қилаётган асосий даъволари билан, ё ўша фирмаларнинг дастлабки ташкилотчиси исмига нисбатан ном олганларини ва омма мусулмонлардан ажралиб, тўғри йўлдан адашганликлари туфайли бирмабир йўқолиб кетганларини кўрамиз. Ҳа, қайси даврда бўлмасин ҳақ йўлдан озган тоифаларнинг маълум вақт ичида барҳам топишлари, омма мусулмонларнинг эса ҳақ йўлда бардавом бўлиб келишлари тарих билан событдир.

Ана шу омма мусулмонлар мўътадиллик билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у зотнинг саҳобалари йўлини маҳкам тутиб, “Аҳлус сунна вал жамоъа” номи билан ҳақ йўлда доимо событқадам бўлиб келмоқдалар. Зеро, бу жамоа Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам башорат берган ягона нажот топувчи уммат ҳисобланади. Бу ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай хабар берганлар;

إِنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ تَقْرَرَتْ عَلَى اثْنَيْنِ وَ سَبْعِينَ مِلَةً وَ تَفَرَّقَ أَمْتَيْ عَلَى ثَلَاثٍ وَ سَبْعِينَ مِلَةً كُلُّهُمْ فِي النَّارِ إِلَّا  
مِلَةً وَاحِدَةً، قَالُوا: مَنْ هِيَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: مَا أَنَا عَلَيْهِ وَ أَصْحَابِي (رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ)

**“Бани Исройл 72 тоифага бўлинди. Менинг умматим 73 тоифага бўлинади. Уларнинг барчаси дўзахда бўлади, фақат бир тоифа бундан мустаснодир, дедилар. Шунда (Саҳобаи киромлар); Улар кимлар эй, Аллоҳнинг Росули? дейишиди. “Менинг ва саҳобаларимнинг йўлида бўлганлардир” дедилар. (Термизий ривояти.)**

Ушбу жамоадан чиққан буюк алломаларимиз ўзларининг бебаҳо асарлари билан доимо инсонларни мусаффо ақийдага чорлаб келганлар. Улар ўз асарларида Ахлус сунна вал жамоға ақийдасини содда ва равон услубда тартиблаб баён қилиб берганлар. Мазҳаббошимиз Нўймон ибн Собит Имоми Аъзам (80-150х.) роҳматуллоҳи алайҳнинг “ал-Фиқхул акбар” асарлари, Аҳмад ибн Муҳаммад Абу Жаъфар ат-Таҳовийнинг (238-321х) “ал-Ақийдатут-Таҳовийя” асарлари, Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад Насафийнинг (537- х.да вафот этган) “Ақоид ун-Насафийя” асарлари, Сирожуддин Али ибн Усмон Ўшийнинг (569-х.да вафот этган) “Бадъул амолий” каби асарлари Ахлус сунна вал жамоға эътиқодига доир энг мўътабар манбалар сифатида минг йиллардан буён қўлма-қўл бўлиб келмоқда.

Асосан фикҳ соҳасида машҳур бўлиб дунёга беназир фақиҳ сифатида донг таратган мазҳаббошимиз Имом Аъзам роҳматуллоҳи алайҳ шаръий илмларни ҳам биринчи бўлиб алоҳида-алоҳида синфларга ажратиб чиққан зотдирлар.

“Шаръий илмларнинг илк таснифчиси мазҳаббошимиз Имоми Аъзам роҳматуллоҳи алайҳнинг “Китаб ас-солат”, “Китаб ал-Манасик”, “Китаб ал фароиз”, “Китаб аш-шурут” каби асарлари ушбу мавзуларда битилган дастлабки китоблар ҳисобланади”<sup>2</sup>. Имомимизнинг ушбу “Ал-фиқхул акбар” асари иккинчи ҳижрий аср бошларида битилган бўлиб, Ахлус сунна вал жамоға ақийдаси тўғрисида ёзилган дастлабки машҳур китоб саналади. Мазҳаббошимиз бу китобларида эътиқодий масалаларни қисқа ва лўнда қилиб ёритиб берганлар. Ақийда борасида ёзган ушбу китобларига “Ал-фиқхул акбар” яъни, “Энг катта фикҳ”, деб ном қўйганлар. чунки Имоми Аъзам наздларида фикҳ бу;

“الْفِقْهُ مَعْرِفَةُ النَّفْسِ مَا لَهَا وَ مَا عَلَيْهَا”

**“Фикҳ – Одамнинг ўзи учун нима манфаатли-ю нима заарли эканлигини билишидир.”**

Ақийда илми эса инсонга манфаат берадиган нарсаларнинг энг каттаси ва асосийси ҳисобланади.

<sup>2</sup> Имоми Аъзам ҳаёт йўли ва фикҳ усуллари 95 бет

Абу Ҳанифа роҳматуллохи алайхнинг бу китобларига кейинчалик бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган. Мұхаққиқ уламоларимиздан Али ибн Султон Мұхаммад ал-Корининг шарҳлари, Аллома Абул Мунтаҳонинг шарҳлари ва ҳамаср уламоларимиздан Абдулкарим Таттон ҳазратларининг шарҳлари шулар жумласидандир.

Шу каби мүътабар манбалардан фойдаланган ҳолда мазҳаббошимизнинг ушбу китобларини талабалар ўрганишлари қулай бўлиши учун дарслик шаклида тайёрлашга ҳаракат қилинди. Дарсликни тайёрлашда аввало матн таржима қилиниб сўнгра мавзуларга кўра ажратиб чиқилди. Изоҳлашда эса матндаги иборалар алоҳида-алоҳида олиниб имкон қадар қисқа ва содда шаклда изоҳланди. Изоҳлардаги маълумот ва таърифлар қайси манбалардан олингандиги рақамлар билан белгиланиб саҳифа тагида кўрсатиб борилди.

Аллоҳ таолодан бу ҳаракатни ўзининг розилиги йўлидаги амаллардан қилишини сўраймиз. Динимиз жавҳарини тўғри ва осон ўрганишлари учун келгуси авлодга бебаҳо асарлар битиб кетган уламоларимизни Аллоҳ таоло ўз раҳматига олиб, жойларини жаннатлардан қилган бўлсин. (Амийн)

Абдулқодир Абдураҳим ўғли  
22 апрел милодий 2006 й  
23 робиъул аввал ҳижрий 1427 й

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي وَجَبَ وُجُودُهُ وَالصَّلَوةُ وَالسَّلَامُ عَلَى زُبْدَةِ مَخْلُوقَاتِهِ

1-дарс

Мавзу: “Тавҳиднинг асли”

أَصْلُ التَّوْحِيدِ وَمَا يَصْحُ الْإِعْتِقَادُ عَلَيْهِ يَجِبُ أَنْ يَقُولَ آمَنْتُ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرَسُلِهِ وَالْبَعْثَ بَعْدَ الْمَوْتِ وَالْقَدْرِ  
خَيْرٌ وَشَرٌّ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى ، وَالْحِسَابُ وَالْمِيزَانُ ، وَالْجَنَّةُ وَالنَّارُ حَقٌّ كُلُّهُ

(Ушбу китоб) Тавҳиднинг асли ва унга кўра эътиқод қилиш саҳих бўладиган нарсалар (тўғрисидадир). (Шу маънода) Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, ўлгандан сўнг қайта тирилишга ва қадарнинг яхшиси ҳам ёмони ҳам Аллоҳ таолодан эканлигига

**иймон келтирдим демоқлик** (мўмин банда учун) **вожиб бўлади. Ҳисоб, тарози, жаннат ва жаҳаннам барчаси ҳақдир.**



**Тавҳид** – исми масдар бўлиб луғатда “яккалаш” яъни бир нарсага яккаю ёлғизлиқ нисбатини беришликка айтилади.

Истилоҳда эса, “инсоннинг Аллоҳ таолога ширк келтиришнинг барча кўринишларидан ўзини сақлаб, Аллоҳ таолони зотида ҳам, сифатларида ҳам , феълларида ҳам, исмларида ҳам хукумларида ҳам шериги йўқ яккаю ёлғиз эканлигига эътиқод қилиши – тавҳид деб аталади.”<sup>3</sup>

**Аллоҳга** – ““Аллоҳ” исми, хос исми зот бўлиб, у бутун борлиқ парвардигорининг исмидир. “الله لا فِي نَعْلَمْ بِهِ مِنْ أَنْشَاءِ إِلَهٍ” бўлган, сўнгра эса унга ال (аниқлик артикли) киритилган ва ﷺ га айланган. Сўнгра талаффузда енгил бўлиши учун иккинчи ҳамза туширилиб, لـ ال бўлган. Идғом шарти топилгани учун ﷺ нинг ﷺ иккинчи ﷺ га идғом қилиниб الله бўлган. Фатҳа ва заммадан кейин тафхим ўқилган. Касра тарқиққа муносиб бўлгани учун ундан кейин тарқиқ ўқилган.”<sup>4</sup> Ҳишом ибн Муҳаммад ибн Ҳасандан ривоят қилишича, Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳ “Аллоҳ” исмини “Исли Аъзам” деганлар. Аллоҳга ишониш, Унинг бору бирлигига ва барча мукаммал сифатлар билан сифатланганига ҳамда барча нуқсонлардан пок эканига сидқи дилдан ишонишлик билан бўлади.

**Фаришталарига** – фаришталар икром қилинган бандалар бўлиб, улар доимо Аллоҳ таолонинг итоатида бўладилар ва ҳеч қачон У зотга исён қилмайдилар. Улар гуноҳлардан мутлақо покдирлар. Фаришталарда эркаклик ва аёллик сифатлари ҳам йўқ. Улар турли гўзал шаклларга кира оладиган латиф жисмлик зотдирлар. Аллоҳ таоло фаришталар ҳақида Куръони Каримда қуидагича зикр қилган.

<sup>3</sup> Талхису шарҳил ақийдатит Таҳовия 24 бет

<sup>4</sup> Фоятул мурид фи илмит тажвид-86-бет

لَا يَسْبُقُونَهُ بِالْقَوْلِ وَ هُمْ بِأَمْرِهِ يَعْمَلُونَ

“(Фаришталар) У Зотдан илгари бирон сўз айтмайдилар. (яъни Аллоҳ буюрмаган бирон ишни қилмайдилар) Улар (Аллоҳнинг) амри-фармони билангина амал қилурлар.” (Анбиё сураси 27-оят)

Фаришталар икки қисм бўлади. Биринчи қисми доимий ибодатда турадиган фаришталар бўлиб, улар муқарраб фаришталар ҳам дейилади. Иккинчи қисми, осмондан ерга ҳам тушиб, барча қазои қадарга мувофиқ ишларнинг тадбирларини қиласидиган фаришталардир.

**Китобларига** – Аллоҳ таоло нозил қилган барча илоҳий китобларга иймон келтириш фарздир. Бу китобларнинг барчаси Аллоҳнинг қаломи бўлиб, уларни бир неча пайғамбарларига нозил қилган. Мусо алайҳиссаломга “Таврот”, Довуд алайҳиссаломга “Забур”, Исо алайҳиссаломга “Инжил” номли китобларни нозил қилган. Илоҳий китобларнинг охиргиси “Қуръон” бўлиб, у пайғамбарларнинг энг сўнгиси, охирги замон пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган. Булардан ташқари баъзи пайғамбарларга сахифалар ҳам туширилган. Одам алайҳиссаломга – 10 варак, Шис алайҳиссаломга – 50 варак, Идрис алайҳиссаломга – 30 варак, Иброҳим алайҳиссаломга – 10 варак туширилган.<sup>5</sup>

**Пайғамбарларига** – Аллоҳ таолонинг юборган барча пайғамбарларига иймон келтириш фарздир. Пайғамбарлар араб тилида “росул” ёки “набий” деб номланадилар. Бу икки ном ўртасида фарқ бўлиб, “росул” – луғатда “элчи”, “вакил” каби маъноларни англатади. Истелоҳда эса Аллоҳ таоло кимга ваҳий юбориб уни бошқаларга етказишга буюрган бўлса, у “росул” деб аталади.

“Набий” – луғатда **نَبِيٌّ** “баланд бўлмоқ”, “юқори бўлмоқ”, “кўтарилмоқ”. **نَبِيٌّ** “маълумот”, “хабар”, “янгилик”. **نَبِيٌّ** “пайғамбарлик” каби маъноларни билдиради. Истелоҳда эса - Аллоҳ таоло кимга ваҳий юборса-ю, бироқ уни бошқаларга етказишга буюрмаса, у “Набий” дейилади.

“Набий ва Росул орасидаги фарқ шуки Аллоҳ таоло кимга хабар берган ҳамда ўша хабарни бошқаларга етказишга буюрган бўлса у ҳам Набий ҳам

<sup>5</sup> Ислом энциклопедияси.

Росулдир. Агар бошқаларга етказишга буюрмаган бўлса у Набийдир, Росул эмасдир”<sup>6</sup>

Қуръони Каримда 25 та пайғамбарнинг номлари зикр қилинган. Булар:

- |                         |  |
|-------------------------|--|
| 1. Одам алайҳиссалом    | 14. Мусо алайҳиссалом                              |
| 2. Идрис алайҳиссалом   | 15. Ҳорун алайҳиссалом                             |
| 3. Нуҳ алайҳиссалом     | 16. Юнус алайҳиссалом                              |
| 4. Ҳуд алайҳиссалом     | 17. Довуд алайҳиссалом                             |
| 5. Солих алайҳиссалом   | 18. Сулаймон алайҳиссалом                          |
| 6. Иброҳим алайҳиссалом | 19. Илёс алайҳиссалом                              |
| 7. Лут алайҳиссалом     | 20. Алясъ алайҳиссалом                             |
| 8. Исмоил алайҳиссалом  | 21. Закариё алайҳиссалом                           |
| 9. Исҳоқ алайҳиссалом   | 22. Яҳё алайҳиссалом                               |
| 10. Яъқуб алайҳиссалом  | 23. Зул-Кифл алайҳиссалом                          |
| 11. Юсуф алайҳиссалом   | 24. Исо алайҳиссалом                               |
| 12. Айюб алайҳиссалом   | 25. Муҳаммад соллаллоҳу<br>алайҳи ва салламлардир. |
| 13. Шуайб алайҳиссалом  |  |

Имом Умар Насафий (1069-1142 мил.й.) пайғамбарлар тўғрисида “Ақоидун Насафия” да қўйидагиларни айтганлар:

*“Пайғамбарларни юборишиликда ҳикмат бордир. Дарҳақиқат Аллоҳ таоло дунё ва дин ишиларида инсонлар унга муҳтож бўлганликлари учун ўзларидан бўлган башорат бергувчи, огоҳлантирувчи ва баён қилиб бергувчи пайғамбарларни юборган, ҳамда уларни гайри оддий мўъжизалар билан қувватлаган.*

*Набийларнинг аввалгиси Одам алайҳиссалом ва уларнинг охиргилари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Дарҳақиқат, баъзи ҳадисларда уларнинг адади баён қилинган. Лекин уларни маълум ададга чеклаб қўймаслик аълороқдир. Аллоҳ таоло марҳамат қилганки;*

**وَلَفْدُ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّنْ قَبْلِكَ مِنْهُمْ مَنْ قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَنْ لَمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ**

<sup>6</sup> Талхийсу шарҳил ақидатит Таҳовия 62 бет

*“Аниқки, биз Сиздан илгари (кўп) пайғамбарлар юборгандирмиз. Улардан биз сизга ҳикоя қилиб берган кишилар ҳам бор. Яна улардан биз сизга ҳикоя қилмаган кишилар ҳам бордир”. (Гоғир сураси, 78-оят).*

*Ададни зикр қилганда улардан бўлмаганлар улар сафига кириб қолиши ёки улардан бўлганлар уларнинг сафидан чиқиб қолиши эҳтимоли бордир.*

*Уларнинг барчалари Аллоҳ таолодан хабар бергувчи ва етказувчи содик насиҳатгўйдирлар.*

*Пайғамбарларнинг афзали Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар”.*

Демак юборилган пайғамбарларнинг ададлари аниқ баён қилинмаганлиги сабабли, Аллоҳ таоло қанча пайғамбар юборган бўлса, барчасига иймон келтирамиз дейиш билан чекланамиз.

**Ўлгандан сўнг қайта тирилишга** – ўлгандан сўнг қайта тирилишга иймон келтириш фарздир. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар берган:

**قُلْ يُحِيِّهَا الَّذِي أَنْشَأَهَا أَوَّلَ مَرَّةٍ وَهُوَ بِكُلِّ خُلْقٍ عَلِيمٌ**

“(Эй, Муҳаммад алайхиссалом) айтинг: “У (чириган суяқ)ларни дастлаб (бир томчи сувдан) **пайдо қилган Зотнинг ўзи қайта тирилтирур. У (Ўзи яратган) барча халқни Билгувчиидир”.** (Ясин сураси, 79-оят).

Демак, барча махлуқотлар ўлиб битганларидан сўнг Аллоҳ таоло яна уларнинг рухларини ўзларига қайтариб, қайтадан тирилтиради. Бунда инсонлар, жинлар, шайтонлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, қушлар ҳамма-ҳаммаси қайтадан тиргизилади. Туғилмасдан тушиб қолган бола бўлса, агар унга рух пуфланган бўлса, қайта тирилтирилади. Агар рух пуфланмаган бўлса, қайта тирилтирилмайди.

**Қадарнинг яхшиси ҳам ёмони ҳам Аллоҳ таолодан** – қадар бу – яхшию-ёмон, мусибату-роҳат, хурсандчилигу-хафалик, ўлиму-ҳаёт, куфру-иймон, бойлигу-фақирлик, хидояту-залолат ва булардан бошқа барча ишларнинг Аллоҳ таоло томонидан таъйин қилинишидир. Яъни махлуқотларнинг тақдири азалдан Аллоҳ таолога маълум бўлиб, бу тақдирининг ҳикматини Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Қазои қадар Аллоҳ таолонинг азалий илмига тааллукли нарсалардир. Аллоҳ таоло ҳеч бир жонни мажбурламайди. У Ўзининг азалий

илми билан яъни фақат Ўзигагина хос бўлган илм билан банда нима касб қилишини билади ва унга ўша нарсани ирода қиласди сўнгра уни вужудга келтиради. Қазо-ю қадар ва унга иймон келтириш ҳакида Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда жуда кўплаб такидланган.

قدْ جَعَنَ اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قُدْرًا

### “Дарҳақиқат, Аллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир”

(яъни ҳаётда рўй берадиган ҳар бир яхши-ёмон воқеа ҳодиса ёлғиз Аллоҳ хоҳлаган – белгилаган вақт ва ўлчовда рўй беради). (Талок сураси, 3-оят).

عَنْ عَلَيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا يُؤْمِنُ عَبْدٌ حَتَّى يُؤْمِنَ بِأَرْبَعَ، يَشْهُدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّى رَسُولَ اللَّهِ بَعَثَنِي بِالْحَقِّ، وَيُؤْمِنَ بِالْمَوْتِ، وَالْبَعْثَ بَعْدَ الْمَوْتِ وَيَؤْمِنَ بِالْفَدَارِ (رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ).

*Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “тўрт нарсага иймон келтирмагунча банданинг иймони эътиборга олинмайди; Аллоҳдан ўзга илоҳ ийқлигига, менинг Аллоҳ юборган ҳақ расул эканлигига гувоҳлик бермагунича, ўлимга, ундан сўнг қайта тирилишига ва қадарга иймон келтирмагунича”, дедилар. (Термизий ва Ибн Можа ривояти).*

**Иймон келтирдим демоқлик вожиб бўлади** – юқорида айтиб ўтилганларга сидқидилдан ишондим демоқлик вожиб дейилишига сабаб иқрор иймоннинг руқнларидан эканлигига далолат қилиши учундир. Имом Баздавий;<sup>7</sup> “ким қалби билан тасдиқ қилса-ю, баён қилишликни узрсиз тарқ қилса мўмин бўлмайди”, деганлар

Салаф уламоларимиз жумладан, “Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Аҳмадлар: “Иймон – қалб билан тасдиқ қилиш, тил билан иқрор бўлиш, арконларга амал қилишдир. Фақат кимки баъзи тоатларнигина тарқ қилган бўлса, иймондан чиқмайди”, деганлар. Муҳаққиқ уламолардан Ашъарий (873-935 мил.й.) (иккита саҳиҳ ривоятда) ва Мотуридий (870-944 мил.й.) эса: “Иймон – фақат қалб билан тасдиқ қилишдир”, деганлар. Бу иккала фикр жамлаб

<sup>7</sup> Фахрул Ислом Муҳаммад ибн Абдилкарим ибн Мусо ал-Баздавий 400-хижрий санада таваллуд топиб, 482-хижрий санада Ражаб ойининг бешинчи кунида вафот этганлар. Бу зотнинг “Ал-Мабсут”, “Шарҳул жамиъил кабир”, “Шарҳул жамиъис сағир” ва “Усулул Баздавий” каби кўплаб таснифотлари бўлган.

ўрганилган ва уларнинг ўрталаридағи хилоф лафзий эканлиги маълум бўлган. Аввалгилар дўзахга киришдан нажот берувчи комил иймонни тушунтиришган. Бундай ҳолда амалнинг иймондаги руқнлардан бўлиши шубҳасизdir. Кейингилар эса иймоннинг аслини, яъни дўзахда абадий қолишдан нажот берадиган иймонни тушунтиришган”.<sup>8</sup>

**Ҳисоб** – яъни каттаю кичик барча амаллар Қиёмат кунида ҳисоб-китоб қилиниши ҳақдир. Бу ҳақида Аллоҳ таоло “Иншиқоқ” сурасида қуидагича хабар берган:

فَمَا مَنْ أُوتِيَ كِتَابَهُ بِيمِينِهِ فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا وَيَنْقَلِبُ إِلَى أَهْلِهِ مَسْرُورًا  
وَمَا مَنْ أُوتِيَ كِتَابَهُ وَرَاءَ ظَهْرِهِ فَسَوْفَ يَدْعُو ثُبُورًا

**“Ана энди кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса, Бас у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак. Ва ўз (ининг жаннатдаги) аҳли оиласига шоду хуррам ҳолда қайтажак. Энди кимнинг номаи аъмоли орқа томонидан берилса, Бас у ўлимини чақириб қолажак”.** (7,8,9,10,11-оятлар).

**Тарози** – яъни Қиёмат кунида бандаларнинг амаллари тортилиб ўлчанадиган тарози борлиги ҳақдир. Бу тарози нимадан ясалган, унда қандай тортилади, унинг катталиги қанча, улар ҳақида баҳс юритмасдан, уларнинг илмини Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола қилиб, Унинг берган хабарларига қатъий иймон келтирамиз. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар берган:

وَنَضَعُ الْمَوَازِينَ الْقِسْطُ لِيَوْمِ الْقِيَامَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْئًا

**“Биз Қиёмат куни учун адолатли мезон тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинmas”.** (Анбиё сураси, 47-оят).

**Жаннат.** Жаннат луғатда – “боғ” маъносини билдиради. Шаръий истелоҳда эса “Аллоҳ таоло ўзининг буйруқларини бажариб, фазлу марҳаматига сазовор бўлган бандалари учун тайёрлаб қўйган жой – жаннат”, деб аталади. Жаннатда Аллоҳ таоло ўзининг солиҳ бандалари учун кўзлар кўрмаган, қулоқлар эшитмаган ноз-неъматларни тайёрлаб қўйгандир. Жаннатийларга бериладиган энг улуғ неъмат Аллоҳ таолонинг жамолини кўриш ҳисобланади. “Жаннатлар саккиз хил бўлиб, уларнинг дарвозалари ҳам саккизтадир.

<sup>8</sup> Манхалул ҳадис, 1-жилд, 4-бет.

Жаннатлар ушбу хил номлар билан номланган:

- |                     |                           |
|---------------------|---------------------------|
| 1. Дарус салом;     | 5. Жаннатул фирдавс;      |
| 2. Жаннат ул-маъво; | 6. Жаннатул қарор;        |
| 3. Жаннатун наъийм; | 7. Жаннату адн;           |
| 4. Жаннатул хулд;   | 8. Васила. ” <sup>9</sup> |

Жаннатга вакил қилинган фаришта “Ризвону жаннат” деб аталади. Жаннат ҳозирда яратиб қўйилган бўлиб, Аллоҳга маълум бўлган олий макондадир.

**Жаҳаннам.** Жаҳаннам лугатда “дўзах” маъносини билдиради. Шаръий истелоҳда эса “Аллоҳ таоло ўзининг буйруқларини бажармаган бандалари учун тайёрлаб қўйган жой – жаҳаннам”, деб аталади. Унинг етти дарвозаси борлиги ҳақида Аллоҳ таоло “Хижр” сурасининг 44-оятида хабар берган:

لَهَا سَبَعَةُ أَبْوَابٍ لَكُلُّ بَابٍ مِنْهُمْ جُزُءٌ مَقْسُومٌ

**“Унинг етти дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвозага уларнинг бир тўдаси бўлинур”.**

Дўзахнинг дарвозалари қуидагича номланади:

- |          |                           |
|----------|---------------------------|
| 1. Ҳовия | 5. Ҳутома                 |
| 2. Жаҳим | 6. Саъир                  |
| 3. Сақар | 7. Жаҳаннам <sup>10</sup> |
| 4. Лазо  |                           |

Дўзахдаги азобловчи фаришта “Забония” деб аталади. Дўзах ҳозирда яратиб қўйилган бўлиб, у Аллоҳ таолога маълум жойдадир.

## 2-дарс

**Мавзу:** “Мутлоқ мукаммаллик Аллоҳ таолога хосдир”

وَاللَّهُ تَعَالَى وَاحِدٌ لَا مِنْ طَرِيقِ الْعَدِ وَلَكِنْ مِنْ طَرِيقِ أَنَّهُ لَا شَرِيكَ لَهُ قُلْ فُوَّاللَهُ أَحَدٌ اللَّهُ الصَّمَدُ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُوْلَدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُواً أَحَدٌ. لَا يَشْبُهُ شَيْئًا مِنَ الْأَشْيَاءِ مِنْ خَلْقِهِ وَلَا يُشَبِّهُهُ شَيْئًا مِنْ خَلْقِهِ لَمْ يَرَنْ وَلَا يَرَأُلُ بِأَسْمَائِهِ وَصِفَاتِهِ الدَّائِنَةِ وَالْفِعْلِيَّةِ

**Аллоҳ таоло бирдир.** Бу (кейин иккидир каби) санаш маъносида эмас, балки унинг мутлақо шериги йўқ маъносидадир. “Айтинг: У – Аллоҳ

<sup>9</sup> Мухаммадия 8-бет

<sup>10</sup> Ислом энциклопедияси, 75-бет.

**Бирдир. Аллоҳ қўзлангувчиидир. У туғмаган ва туғилмагандир. Ва ҳеч ким У Зотга тенг эмасдир". У махлукларидан бўлган нарсалардан бирон нарсага ўхшамайди ва махлукларидан ҳам бирор нарса унга ўхшамайди. Унинг исмлари, зотий ва феълий сифатлари доимиий бўлган ва ҳамиша доимийдир.**



**Аллоҳ таоло бирдир. Бу (кейин иккидир каби) санаш маъносида эмас, балки Унинг мутлақо шериги йўқ маъносидадир.** Аллоҳ таоло зотида ҳам, сифатларида ҳам, феълларида ҳам яккаю ягонадир. Унга тенг келадиган бошқа бирор-бир нарса йўқдир. Бу ҳакида ихлос сурасида шундай хабар берилган;

فَلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ

(Эй, Мухаммад алайҳиссалом) **Айтинг:** “**У – Аллоҳ Бирдир. Яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю ёлғиздир.**

الله الصَّمَدُ

**Аллоҳ қўзлангувчиидир.** Яъни Аллоҳ таоло барча ҳожатлар билан қўзлангувчиидир. Барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир.

لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُوْلَدْ

**У туғмаган ва туғилмагандир.** Яъни Аллоҳ таолонинг ўғил-қизи ҳам, отаонаси ҳам йўқдир. У Азалий ва Абадий Зотдир.

وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُواً أَحَدٌ

**Ва ҳеч ким У Зотга тенг эмасдир.** Яъни Унинг мислидек бирор мавжудот йўқдир.

**У махлукотларидан бўлган нарсалардан бирор нарсага ўхшамайди.** Аллоҳ таоло махлукотларнинг барортасига ҳам ўхшамайди. Чунки У зот “вожибул вужуд” – “мавжудлиги лозим” бўлган зотдир. Махлукотлар эса “мумкинул вужуд” – “мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин” бўлган нарсалардир. Мавжудлиги лозим бўлган зотнинг ҳеч қачон, мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган нарсаларга ўхшамаслиги барчага аёндир.

**Махлукотлардан ҳам бирор нарса унга ўхшамайди.** махлукотлардан бирортаси ҳам бирор жиҳатдан Аллоҳ таолога ўхшамайди. Кимки махлукотларнинг бирортасини Аллоҳ таолога ўхшатса, кофир бўлади.

**Унинг исмлари, зотий ва феълий сифатлари доимий бўлган ва ҳамиша доимийдир.** Аллоҳ таолонинг исмларидан бирор исм ва мазкур сифатларидан бирор сифат кейинчалик пайдо бўлмаган, балки аввалдан бор бўлган. Аллоҳ таолонинг исмлари жуда кўп бўлиб бу ҳақида Қуръони каримда шундай марҳамат қилинган:

وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى فَادْعُوهُ بِهَا

**“Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар)”.** (Аъроф сураси, 180-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳадиси шарифларида куйидагича марҳамат қилганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى تِسْعَةَ وَتِسْعِينَ إِسْمًا مائةً غَيْرَ وَاحِدٍ مِنْ أَحْصَاهَا دَخَلَ الْجَنَّةَ هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ الْمَلِكُ الْقُوَّسُ السَّلَامُ الْمُؤْمِنُ الْمُهَمِّنُ الْعَزِيزُ الْجَبَارُ الْمُتَكَبِّرُ الْخَالِقُ الْبَارِئُ الْمُصَوِّرُ الْغَفَارُ الْفَهَارُ الْوَهَابُ الرَّزَاقُ الْفَتَّاحُ الْعَلِيمُ الْفَابِضُ الْبَاسِطُ الْخَافِضُ الرَّافِعُ الْمُعِزُ الْمُذِلُ الْسَّمِيعُ الْبَصِيرُ الْحَكْمُ الْعَدْلُ الْلَطِيفُ الْخَبِيرُ الْحَلِيمُ الْعَظِيمُ الْغَفُورُ الشَّكُورُ الْعَلِيُ الْكَبِيرُ الْحَفِظُ الْمُقْيِتُ الْحَسِيبُ الْجَلِيلُ الْكَرِيمُ الرَّقِيبُ الْمُحِبُ الْوَاسِعُ الْحَكِيمُ الْوَدُودُ الْمَحِيدُ الْبَاعِثُ الشَّهِيدُ الْحَقُ الْوَكِيلُ الْقَوِيُ الْمَتَّيُ الْوَلِيُ الْحَمِيدُ الْمُحْصِنُ الْمُبْدِيُ الْمُعِيدُ الْمُحْيِيُ الْمُمِيتُ الْحَيُ الْقَيُومُ الْوَاجِدُ الْمَاجِدُ الْوَاحِدُ الصَّمَدُ الْقَادِرُ الْمُقْتَدِرُ الْمُقْدَمُ الْمُؤْخِرُ الْأَوَّلُ الْآخِرُ الظَّاهِرُ الْبَاطِنُ الْوَالِيُ الْمُتَعَالِيُ الْبَرُ التَّوَابُ الْمُنْتَقِمُ الْعَفُوفُ الرَّءُوفُ مَالِكُ الْمُلْكُ ذُو الْجَلَلِ وَالْإِكْرَامِ الْمُفْسِطُ الْجَامِعُ الْغَنِيُ الْمُعْنَى الْمَانِعُ الضَّارُ التَّافِعُ الْتُورُ الْهَادِيُ الْبَدِيعُ الْبَاقِيُ الْوَارِثُ الرَّشِيدُ الصَّبُورُ. (رواه الترمذى و ابن حبان و الحاكم)

**Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади.** Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳ таолонинг 99 та, бир кам 100 та исми бор. Ким уларни санаб чиқса (тўлиқ билиб олса), жаннатга киради. Ундан бошқа илоҳ йўқ (бўлган) Аллоҳ (*Ибодат қилинган Зот*), ар-Роҳман (*Мөҳрибон*), ар-Роҳийм (*Шафқатли*), ал-Малик (*Эга*), ал-Куддус (*Мутлақ пок*), ас-Салам (*Тинчлик ато этувчи*), ал-Муъмин (*Иймон ато этувчи*), ал-Мухаймин (*Назорат қилувчи*), ал-Азиз (*Энг кучли*), ал-Жаббар (*Энг қудратли*), ал-

**Мутакаббир** (*Энг буюк*), **ал-Холик** (*Яратувчи*), **ал-Бариъ** (*Йўқдан бор қилгувчи*), **ал-Мусоввир** (*Махлуқотларга суврат берувчи*), **ал-Фоффар** (*Ниҳоятда кечирудувчи*), **ал-Қоҳҳар** (*Бўйсиндирувчи*), **ал-Вахҳаб** (*Неъматларни совга қилувчи*), **ар-Роззак** (*Ризқ берувчи*), **ал-Фаттах** (*Файзу-барака манбаъсини очувчи*), **ал-Алийм** (*Ҳар бир нарсани билувчи*), **ал-Қобиз** (*Ўзи хоҳлаган барча нарсани ушлаб турувчи*), **ал-Басит** (*Қалбларни кенгайтирувчи*), **ал-Хофиз** (*Пасайтирувчи*), **ал-Рофиъ** (*Кўтмарувчи*), **ал-Муъизз** (*Азиз қилувчи*), **ал-Музилл** (*Хор қилувчи*), **ас-Самийъ** (*Ҳар бир нарсани эшиштувчи*), **ал-Басийр** (*Ҳар бир нарсани кўрувчи*), **ал-Ҳакам** (*Ҳукм қилувчи*), **ал-Адл** (*Мутлақ адолат қилувчи*), **ал-Латийф** (*Энг илтифотли*), **ал-Хобир** (*Ўта хабардор*), **ал-Ҳалим** (*Ниҳоятда беозор*), **ал-АЗийм** (*Энг улуғ*), **ал-Ғофур** (*Ўта магфиратли*), **аш-Шакур** (*Оз амал учун кўп савоб берувчи*), **ал-Алий** (*Энг олий мартабали*), **ал-Қабийр** (*Энг катта*), **ал-Ҳафийз** (*Муҳофаза қилувчи*), **ал-Муқийт** (*Ризқ берувчи*), **ал-Ҳасийб** (*Ҳисоб қилувчи*), **ал-Жалил** (*Улуғ Зот*), **ал-Қариим** (*Лутфу-қарам кўрсатувчи*), **ар-Роқиб** (*Энг юксак кузатиб турувчи*), **ал-Мужийб** (*Ижобат қилувчи*), **ал-Васиъ** (*Илму раҳмати бепоён*), **ал-Ҳакийм** (*Ҳар бир нарсани ҳикмат билан қилувчи*), **ал-Вадуд** (*Барчага меҳр кўрсатувчи*), **ал-Мажид** (*Шон-шарафи чексиз*), **ал-Баъис** (*Юборувчи*), **аш-Шаҳийд** (*Гувоҳлик берувчи*), **ал-Ҳаққ** (*Ҳақни юзага чиқарувчи*), **ал-Вакийл** (*Барчанинг иши унга топширилган Зот*), **ал-Қовий** (*Кучли Зот*), **ал-Матийн** (*Матонатли Зот*), **ал-Валий** (*Ҳомий Зот*), **ал-Ҳамийд** (*Унга ҳамду-сано айтилган Зот*), **ал-Муҳсий** (*Ҳисоб қилувчи*), **ал-Мубдиъ** (*Асос солувчи*), **ал-Муъийд** (*Қайтарувчи*), **ал-Муҳий** (*Тирилтирувчи*), **ал-Мумийт** (*Ўлдирувчи*), **ал-Ҳай** (*Азалий ва абадий барҳаёт*), **ал-Қойюм** (*Қоим қилувчи Зот*), **ал-Важид** (*Хоҳлаганини топувчи Зот*), **ал-Мажид** (*Шон-шарафли Зот*), **ал-Ваҳид** (*Яккаюягона*), **ас-Сомад** (*Муҳтож бўлмайдиган Зот*), **ал-Қодир** (*Барча нарсага Қодир Зот*), **ал-Муқтадир** (*Ниҳоятда Қудратли*), **ал-Муқаддим** (*Олдинга сурувчи*), **ал-Муаххир** (*Орқага сурувчи*), **ал-Аввал** (*Барча нарсадан аввал*), **ал-Охир** (*Барча нарсалар йўқ бўлиб кетганда ҳам Ўзи қолувчи*), **аз-Зоҳир** (*Мавжудлиги очиқ-ойдин*), **ал-Батин** (*Махфий нарсаларни билувчи*), **ал-Ваалий** (*Барча нарсаларнинг эгаси*), **ал-Мутаъалий** (*нуқсонлардан юқори турувчи Зот*), **ал-Барр** (*Энг яхшилик*)

қилувчи), **ат-Тавваб** (*Гуноҳларни кечиравчи*), **ал-Мунтақим** (*Интиқом оловчи*), **ал-Афувв** (*Авф қилувчи*), **ар-Роуф** (*Ўта меҳрибон*), **Маликул мулк** (*Мулк эгаси*), **Зул жалали вал икром** (*Шон-шараф ва иззат-икром эгаси*), **ал-Муқсит** (*Адолат қилувчи*), **ал-Жамиъ** (*Жамловчи*), **ал-Ғоний** (*Беҳожат*), **ал-Муғний** (*Беҳожат қилувчи*), **ал-Маниъ** (*Ман қилувчи*), **аз-Зорр** (*Зарарли нарсаларни ҳам яратувчи*), **ан-Нафиъ** (*Наф берувчи*), **ан-Нур** (*Ўзи Зоҳир ва ўзгаларни зоҳир қилган*), **ал-Ҳадий** (*Ҳидоят қилувчи*), **ал-Бадийъ** (*Нарсаларни ўхшиаисиз яратувчи*), **ал-Бақий** (*Боқий қолувчи*), **ал-Ваарис** (*Мавжудотлар йўқ бўлиб кетганда ҳам бокий қолувчи*), **ар-Рошийд** (*Тўғри йўлга йўлловчи*), **ас-Собур** (*Ўта сабрли*)”, дедилар. (Термизий, Ибн Ҳиббон ва ал-Ҳоким ривоятлари).

Албатта ушбу таржима қилинган маънолар Аллоҳ таолонинг исмлари маъноларидан биридир холос. Уларнинг булардан бошқа маънолари ҳам кўпdir.

Ушбу ҳадиси шарифда Аллоҳ таолонинг мазкур 99 та исмини тўлиқ билиб олишга ҳамда уни такрорлаб юришга тарғиб бор. Куръони карим ва ҳадиси шарифларда Аллоҳ таолонинг исми-сифатлари қайси лафзлар билан зикр қилинган бўлса, фақат ўша лафзлар билан зикр қилмоқлик лозим.

Аллоҳ таолонинг исми-сифатлари уларга тааллуқли нарсалар мавжуд бўлгандан кейин пайдо бўлмаган, балки азалдан бор бўлган ва абадий бор бўлади.

### 3-дарс

**Мавзу:** “*Аллоҳ таолонинг зотий ва феълий сифатлари*”.

أَمَّا الْدَّائِيَةُ فَالْحَيَاةُ وَالْفَدْرَةُ وَالْعِلْمُ وَالْكَلَامُ وَالسَّمْعُ وَالْبَصَرُ وَالْأَرَادَةُ ، وَأَمَّا الْفِعْلِيَةُ فَالْتَّخْلِيقُ وَالْتَّرْزِيقُ وَالْإِشَاءُ وَالْابْدَاعُ وَالصَّنْعُ وَغَيْرُ ذَلِكَ مِنْ صِفَاتِ الْفِعْلِ .

Аммо зотий сифатлари: ҳаёт, қудрат, илм, қалом, эшитиш, кўриш ва иродалардир. Аммо феълий сифатлари: яратиш, ризқ бериш, пайдо қилиш, ихтиро қилиш, вужудга келтириш ва булардан бошқа феълий сифатлар (ҳам бор).



Аллоҳ таолонинг зотий ва феълий сифатлари бор. Аллоҳ таоло ўзи сифатланган сифатнинг зиддидаги сифат билан сифатланмаса, у зотий сифат дейилади.

**Ҳаёт:** Ҳаёт сифати Аллоҳ таолонинг қадимий ва боқий бўлган зотий сифатларидан биридир. У зот ўзининг азалий ва абадий сифати бўлган ҳаёт сифати билан абадий тирикдир. Бу ҳақида У Зотнинг Ўзи шундай хабар берган;

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ

**“Аллоҳ, - ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У Тирик ва Абадий Тургувчидир”.** (Бақара, 255-оят).

**Қудрат:** Қудрат сифати Аллоҳ таолонинг қадимий ва боқий бўлган зотий сифатларидан биридир. У зот ўзининг азалий ва абадий сифати бўлган қудрат сифати билан барча нарсага доимо қодирдир.

تَبَارَكَ الَّذِي بِيَدِهِ الْمُلْكُ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

**“(Барча оламлар) подшоҳлиги Ўз Қўлида бўлган Зот – Аллоҳ барокатли – Буюкдир. У барча нарсага Қодирдир”.** (Мулк, 1-оят).

**Илм.** Илм сифати Аллоҳ таолонинг қадимий ва боқий бўлган зотий сифатларидан биридир. Аллоҳ таоло фақатгина ўзига хос бўлган азалий ва абадий илми билан катта-ю кичик барча мавжудотларни билади.

هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَالَمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةُ هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ

**“У – Аллоҳ, шундай Зотдирки, ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. (У) ғайб ва шаҳодатни (яни яширин ва ошкора нарсаларни) Билгувчидир”.** (Хашр сураси, 22-оят).

**Калом.** Калом сифати Аллоҳ таолонинг қадимий ва боқий бўлган зотий сифатларидан биридир. Бошқа сифатлари каби калом сифати ҳам махлуқларнинг гапириш сифатидан кескин фарқ қиласи. Инсонлар тиллари ва лаблари ёрдамида харфлар билан гапирадилар. Аллоҳ таоло эса бундай нарсалардан бехожат бўлиб гапиришлиги ўзига хосдир.

إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ

**“Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида, Унинг иши фақатгина “Бўл!”-демоқлигидир. Бас у (нарса) бўлур вужудга келур.”** (Ясин сураси 82-оят)

**Эшитиш ва кўриш.** Эшитиш ва кўриш сифатлари Аллоҳ таолонинг қадимий ва боқий бўлган зотий сифатларидандир. Аллоҳ таоло барча товушлар, ҳарфлар ва калималарни Ўзининг азалий сифати бўлган эшитиш сифати билан эшитиб туради. Шунингдек, барча шакллар ва рангларни уларнинг ҳамма ҳолатларида Ўзининг азалий сифати бўлган кўриш сифати билан кўриб туради.

*لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ*

**Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир.** У Эшитгувчи ва Кўриб тургувчидир. (Шўро сураси, 11-оят).

**Ирода.** Ирода сифати Аллоҳ таолонинг қадимий ва боқий бўлган зотий сифатларидан биридир. Дунё-ю охиратдаги ҳар бир катта-ю кичик, озу-кўп, яхши-ёмон, фойда-ю заар, ширину аччиқ, иймону-куфр, тоату-исён барча-барчаси Аллоҳ таолонинг иродасига кўра қазо-ю қадарига мувофиқ вужудга келади.

*إِنَّ اللَّهَ يَحْكُمُ مَا يُرِيدُ*

**Албатта Аллоҳ Ўзи истаганидек ҳукм қилур.** (Моида сураси 1-оят)

**Феълий сифатлар:** Аллоҳ таоло Ўзи сифатланган сифатнинг зиддидаги сифат билан ҳам сифатланадиган бўлса, у феълий сифат дейилади. Масалан, тирилтирувчи – ўлдирувчи, бергувчи – ман қилгувчи ва ҳоказолар.

**Яратиш, пайдо қилиш, вужудга келтириш** - маънолари бир-бирига яқин бўлган Аллоҳ таолонинг феълий сифатларидир. Бу сифатлар-Таквийн ҳам дейилади. Таквийннинг қадим ёки ҳодислиги тўғрисида ақоид илми имомлари ўртасида фарқ бўлсада, бу фарқ фақат лафзийдир. Ҳақиқатда эса, бир хил, қадимдир.

**Ризқ бериш.** Ризқ луғатда- “rizq”, “кунлик овқат”, “улуш”, “инъом” каби маъноларни англатади. Истелоҳда эса- “Аллоҳ таолонинг инсонлар ва жонворларни манфаатлантирган барча нарсаси-ризқ деб аталади”.

Ризқ бериш Аллоҳ таолонинг феълий сифатларидан бири бўлиб, барча ризқланадиган жонзотларнинг ризқини Унинг ўзи беради. Бу ҳақиқатни Аллоҳ таоло қуидагича баён қилган:

وَمَا مِنْ دَآبَةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رُزْقُهَا وَيَعْلَمُ مُسْتَقْرَرَهَا وَمُسْتَوْدَعَهَا كُلُّ فِي كِتَابٍ مُّبِينٍ

“Ерда ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир. У Зот уларнинг турар жойларини ҳам, борар жойларини ҳам билур. Ҳамма нарса очик-равшан Китобда бордир”. (Худ сураси, 6-оят).

**Ихтиро қилиш.** Ихтиро қилиш ҳам Аллоҳ таолонинг феълий сифатларидан бўлиб, у нарсаларнинг ўхشاши йўқ бўлган пайтда йўқдан бор қилишидир.

#### 4-дарс

**Мавзу:** “Аллоҳ таолонинг исми сифатлари ўзига хослиги”.

لَمْ يَزَلْ وَ لَا يَزَالُ بِأَسْمَاهِ وَ صِفَاتِهِ لَمْ يَحْدُثْ لَهُ إِسْمٌ وَ لَا صِفَةٌ لَمْ يَزَلْ عَالِمًا بِعِلْمِهِ وَ الْعِلْمُ صِفَةٌ فِي الْأَزَلِ وَ قَادِرًا بِقُدرَتِهِ وَ الْقُدْرَةُ صِفَةٌ فِي الْأَزَلِ وَ مُتَكَلِّمًا بِكَلَامِهِ وَ الْكَلَامُ صِفَةٌ فِي الْأَزَلِ وَ خَالِقًا بِتَخْلِيقِهِ وَ التَّخْلِيقُ صِفَةٌ فِي الْأَزَلِ وَ فَاعِلًا بِفَعْلِهِ ، وَ الْفَعْلُ صِفَةٌ فِي الْأَزَلِ

Аллоҳ таолонинг исмлари ва сифатлари доимий бўлган ва ҳамиша доимийдир. Унинг учун бирор исм ва бирор сифат янгидан пайдо бўлмаган. У ўз илми билан доимий билгувчиdir ва илм унга азалий сифатdir. У ўз қудрати билан доимий қодирdir ва қудрат унга азалий сифатdir. У ўз каломи билан доимий гапирувчиdir ва калом унга азалий сифатdir. У ўз яратишлиги билан домий яратувчиdir ва яратишлик унга азалий сифатdir. У ўз феъли билан доимий бажарувчиdir ва феъл унга азалий сифатdir.



**Аллоҳ таолонинг исмлари ва сифатлари доимий бўлган ва ҳамиша доимиийдир.** Яъни Аллоҳ таолонинг исму сифатлари бир пайтлар йўқ бўлиб кейин пайдо бўлган эмас ва маълум бир пайтлардан кейин йўқ ҳам бўлмайди. Балки ибтидоси йўқ азалий, интиҳоси йўқ абадийдир.

**Унинг учун бирор исм ва бирор сифат янгидан пайдо бўлмаган.** Яъни Аллоҳ таоло учун бирон бир олдин бўлмаган исм ёки сифат янгидан пайдо

бўлмайди. Чунки қейин пайдо бўлишлик, олдин комил бўлмаганликдан даракдир. Аллоҳ таоло эса азалий ва абадий комилдир.

**У Ўз илми билан доимий билгувчидир ва илм унга азалий сифатдир.**

Яъни Аллоҳ таоло ўзининг азалий сифати бўлган илми билан доимий билгувчидир. Бу илми зиёдалигу нуқсонни қабул қилмайдиган, У зотнинг ўзига хос бўлган азалий ва абадий илмдир.

**У ўз қудрати билан доимий қодирдир ва қудрат унга азалий сифатдир.**

Яъни Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага азалий ва абадий қодирдир. Унинг қудрати етмайдиган бирор нарса йўқдир. Бу ҳақида Аллоҳ таоло қуидагича марҳамат қилган:

وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُعْجِزَهُ مِنْ شَيْءٍ فِي السَّمَاوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ إِنَّهُ كَانَ عَلَيْهَا قَدِيرًا

**На осмонлардаги ва на Ердаги бирон нарса Аллоҳдан қочиб қутулгувчи эмасдир.** Зотан, **У билим ва қудрат Эгаси бўлган Зотдир.** (Фотир сураси, 44-оят).

**У ўз каломи билан доимий гапиравчидир ва калом Унга азалий сифатдир.** Яъни калом Аллоҳ таолонинг зотий сифатларидан бўлиб, У зот бу сифати билан ҳарфлар ва овозлар жинсидан бўлмаган балки ўзига хос бўлган калом сифати билан гапиравчидир. Аллоҳ таоло Ўз каломи билан буюрувчи, ман килувчи ҳамда хабар берувчидир. Аллоҳ таоло ўзининг каломини пайғамбарларига фаришта Жаброил алайҳиссалом воситасида ёки бевосита етказган. Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссалом билан бевосита гаплашганлиги событдир.

وَكَلَمَ اللَّهِ مُوسَى تَكْلِيمًا

**“Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди”.** (Нисо сураси, 164-оят).

Шунингдек Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ҳам “Исрора меърож” кечасида бевосита гаплашганлиги событдир.

**У Ўз яратишлиги билан доимий яратувчидир ва яратишлик Унга азалий сифатдир.** Яъни Аллоҳ таоло маҳлуқотлар йўқ пайтда ҳам Холиқ

(яратувчи) бўлган. Махлуқотларни яратганидан сўнг “Холик” исмини олмаган. Зеро Унинг исму сифатлари бошланиши йўқ азалий ва охири йўқ абадийдир.

اللَّهُ خَالِقُ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ وَكَبِيلٌ

**“Аллоҳ барча нарсанинг Яратгувчисидир. У барча нарсанинг устида Вакил-Ҳомийдир”.** (Зумар сураси, 62-оят).

**У ўз феъли билан доимий бажарувчиidir ва феъл унга азалий сифатdir.** Яъни Аллоҳ таолонинг феъли ҳам илм, қудрат, яратиш сифатлари каби азалий сифатлариданdir. Аллоҳ таолога нарсаларни яратиши сабабли унда феъл (бўлдириш, яратиш, вужудга келтириш) пайдо бўлмаган, балки феъл унда азалий бор бўлган ва абадий бор бўлади.

### 5-дарс

**Мавзу:** “*Аллоҳ таолонинг феълига нисбатан эътиқод*”.

وَالْفَاعِلُ هُوَ اللَّهُ تَعَالَى ، وَالْفَعْلُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ وَالْمَفْعُولُ مَخْلُوقٌ . وَفَعْلُ اللَّهِ تَعَالَى عَيْرُ مَخْلُوقٍ وَصِفَاتُهُ فِي الْأَزْلِ عَيْرُ مُحْدَثَةٍ وَلَا مَخْلُوقَةٍ . فَمَنْ قَالَ: إِنَّهَا مَخْلُوقَةٌ أَوْ مُحْدَثَةٌ ، أَوْ وَقَفَ ، أَوْ شَكَ فِيهَا فَهُوَ كَافِرٌ بِاللَّهِ تَعَالَى .

**Фоил У Аллоҳ таолодир.** Унинг феъли азалий сифатidir. Мафъул махлуқdir. Аллоҳ таолонинг феъли махлуқ эмасdir. Унинг азалий сифатлари янгидан пайдо бўлган эмас ва махлуқ ҳам эмасdir. Кимки: улар махлуқdir ёки янгидан пайдо бўлган деса ёхуд иккиланса ё улар ҳақида шубҳа қилса, бас у Аллоҳ таолога кофирdir.



**Фоил У Аллоҳ таолодир.** Барча нарсани бўлдирувчи, яратувчи, вужудга келтирувчи, ҳукм қилувчи, буюрувчи ёлғиз Аллоҳ таолодир. Унинг асло шериги йўқdir. Бу ҳақида Аллоҳ таолонинг ўзи шундай хабар берган:

لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ خَالِقُ كُلَّ شَيْءٍ فَاعْبُدُهُ

**“Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзи бордир. У ҳамма нарсани яратгувчиidir. Бас Унга бандалик қилингиз!”.** (Анъом сураси, 102-оят).

**Унинг феъли азалий сифатидир.** Аллоҳ таолонинг феъли янгидан пайдо бўлгувчи феъл эмас, балки Аллоҳ таолонинг Ўзига хос бўлган азалий ва абадий сифатидир. Бу ҳақида Умар Насафий: “ “Таквийн” (яратиш, вужудга келтириш, ихтиро қилиш ва ҳоказолар) Аллоҳ таолонинг азалий сифатидир. Аллоҳ таолонинг таквийни оламни ва унинг ҳар бир жузъини вужудга келтириш вақтидаги яратишидир” деганлар.

**Мафъул махлуқдир.** Мафъул яъни Аллоҳ таолодан бошқа барча нарсалар Аллоҳ таолонинг уларни йўқдан бор қилганлигига кўра махлуқ яъни йўқдан бор қилинган дейилади.

**Аллоҳ таолонинг феъли махлуқ эмас.** Яъни Аллоҳ таоло бирор нарсани яратса, уни янги пайдо бўлган феъл билан эмас, балки ўзининг азалий сифати бўлган феъли билан яратади. Янгидан пайдо бўлган нарса Унинг азалий сифатининг асаридир. Зеро мафъулнинг махлуқлиги туфайли Аллоҳ таолонинг феъли ҳам махлуқ бўлмоқлиги лозим бўлмайди.

**Унинг азалий сифатлари янгидан пайдо бўлган эмас ва махлуқ ҳам эмасдир.** Яъни Аллоҳ таолонинг зотий ва феълий сифатлари янгидан ҳам пайдо бўлмаган, яратилган ҳам эмас, балки барча айбу-нуқсонлардан пок бўлган зотнинг азалий ва абадий сифатларидир.

**Кимки; улар махлуқдир ёки янгидан пайдо бўлган деса, ёхуд иккиланса, ё улар ҳақида шубҳа қилса, бас у Аллоҳ таолога кофирдир.** Яъни қайси бир мукаллаф инсон (акли расо, қилмишларига масъул бўладиган инсон) Аллоҳ таолонинг ҳаёт, қудрат, илм, калом, эшитиш, кўриш, ирода қилиш, яратиш, ризқ бериш каби У Зотнинг Ўзига хос бўлган сифатлари тўғрисида мазкур муносабатларда бўлса, у Аллоҳ таолога куфр келтирган бўлади.

## 6-дарс

**Мавзу:** “*Қуръон - Аллоҳ таолонинг каломи*”.

وَ الْقُرْآنُ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى فِي الْمَصَاحِفِ مَكْتُوبٌ ، وَ فِي الْقُلُوبِ مَحْفُظٌ وَ عَلَى الْأَلْسُنِ مَفْرُوعٌ ، وَ عَلَى النَّبِيِّ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَ السَّلَامُ مُنْزَلٌ ، وَ لَفْظُنَا بِالْقُرْآنِ مَخْلُوقٌ وَ كِتَابُنَا لَهُ مَخْلُوقٌ وَ الْقُرْآنُ غَيْرُ مَخْلُوقٍ.

**Қуръон Мусҳафларда ёзилган, қалбларда ёдланган, тилларда ўқилган ва Набий алайхиссолату вассаламга нозил қилинган Аллоҳ таолонинг каломидир. Бизнинг Қуръонни талаффуз қилишимиз маҳлуқдир, уни ёзишимиз маҳлуқдир ва уни қироат қилишимиз маҳлуқдир. Қуръон маҳлук эмасдир.**

---

**Қуръон.** Қуръон فُعْلَانْ فَرَأً – يَقْرَأً феълининг вазnidаги (қолипидаги) масдари (ўзаги) бўлиб, “ўқимоқ”, “жамламоқ”, “бир-бирига қўшмоқ” маъноларини англатади.

Истелоҳда эса: **الْفُرْقَانُ كَلَمُ اللَّهِ تَعَالَى الْمُنْزَلُ عَلَى مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمُتَعَبَّدُ بِتِلَاقِهِ**

**“Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган, ҳамда тиловати ибодат саналадиган Аллоҳ таолонинг каломи – Қуръон деб аталади”.**<sup>11</sup>

Қуръон исми – Аллоҳ таолонинг зотий сифати бўлган азалий ва абадий каломига ҳам, сура ва оятлардан тузилган, янгидан пайдо бўлувчи лафзий каломга ҳам далолат қиласи. Шу сабабли Имоми Аъзамроҳматуллоҳи алайҳи Аллоҳ таолонинг зотий сифати бўлган каломини ирода қилганликлари учун “Қуръон”дан кейин “Аллоҳ таолонинг каломидир” деган сўзни қўшганлар.

**Мусҳафларда ёзилган.** Яъни ҳарфлар ва калималар воситасида китобларимизда ёзилган. Мана шу ҳарфлар ва калималар Аллоҳ таолонинг азалий каломига далолат қиласи.

**فَإِذَا قَرَأْتَ الْفُرْقَانَ فَاسْتَعِدْ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ**

(Эй мўмин бандам), **Ҳар қачон Қуръон қироат қилсанг, албатта қувилган – малъун шайтон** (васвасаси)дан Аллоҳ паноҳ беришини сўрагин! (Нахл сураси, 98-оят).

**Қалбларда ёдланган, тилларда ўқилган.** Яъни тасаввур қилинган пайтда хаёлдаги лафзлари билан эсланади ва талаффуз қилинган ҳамда эшитилган ҳарфлари билан ўқиласи.

<sup>11</sup> Мабаҳис фи улумил Қуръан. 21-бет.

**Ва Набий алайҳиссолату вассаламга нозил қилинган Аллоҳ таолонинг каломидир.** Яъни Қуръони карим Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга фаришта Жаброил алайҳиссалом воситачилигида 23 йил мобайнида нозил қилинган. Жаброил алайҳис саломнинг пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий олиб тушишлари ҳақида Абул Муъйин Насафий ўзларининг “Бахрул калом” номли асарларида қуидагиларни айтганлар: “Жаброил алайҳиссаломнинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларига ҳар бир келишлари Аллоҳ таолонинг амри билан бўлган. Аллоҳ таоло Қуръонни Жаброил алайҳиссаломга билдирган шундан сўнгра унга Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга қайси оятни ва қайси суорани олиб тушишлигини буюрган”<sup>12</sup> Қуръони каримнинг дастлабки нозил қилинган оятлари “Алақ” сурасининг аввалги беш оядидир.

إِنَّمَا بِسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ      خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ  
الَّذِي عَلِمَ بِالْقُلُمِ      عَلِمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ

1. “(Эй Мухаммад алайҳиссалом, Сиз ўзингизга нозил бўладиган Қуръонни барча мавжудотни) яратган Зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг! 2. У инсонни лахта қондан яратган (Зотдир). 3-4. Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни-хатни) ўргатган ўта Карамли Зотдир. 5. У Зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди”. (Алақ сураси, 1-5-оятлар).

“Охирги нозил бўлган оятлар эса “Бақара” сурасининг 278, 281, 282-чи оятлари бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида тушган”.<sup>13</sup> 278-оят рибо ҳақидаги оятдир.

282-оят қарз ҳақидаги оят бўлиб, Қуръони каримдаги энг узун оят хисобланади.

وَأَتَقْرَبُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ

**“Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган Кундан қўрқингиз!** Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди”. (Бақара сураси, 281-оят).

<sup>12</sup> Бахрул калом 62-бет

<sup>13</sup> Мабаҳис фи улумил Қуръан, 69-бет.

“Ривоят қилиншишича, Жаброил алайхиссалом бу оятни олиб тушгач Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Буни “Бақара”дан 280-оятнинг бошига қўйинг”, деганлар. Шундан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам 21 кун ё 81 кун ё 7 кун ё 3 соат яшаганлар”.<sup>14</sup>

Куръони каримни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайхиссаломдан қабул қилиб олганлари маълум, аммо Жаброил алайхиссалом уни қаердан қабул қилиб олганлар деган савол туғиладиган бўлса, унга жавоб қўйидагича: “Аҳлус сунна вал жамоа эътиқоди бўйича: Жаброил алайхиссалом Куръонни Аллоҳ таолодан маҳсус лафзи билан эшишиб қабул қилиб олганлар”.<sup>15</sup>

**Бизнинг Куръонни талаффуз қилишимиз маҳлукдир, уни ёзишимиз маҳлукдир ва уни қироат қилишимиз маҳлукдир.** Яъни Куръондан қилган тиловатимиз ҳам, ёзишимиз ҳам, қироатимиз ҳам бизнинг феълимиз – иш-ҳаракатимиздир. Иш-ҳаракатимизнинг барчаси Аллоҳ таолонинг яратишлигига кўра маҳлукдир, яъни йўқдан бор қилингандир.

**Куръон маҳлук эмасдир.** Куръон ёзилган ҳарфлар, вараклар, китоблар барчаси маҳлукдир. Чунки буларнинг ҳаммаси бандаларнинг бажарган иш-ҳаракатларидир. Аллоҳ таолонинг каломи эса маҳлук эмасдир. Китоблар, ҳарфлар, калималар буларнинг барчаси бандалар уларга муҳтоҷ бўлганлари учун Куръонни ифода этувчи воситалардир. Бандалар ушбу воситаларни кўрадилар ва эшиладилар. Аллоҳ таолонинг каломи ўз азалий зоти билан қоим бўлиб, унинг маъноларини бандалар ана шу нарсалар орқали англайдилар. Аллоҳ таолонинг каломи бўлган Куръон маҳлук эмасдир.

## 7-дарс

**Мавзу:** “Куръондаги хабар тарзида келтирилган ҳикоялар ҳам Аллоҳ таолонинг каломи эканлиги”.

<sup>14</sup> Тафсирун Насафий, I-жилд, 139-бет.

<sup>15</sup> Мабоҳис фи улумил Қуръан, 35-бет.

وَمَا ذَكَرَ اللَّهُ تَعَالَى فِي الْقُرْآنِ حِكَايَةً عَنْ مُوسَى وَغَيْرِهِ مِنَ الْأَنبِيَاءِ عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ ، وَعَنْ فِرْعَوْنَ وَإِبْلِيسَ فَإِنَّ دِلْكَ كُلَّهُ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى إِخْبَارًا عَنْهُمْ ، وَكَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى غَيْرُ مَخْلُوقٍ وَكَلَامُ مُوسَى وَغَيْرِهِ مِنَ الْمَخْلُوقِينَ مَخْلُوقٌ وَالْقُرْآنُ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى فَهُوَ قَدِيمٌ لَا كَلَامُهُمْ

**Аллоҳ таолонинг Қуръонда Мусо ва ундан бошқа пайғамбарлар** (уларга салавоту саломлар бўлсин), шунингдек **Фиръавн ва Иблис** (тили)дан ҳикоя тарзида баён қилганларининг барчаси Аллоҳ таолонинг улар ҳақида хабар берган каломидир. Аллоҳ таолонинг каломи маҳлук эмас, Мусонинг ва ундан бошқа маҳлукларниң каломи маҳлукдир. Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи бўлиб, у азалий ва абадий мангудир (Қуръонда маҳлуклар томонидан айтилганлигини баён қилувчи сўзлар ҳам, Аллоҳ таолонинг каломидир). **Уларнинг каломи эмас.**



**Аллоҳ таолонинг Қуръонда Мусо ва ундан бошқа пайғамбарлар** (уларга салавоту саломлар бўлсин), шунингдек **Фиръавн ва Иблис** (тили)дан ҳикоя тарзида баён қилганларининг барчаси Аллоҳ таолонинг улардан хабар берган каломидир. Қуръони каримдаги Мусо алайҳиссалом ва у зотдан бошқа пайғамбарлар тилларидан баён қилинган нарсалар ҳам, Фиръавну Иблислар тилидан баён қилинган нарсалар ҳам барчаси Аллоҳ таолонинг осмону ерни ҳамда рухни яратишидан олдин Лавҳул маҳфузга битиб қўйган азалий каломидир. Улар Мусо алайҳиссаломдан ёки Фиръавндан эшитилгандан кейин, янгидан пайдо бўлган сўзлар эмасдир. Масалан:

يُرِيدُ أَنْ يُخْرِجَكُمْ مِنْ أَرْضِكُمْ فَمَاذَا تَأْمُرُونَ

“(Фиръавн айтди): “У сизларни ўз ерларингиздан чиқармоқчи, нима дейсизлар?”. (Аъроф сураси, 110-оят).

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада Фиръавннинг сўзини ҳикоя тарзида баён қилган.

قَالَ الْفُوَّا

“(Мусо): “Сизлар ташланглар”, деди”. (Аъроф сураси, 116-оят).

Бу ояти каримада эса Мусо алайҳиссаломнинг сўзларини ҳикоя тарзида баён қилган.

Бу сўзларнинг барчаси буларни айтувчилар яратилмасларидан илгари “Лавҳул маҳфуз”да битилган эди.

**Аллоҳ таолонинг каломи маҳлук эмас, Мусонинг ва ундан бошқа маҳлукларнинг каломи маҳлукдир.** Аллоҳ таолонинг каломи янгидан пайдо бўлувчи эмас, балки Унинг азалий сифатидир. Мусо алайҳиссалом ва у зотдан бошқаларнинг, яъни барча маҳлукларнинг каломи янгидан пайдо бўлувчидир. Чунки ўзлари маҳлук бўлгач, улардан содир бўлган барча феъллар ҳам маҳлук эканлиги ўз-ўзидан аёндир.

**Куръон Аллоҳ таолонинг каломи бўлиб, у абадий, мангудир** (Куръонда маҳлуклар томонидан айтилганлигини баён қилувчи сўзлар ҳам, Аллоҳ таолонинг каломидир). **Уларнинг каломи эмас.** Калом Аллоҳ таолонинг азалий ва абадий сифати ҳисобланади. Маҳлукларнинг каломи эса уларнинг ўзларига ўхшаш янгидан пайдо бўлгувчидир. Зеро сифат сифатланмишга эргашувчидир. Куръондаги, маҳлуклар тилидан баён қилинган сўзлар эса юқорида айтганимиздек, гапиравчилари яратилмасдан илгари “Лавҳул Маҳфуз”га битиб қўйилган Аллоҳ таолонинг азалий ва абадий каломидир.

## 8-дарс

**Мавзу:** “Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таоло каломини эшиитганлиги”.

وَ سَمِعَ مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ كَلَمَ اللَّهِ تَعَالَى كَمَا قَالَ اللَّهُ تَعَالَى : ( وَ كَلَمَ اللَّهِ مُوسَى تَكْلِيمًا ) . وَ قَدْ كَانَ اللَّهُ تَعَالَى مُتَكَلِّمًا وَ لَمْ يَكُنْ كَلَمَ مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ وَقَدْ كَانَ اللَّهُ تَعَالَى خَالِقًا فِي الْأَزْلِ وَ لَمْ يَخْلُقِ الْخَلْقَ وَ لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ فَلَمَّا كَلَمَ اللَّهُ مُوسَى كَلْمَةً بِكَلَمِهِ الَّذِي هُوَ لَهُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ

**Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг каломини эшиитган.** Аллоҳ таоло айтганидек: “Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди”. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга гапиришидан олдин ҳам гапиргувчи эди. Дарҳақиқат Аллоҳ таоло азалда, маҳлукотларни яратмаган пайтда ҳам Холиқ эди. Бирор нарса У зотга ўхшаш эмасдир ва У эшиитгувчи ва кўриб

**тургувчидир. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга гапирганида унга ўзининг азалий сифати бўлган каломи билан гапирган.**



**Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг каломини эшитган. Аллоҳ таоло айтганидек:** “**Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди**”. (Нисо сураси, 164-оят). Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг каломини воситасиз эшитган. Бироқ ўзини кўрмаган шу сабабли Аллоҳ таолодан жамолини ҳам кўрсатишни сўраган. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар берган.

وَلَمَّا جَاءَ مُوسَى لِمِيقَاتِنَا وَكَلَمَةُ رَبِّهِ قَالَ رَبِّ أَرْنِي أَنْظُرْ إِلَيْكَ قَالَ لَنْ تَرَانِي وَلَكِنْ انْظُرْ إِلَى الْجَبَلِ فَإِنْ اسْتَقْرِ مَكَانَهُ فَسَوْفَ تَرَانِي فَلَمَّا تَجَّلَ رَبُّهُ لِلْجَبَلِ جَعَلَهُ دَكَّاً وَخَرَّ مُوسَى صَعِقًا فَلَمَّا أَفَاقَ قَالَ سُبْحَانَكَ ثَبَّتْ إِلَيْكَ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُؤْمِنِينَ

“**Қачонки Мусо ваъдалашган вақтимизда** (Тур тоғига) **келиб, Парвардигори унга** (бевосита) **сўзлагач**, у: “**Парвардигорим менга** (жамолингни) **кўрсатгин Сенга бир қарай**”, деди. (Аллоҳ) айтди: “**Сен Мени** (бу дунёда) **ҳаргиз кўролмайсан. Аммо мана бу тоққа бок** (мен унга кўринурман). **Бас, агар у** (Мен кўринганимда) **ўрнашган жойида тура олса, сен ҳам Мени кўражаксан**”. **Қачонки, Парвардигори** у тоққа кўринган эди, уни майда-майда қилиб ташлади. **Ва** (бу ҳолни кўрган) **Мусо ҳушсиз ҳолда** ийқилди. **Ўзига келганидан кейин эса, деди:** “**Пок Парвардигор** (ноўрин савол сўрашдан) **Ўзингга тавба қилдим. Энди мен** (Сенинг нақадар Буюк Зот эканлигингга) **иимон келтирувчиларнинг аввали, пешқадамиман**”.” (Аъроф сураси, 143-оят).

**Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга гапиришидан олдин ҳам гапиргувчи** эди. Аллоҳ таоло азалий гапиргувчидир. Унга Куръонни Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилиши ва унда ўтган пайғамбарлар ва ўтмишдаги бошқа қиссаларни ҳам баён қилиши азалдан маълум эди.

**Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло азалда махлукотларни яратмаган пайтда ҳам Ҳолиқ эди.** Аллоҳ таоло махлукотларни яратмасидан олдин ҳам яратувчи эди. Аллоҳ таолонинг исмларидан бири “الْمُحْبِي” (тирилтирувчи)дир.

Аллоҳ таоло бу исмга ўликларни тирилтиришидан олдин ҳам эга бўлганидек, Ҳолиқ исми ҳам махлукларни яратмасидан олдин У зотда мавжуд бўлган. Зеро, У барча нарсага қодир, азалий ва абадий комил сифатлар эгасидир. Бир сўз билан айтганда: “Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир ва У эшитгувчи ва кўриб тургувчидир”.

**Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга гапирганида унга ўзининг азалий сифати бўлган қаломи билан гапирган.** Мусо алайҳиссалом келган пайтда Аллоҳ таоло ўзининг азалий ва абадий бўлган қаломи мазмуни билан гапирган. Яъни бу шундай қалом эдики, унга далолат қиласиган калимани Аллоҳ таоло азалда Лавҳул маҳфузга битиб қўйган эди. Мусо алайҳиссаломга ўша ёзиб қўйилган калимага мувофиқ гапирган. Хулоса қилиб айтганда, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг азалий ва ҳақиқий қаломига далолат қиласиган нарсани эшитган.

## 9-дарс

**Мавзу:** “Аллоҳ таолонинг сифатлари махлукларнинг сифатларига ўхшамаслиги”.

وَ صِفَاتُهُ كُلُّهَا بِخِلَافِ صِفَاتِ الْمَخْلُوقِينَ يَعْلَمُ لَا كَعْلَمْنَا وَ يَقْدِرُ لَا كَقْدِرْنَا وَ يَرَى لَا كَرُؤْيَنَا وَ يَسْمَعُ لَا كَسْمَعْنَا  
وَ يَتَكَلَّمُ لَا كَكَلَامْنَا وَ تَحْنُنْ نَتَكَلَّمُ بِالْأَلْأَاتِ وَ الْحُرُوفِ وَ اللَّهُ تَعَالَى يَتَكَلَّمُ بِلَا إِلَهَ وَ لَا حُرُوفٌ وَ الْحُرُوفُ مَخْلُوقَةٌ  
وَ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى عَيْرُ مَخْلُوقٍ. وَ هُوَ شَيْءٌ لَا كَأْلَشِيَاءٌ وَ مَعْنَى الشَّيْءِ إِثْبَاثٌ بِلَا جَسْمٌ وَ لَا جَوْهَرٌ وَ لَا عَرَضٌ ،  
وَ لَا حَدَّلَةٌ وَ لَا ضِدَّلَةٌ وَ لَا نِدَّلَةٌ وَ لَا مِثْلَلَةٌ

(Аллоҳ таолонинг) Сифатларининг барчаси махлукларнинг сифатлари хилофидадир. У билади, лекин бизнинг билишимиз каби эмас ва қодир бўлади, лекин бизнинг қодир бўлишимиз каби эмас ва кўради, лекин бизнинг кўришимиз каби эмас ва эшитади, лекин бизнинг эшитишимиз каби эмас ва гапиради, лекин бизнинг гапиришимиз каби эмас. Биз воситалар (халқум, тил ва ҳоказолар) ёрдамида ҳарфлар билан гапирамиз, Аллоҳ таоло бевосита ва

**ҳарфларсиз гапиради. Ҳарфлар махлукдир. Аллоҳ таолонинг қаломи махлук эмасдир. У (Аллоҳ таоло) нарсадир, лекин (бошқа) нарсалар каби эмасдир. Нарсанинг маъноси унинг жисмсиз ва жавҳарсиз ва аразсиз событлигидир. Унинг учун чегара йўқдир, Унинг учун рақиб йўқдир, Унинг учун тенг йўқдир, Унинг учун мисл йўқдир.**



(Аллоҳ таолонинг) **Сифатларининг барчаси махлукларнинг сифатлари хилоғидадир.** Аллоҳ таолодаги сифатларнинг барчаси, зотий сифатлари ҳам, феълий сифатлари ҳам унинг ўзига хос бўлган азалий сифатлардир. Масалан, Кўриш, Эшитиш, Гапириш ва ҳоказо сифатларнинг исмлари Аллоҳ таоло билан бандалари ўртасида муштарак бўлсада, Унинг сифатлари ўзига хос, бандаларники бандаларга хосдир. Зеро, “Бирор нарса у зотга ўхшаш эмасдир ва у эшитувчи ва кўриб тургувчидир”.

**У билади, лекин бизнинг билишимиз каби эмас.** Чунки бизнинг билишимиз эшитиш, кўриш ҳамда тасаввур қилиш каби нарсалар ёрдамида бўлиб, хато ва камчиликдан холи эмасдир. Аллоҳ таолонинг билиши эса барча нуқсону камчиликлардан холи бўлган азалий ва абадий, мутлақо комил сифатидир.

**Ва қодир бўлади, лекин бизнинг қодир бўлишимиз каби эмас.** Чунки Аллоҳ таолонинг қудрати азалий ва абадийдир. Бизнинг қодир бўлишмиз эса янгидан пайдо бўлувчидир. Қолаверса, бизлар асбоблар ва ташқи ёрдамчилар билан қодир бўламиз. Аллоҳ таоло эса барча нарсаларга бевосита ва бошқаларнинг кўмагисиз Ўзининг азалий ва абадий сифати билан қодирдир.

**Ва кўради, лекин бизнинг кўришимиз каби эмас.** Бизлар маълум бир масофада муайян ёруғлик воситасида у ёки бу томонга юзланишлик бўлгандағина кўра оламиз. Аллоҳ таоло эса Ўзининг азалий ва абадий сифати билан мутлоқ кўради.

**Ва эшитади, лекин бизнинг эшитишимиш каби эмас.** Чунки Аллоҳ таоло Ўзининг азалий ва абадий бўлган сифати билан эшитади. Гарчи эшитилаётган нарса янги пайдо бўлгувчи бўлса ҳам.

لَهُ غِيْبُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ أَبْصِرْ بِهِ وَأَسْمَعْ

**“Осмонлар ва Ернинг сирлари Ёлғиз Уницидир. У Зот нақадар Кўргувчи ва Эшитгувчиидир!”.** (Каҳф сураси, 26-оят).

**Ва гапиради, лекин бизнинг гапиришимиз каби эмас.** Бизлар воситалар (халқум, тил ва ҳоказолар) ёрдамида ҳарфлар билан гапирамиз. Аллоҳ таоло бевосита ва ҳарфларсиз гапиради. Чунки Аллоҳ таоло бирор нарсанинг ёрдамига муҳтоҷ бўлишдан покдир. У ўзининг азалий ва абадий бўлган калом сифати билан гапиради.

**Ҳарфлар махлукдир Аллоҳ таолонинг каломи махлук эмасдир.** Яъни ҳарфлар янгидан пайдо бўлган, яратилган нарсалардир. Бироқ Аллоҳ таолонинг каломи махлук эмасдир. Балки Унинг азалий ва абадий сифатидир. Имом Таҳовий (239-321 х.й.й.)айтганларки: “Ким Аллоҳнинг каломини эшитиб, уни башарнинг каломи деса, аниқ кофир бўлибди. Бундай кимсани Аллоҳ таоло “Сақор” дўзахига гирифтор қилишини баён қилган.

إِنْ هَذَا إِلَّا قَوْلُ الْبَشَرِ سَاصِلِيهِ سَقَرَ

**“Бу фақат башарнинг сўзиидир”** деди. **Яқинда Мен уни Сақорга (жаҳаннамга) киритажакман!”.** (Муддассир сураси, 25-26 ояллар).

Бизлар чинакам эътиқод қилиб айтамизки, у башарнинг сўзи эмас, балки башарнинг Холиқи бўлган Аллоҳ таолонинг сўзиидир.”<sup>16</sup>

**У (Аллоҳ таоло) нарсадир. Лекин (бошқа) нарсалар каби эмасдир.** Нарсанинг маъноси унинг жисмсиз, жавҳарсиз ва аразсиз событлигидир. Аллоҳ таоло ўзига хос бўлган зот ва сифат билан мавжуддир. Аллоҳ таоло маконлардан бирон маконда ҳам эмас. Замонлардан бирон бир замонда ҳам эмасдир. Чунки замону маконлар махлуклар жумласидандир. Кишининг хаёлига келган ҳар бир нарсадан Аллоҳ таоло бошқачадир. Уни ҳеч ким идрок эта олмайди. Балки идрок этишдан ожизлигини билишлик идрок этиш саналади.

<sup>16</sup> Шарху ақида ат-Таховия, 179-бет.

وَالْعَجْزُ عَنْ دَرْكِ الْإِدْرَاكِ ادْرَاكٌ  
وَالْبَحْثُ عَنْ سِرِّ دَاتِ الرَّبِّ إِشْرَاكٌ

Идрок этиш фаҳмидан ожизлик идрок этишдир.

Роббнинг зоти сиридан баҳс қилмоқ ширк келтиришдир.<sup>17</sup>

Аллоҳ таоло бирор нарсага ўхшамаганидек, бошқа бирор нарса ҳам унга ўхшамайди.

**لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ**

**“Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Эшитгувчи ва Кўриб Тургувчидир”.** (Шўро сураси, 11-оят).

Аллоҳ таолони бошқа нарсаларга ўхшамайдиган нарса дейишликнинг маъноси унинг жисмсиз, жавҳарсиз ва аразсиз мавжуд эканлигини сабит килишдир. Жисм, жавҳар ва аразларнинг нима эканлигини Умар Насафий қуидагича баён қилганлар: “Оlam ўзининг барча жузлари билан йўқдан бор қилингандир. Зоро олам “Аъён” ва “Араз”лардан иборатдир. Аъён ўзича хис этиладиган нарса бўлиб, у турли нарсалардан таркиб топган бўлади ёки таркиб топмаган бўлади. Моддалардан таркиб топгани - жисм дейилади. Таркиб топмагани - жавҳар дейилади. Жавҳар -бўлинмайдиган бир жуздир. Араз ўз зоти билан мавжуд бўлиб турмайдиган балки, жисм ва жавҳарларда пайдо бўладиган нарсалардир. Масалан; ранглар, ҳаракату-сукунатлар, таъмлар ва ҳидлар каби нарсалардир.”

Аллоҳ таоло буларнинг барчасидан покдир. Зоро У зот буларнинг барчасини яратувчисидир. Розий роҳматуллоҳи алайҳ айтадиларки: “Мужассим (Аллоҳга жисм нисбатини берувчи) асло Аллоҳга ибодат қилган эмас. Чунки у масаввуридаги гумоний суратга ибодат қиласди. Аллоҳ таоло эса буларнинг барчасидан покдир”.<sup>18</sup>

**Унинг учун чегара йўқдир, Унинг учун рақиб йўқдир, Унинг учун тенг йўқдир, Унинг учун мисл йўқдир.** Аллоҳ таоло учун ибтидо ва интиҳо йўқ ва Уни бирор ишдан ман қилувчи ҳам йўқдир. Унинг ўхшashi ва шериги ҳам йўқдир. Бу улкан ҳақиқат ҳам ақлан ҳам нақлан сабитдир.

<sup>17</sup> Мирқотул мағотиҳ, 444-бет.

<sup>18</sup> Шарху китаб ал-Фикҳул акбар, 65-бет.

فَلَا تَجْعَلُوا لِلّهِ أَنْدَادًا

“Ўзгаларни Аллохга тенглаштиргангиз!”. (Бақара сураси, 27-оят).

وَلَمْ يَكُنْ لَّهُ كُفُواً أَحَدٌ

“Ва хеч ким У Зотта тенг эмасдир”. (Ихлос сураси, 4-оят).

## 10-дарс

**Мавзу:** “Куръонда зикр қилинганидек, Аллоҳ таолонинг қўли, юзи ва жони борлиги”.

وَلَهُ يَدٌ وَوَجْهٌ وَنَفْسٌ كَمَا ذَكَرَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي الْقُرْآنِ ، فَمَا ذَكَرَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي الْقُرْآنِ مِنْ ذِكْرِ الْوَجْهِ وَالْيَدِ وَالنَّفْسِ فَهُوَ لَهُ صِفَاتٌ بِلَا كَيْفٍ وَلَا يُقَالُ: إِنَّ يَدَهُ قُدْرَتُهُ أَوْ نِعْمَتُهُ ، لَأَنَّ فِيهِ إِبْطَالَ الصِّفَةِ . وَهُوَ قَوْلُ أَهْلِ الْقَدْرِ وَالْإِعْتِزَالِ وَلَكِنَّ يَدَهُ صِفَتُهُ بِلَا كَيْفٍ وَخَضْبَةً وَرِضَاهُ صِفَاتِهِ تَعَالَى بِلَا كَيْفٍ

Аллоҳ таоло Қуръонда зикр қилганидек, Унинг қўли, юзи ва жони бордир. Ҳа, Аллоҳ таоло Қуръонда юз, қўл ва жондан нимани зикр қилган бўлса, у Унинг учун кайфиятсиз сифатдир. (Бироқ) Унинг қўли(дан мурод) қудрати ёки неъмати дейилмайди. Чунки бунда сифатни ботил қилишлик бўлади. Ва У (Аллоҳнинг қўли - Унинг қудрати ёки неъмати деган сўз) Қадарийларнинг ва Мўътазилийларнинг сўзиdir. Лекин Унинг қўли кайфиятсиз сифатидир. Шунингдек, ғазаби ва ризоси Унинг кайфиятсиз сифатларидан икки сифатдир.



Аллоҳ таоло Қуръонда зикр қилганидек, унинг қўли, юзи ва жони бордир. Мазкур нарсаларни Аллоҳ таоло қандоқ баён қилган бўлса, улар худди ўшандоқдир. Биз уларнинг кўринишини, шаклини тасаввур қилишга уринмаймиз.

قَالَ يَا إِبْلِيسُ مَا مَنَعَكَ أَنْ تَسْجُدْ لِمَا خَلَقْتُ بِيَدِيِّ

“(Шунда Аллоҳ) деди: “Эй иблис, Мен Ўз Қўлларим билан яратган нарсага – Одамга сажда қилишдан нима сени ман қилди?!””. (Сод сураси, 75-оят).

وَيَبْقَى وَجْهُ رَبِّكَ ذُو الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ

**“Буюклик ва карам Соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг Юзи – Ўзигина боқий мангу қолур”.** (Ар-Роҳман, 27-оят).

**تَعْلُمُ مَا فِي نَفْسِي وَلَا أَعْلَمُ مَا فِي نَفْسِكَ**

**“Зотан, Сен дилимдаги бор нарсани билурсан. Аммо мен Сенинг хузурингдаги ҳеч нарсани билмасман”.** (Моида сураси, 116-оят).

Ушбу ва шу каби бошқа ояти карималарда Аллоҳ таоло нимани зикр қилган бўлса, ўшанга иймон келтириб, уларнинг ҳақиқий маъносини Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола қиласиз. Зоро, уларнинг ҳақиқий маъносини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди.

**Ҳа, Аллоҳ таоло Қуръонда юз, қўл ва жондан нимани зикр қилган бўлса, у Унинг учун қайфиятсиз сифатдир.** Яъни уларнинг кўриниши ва шакллари бизларга маълум бўлмаган, балки Аллоҳ таолонинг ўзигагина маълум бўлган сифатларидир. Биз уларга Аллоҳ таоло қандай хабар берган бўлса, ўшандай иймон келтирамиз. Зоро:

وَمَا يَعْلُمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ آمَنَّا بِهِ كُلُّ مَنْ عِنْدِ رَبِّنَا

**“Холбуки, ундаи оятларнинг таъвилини** (ҳақиқий маъносини) **Ёлғиз Аллоҳгина билур – илмда событқадам бўлган кишилар эса: “У Китобга иймон келтирганмиз, ҳамма оялари Парвардигоримиз хузуридандир”, дейдилар”.** (Оли-Имрон сураси, 7-оят).

**(Бироқ) унинг қўли(дан мурод) қудрати ёки неъмати дейилмайди.** Чунки бунда сифатни ботил қилишлик бўлади. Аллоҳ таолонинг қўли қудрати ёки неъмати дейилмайди. Чунки Қуръонда қудрати ёки неъмати дейилмаган, балки қўли дейилган. Шунинг учун ҳам уни қудрати ёки неъмати дейилса, сифатни ботил қилишлик бўлади. Салаф уламоларимиз бир овоздан ушбу фикрга қўшилганлар. Бироқ Халаф уламоларимиз (олдинги уч асрдан кейингилар) оят ва ҳадисларда келган сифатларни ҳар хил бузғунчи тоифалар нотўғри талқин қилишга ўтганлари сабабли таъвил қилишга мажбур бўлиб қолганлар. Салаф уламоларимизнинг тутган йўллари ўша вакт учун тўғри ва салоҳиятли бўлганидек

Халаф уламоларимизнинг қилган таъвиллари ҳам ўз даврлари тақозосига кўра тўғри ва салоҳиятли ҳисобланади.

**Ва у** (Аллоҳнинг қўли – Унинг қудрати ёки неъмати деган сўз) **Қадарийларнинг ва Мўътазилийларнинг сўзи**дир. “Қадарийлар – исломдаги илк вужудга келган адашган оқимлардан биридир. Улар 8-аср охирларида пайдо бўлган улардан фақат Маъбад ва Ато ибн Жассор номларигина маълум. Қадарийлар инсоннинг ирова эркинлигини ёқлаб чиқишиб, тақдири азал тарафдори бўлган Жабарийларга (инсон тақдирини Худо мутлоқ олдиндан белгилаб қўйган, инсонда ҳеч қандай ирова ва фаолият эркинлиги йўқ, дейдиган тоифа) қарши кураш олиб борганлар. Улар одиллик Худонинг асосий сифатларидан бири деган фикр асосида гуноҳни Худо олдиндан белгилаган бўлиши мумкин эмас, Худодан фақат адолатли ишни қутиш мумкин, гуноҳ ишлар эса инсон фаолияти билан боғлиқ, демак инсон ирова ва фаолият эркинлигига эга, шунинг учун у гуноҳ қиласи, деган фикрни олға сурғанлар.

Уларнинг таълимотларини 8-аср охирларидан Мўътазилийлар давом эттирган. Мўътазилийлар (ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар) – исломдаги адашган оқимлардан бири бўлиб, 8-аср ўрталарида араб халифалигига вужудга келган. Асосчилари Восил ибн Ато (699-748 мил.й.) ва Амр ибн Убайд (? – 762 мил.й.). Улар ўз гуруҳлари билан устозлари Ҳасан ал-Басрий роҳматуллоҳи алайҳ (648–728 мил.й.) мактабидан ажралиб чиққанлар. Мўътазилийлар Қадарийларнинг инсон ирова эркинлиги ҳақидаги таълимотларни ривожлантирганлар ва 9-асрда ўзларининг ақийда тизимларини ишлаб чиққанлар. Мўътазилийлик таълимоти халифа Мутаваккил (847–861 мил.й. давомида халифалик қилган) даврида “шаккоклик” деб эълон қилинган. Мўътазилийлар ақл идрокни илоҳиёт асоси деб эътироф этганлар. Ўзларини “тавҳид” ва “адл” тарафдорлари деб атаганлар. Мўътазилийларнинг асосий ғоялари кейинчалик шиа илоҳиётчилари томонидан ўзлаштирилиб олинган. Мўътазилийлар Ироқ ва Эрон томонлардан 11-12-асрларга келиб, Ўрта Осиёда эса 13-14-асрларга келиб

йўқолиб кетганлар”<sup>19</sup> И моми Аъзамроҳматуллоҳи алайҳ даврларида Аллоҳ таолонинг исму сифатлари тўғрисида бузук эътиқодга ўтган ушбу тоифалар пайдо бўлиб, ихтилофлар кўпайган эди. Шу сабабли И моми Аъзамроҳматуллоҳи алайҳ ушбу адашган тоифаларнинг номларини келтириб, уларга раддия қилганлар.

**Лекин Унинг қўли кайфиятсиз сифатидир. Шунингдек, ғазаби ва ризоси Унинг кайфиятсиз сифатларидан икки сифатдир. Яъни Аллоҳ таолонинг қўли бизларга қандайлиги номаълум кайфияти баён қилинмаган сифатидир. Шунингдек ғазаби ва ризоси ҳам ўхшали йўқ бўлган икки сифатдир. Бандаларда ғазаб қоннинг шиддат билан айланиши, юзларнинг қизариши, ақлга бўйсинмаслик каби ҳолатларда бўлади. Шунингдек, уларнинг розилиги ҳам шодланиш, хуш кайфиятда бўлиш каби маҳлуқларга хос руҳий ҳолатдир. Аллоҳ таоло эса буларнинг барчасидан покдир.**

## 11-дарс

**Мавзу: “Аллоҳ таолонинг нарсаларни йўқдан бор қилганлиги”**

خَلَقَ اللَّهُ تَعَالَى الْأَشْيَاءَ لَا مِنْ شَيْءٍ ، وَ كَانَ اللَّهُ تَعَالَى عَالِمًا فِي الْأَرْضِ بِالْأَشْيَاءِ قَبْلَ كَوْنِهَا وَ هُوَ الَّذِي قَدَرَ الْأَشْيَاءَ  
وَ قَضَاهَا ، وَ لَا يَكُونُ فِي الدُّنْيَا وَ لَا فِي الْآخِرَةِ شَيْءٌ إِلَّا بِمَشِيرَتِهِ وَ عِلْمِهِ وَ قَضَائِيهِ وَ قَدْرِهِ وَ كَتْبِهِ فِي الْلَّوْحِ  
الْمَحْفُوظِ وَ لَكِنْ كَتْبَةُ الْأَوَصْفَ لَا بِالْحُكْمِ ، وَ الْقَضَاءُ وَ الْقَدْرُ وَ الْمَشِيرَةُ صِفَاتُهُ فِي الْأَرْضِ بِلَا كَيْفٍ

Аллоҳ таоло нарсаларни яратган, лекин (бор) нарсадан яратмаган. Аллоҳ таоло нарсаларни бор бўлишларидан олдин ҳам азалда Билувчи эди. У нарсаларга тақдир таъйин қилган ва уларга ҳукмини жорий қилган Зотдир. Дунё ва охиратдаги ҳар бир нарса Унинг хоҳиши, илми, ҳукми, ўлчови ҳамда “Лавхул маҳфуз”га ёзганидек бўлади. Лекин уни васф билан ёзган, буйруқ билан эмас. Қазо, қадар ва хоҳиш Унинг азалий кайфиятсиз сифатларидир.



<sup>19</sup> Ислом энциклопедияси. 172-бет.

**Аллоҳ таоло нарсаларни яратган,** лекин (бор) нарсадан яратмаган. Яъни Аллоҳ таоло нарсаларни олдин мавжуд бўлган бир нарсадан бошқа бир ҳолатга ўтказиб бор қилмаган, балки мутлоқ йўқ нарсани бор қилган.

**الْحَمْدُ لِلَّهِ فَاطِرِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ جَاعِلِ الْمَكَانَةِ رُسُلًا أُولَئِيْ أَجْنَاحَةٍ مَتَّشِّي وَثَلَاثَ وَرْبَاعَ**

**“Ҳамду сано осмонлар ва Ерни илк Яратувчи ҳамда** (Ўзи билан бандалари ўртасида) **фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар** (воситачилар) **қилгувчи Аллоҳ учундир”.** (Фотир сураси, 1-оят).

**Аллоҳ таоло нарсаларни бор бўлишларидан олдин ҳам азалда билувчи** эди. Яъни Аллоҳ таоло барча нарсаларни уларнинг йўқлигига йўқлигича, бор қилганидан кейин борлигича ўзининг азалий илми билан мутлоқ билган ва доимо билгувчиидир.

**إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلَيْهَا**

**“Албатта Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчи бўлган Зотдир”.** (Нисо сураси, 32-оят).

**У нарсаларга тақдир таъйин қилган ва уларга ҳукмини жорий қилган Зотдир.** Аллоҳ таоло барча махлукотларни аниқ ўлчов билан яратган. Яъни қадарнинг яхшиси ҳам ёмони ҳам барчаси Аллоҳ таолодандир.

**إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ**

**“Албатта Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик”.** (Қамар сураси, 49-оят).

Тақдир – луғатда “аниқламоқ”, “баҳоламоқ”, “тақдирламоқ” каби маъноларни билдириб, ундан Аллоҳ таоло ўзининг азалий ва абадий илми билан барча махлукотларининг тақдирини олдиндан белгилаб, уларга ўз ҳукмини жорий қилганлиги тушунилади. Бу, бандалар ўша амалларни қилишга мажбур, деган маънони эмас, балки бандаларнинг келгусида қиласиган ишлари Аллоҳ таолога азалдан маълум, деган маънони билдиради яъни бандаларга жузъий ихтиёр берилган. Ўша ихтиёрларини қайси тарафга йўналтирганларига кўра жазо ёки мукофот оладилар. Баъзи ривоятларда бу масала жуда ҳам ёрқин ифодалаб берилган.

“Ривоят қилинишича, уламолардан бирлари ўз боғларида тоат-ибодат билан машғул эди. Уч киши у зотни масхара қилиб мот қилиш учун мунозарага келдилар. Олим уларни илиқ кутиб олиб, муддаоларини суриштириди ва яқинроқ келиб сўзлашга чақирди. Биринчи киши келдида деди: “Сизлар Аллоҳ бор, дейсизлар. Агар ҳақиқатдан ҳам бўлса, қани уни менга кўрсатинг-чи?”. Иккинчи киши келиб сўз бошлади: “Сизлар “Қиёмат куни азоб ўт-олов билан бўлади”, дейсизлар. Яна жин ҳам оловдан яратилганини айтасизлар. Энди айтинг-чи. Олов билан олов қандай азобланиши мумкин?”. Навбат учинчи кишига етди. У: “Сизлар “Ҳамма нарса қазо-ю қадар бўйича бўлади”, дейсизлар. Агар шундай бўлса, нега инсон амаллари учун ҳисоб-китоб бериши, жазоланиши керак?”, деди.

Олим ўрнидан туриб, ердан бир ховуч тупроқ олдида уларнинг юзларига қараб сочиб юборди ва деди: “Сизлар сўраган саволларга жавобим шу!”. Ҳайратдан қотиб қолган, юз қўзлари аламдан, ғазабдан ёниб кетган бу уч киши олимни қозининг ҳузурига етаклаб бордилар ва масалани баён қилиб бердилар. Қози воқеани эшитгач, олимга деди: “Тақсир, саволларига жавоб бериш ўрнига уларнинг юзига тупроқ сочишингизнинг боиси нима? Олим кишининг жавоби шуми?!”. Олим киши деди: “Ҳа!”. “Нега?!”, дея қозининг қошлари чимрилди. Олим айтди: “Чунки биринчиси мендан Аллоҳ ҳақиқатда бўлса, кўрсатишмни сўради. Энди унга айтинг, мен юзига тупроқ сочганимда чеккан аламини менга кўрсатсин-чи! Кейин мен ҳам у хоҳлаган нарсани кўрсатаман”. Қози биринчи кишидан сўради: “Кўрсата оласанми?!”. Биринчи киши: “Йўқ”, деди. Олим деди: “Энди унга айтинг, жуда кўп нарсаларнинг борлиги кўринишига боғлик бўлмайди”.

“Иккинчиси мендан Қиёмат куни жинларни ўт азоби билан азобланиши ҳақида сўради. Унга айтинг-чи, ўзи тупроқдан яратилган-у, нега унга тупроқ сочсам алам чекди? Учинчиси бўлса, мендан қазо-ю қадар ҳақида сўради. Инсонларнинг тақдирида нима ёзилган бўлса, ўшанинг бўлишини билди-ю, лекин инсонга хоҳлаган ишини қилиши учун ихтиёр берилганини унутиб қўйди. Агар мен масалан, ўз ихтиёrim билан унинг юзига тупроқ сочмаган бўлсам, бу иш менинг ихтиёrimсиз бўлган бўлса, унда нега мени жазолаш учун сизнинг

хузурингизга олиб келди?”, дея жавоб берди олим. Қози жавобни эшитиб, уччала “паҳлавон”га истехзо билан тикилиб, деди: “Энди менга айтинглар-чи, берган саволарингизга ожиз бир банданинг қилган жавоби Аллоҳнинг ҳамма нарсадан огоҳ, хабардор зот эканини англатмайдими?”.

**Дунё ва охиратдаги ҳар бир нарса унинг ҳоҳиши, илми, ҳукми, ўлчови ҳамда “Лавхул маҳфуз”га ёзганидек бўлади.** Барча маҳлуқотлар Аллоҳ таолонинг иродаси, ҳукми ҳамда маҳлуқларни яратмасидан олдин “Лавхул маҳфуз”га қандок битиб қўйган бўлса, худди ўшандай бўлади.

**وَكُلُّ صَغِيرٍ وَكَبِيرٍ مُسْتَطْرٌ**

**“Ҳар бир кичик ва катта** (амал Лавхул маҳфузда) **битилмишdir.** (Камар сураси, 53-оят).

**بَنْ هُوَ قُرْءَانٌ مَجِيدٌ فِي لَوْحٍ مَحْفُوظٍ**

Йўқ, (улар ёлғон дейишаётган нарса) **Лавхул-маҳфуздаги** (яъни ҳар қандай бузилиш ва ўзгаришдан сақланган – ҳимояланган Лавҳдаги) **буюк Қуръондир.**

(Буруж сураси, 21-22 оятлар).

“Лавхул маҳфуз” (муҳофаза қилинган лавҳ) Аллоҳ таоло маҳлуқотларининг тақдирларини ёзган улкан китоб бўлиб, у ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу

алайҳи ва саллам:

إِنَّ اللَّهَ خَلَقَ لَوْحًا مَحْفُوظًا مِنْ دُرَّةٍ بِيَضَاءَ سَفَحَاتِهَا يَا فَوْتَهَ حَمْرَاءُ قَمْهُ نُورٌ وَ كِتَابُهُ نُورٌ لِلَّهِ فِيهِ كُلُّ يَوْمٍ سِئُونَ وَ ثَلَاثُ مِئَةٍ لَحْظَةٍ وَ عَرَضُهُ مَا بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ يَنْظَرُ فِيهِ كُلُّ يَوْمٍ سِئِينَ وَ ثَلَاثَ مِئَةٍ نَظَرَةٍ يَخْقُ وَ يَرْزُقُ وَ يُمْيِتُ وَ يُحْيِي وَ يُعْزِّزُ وَ يُذَلِّ وَ يَفْعَلُ مَا يَشَاءُهُ  
الْطَّبَرَانِيُّ فِي الْمُعْجمِ الْكَبِيرِ

“Аллоҳ таоло “Лавхул маҳфуз”ни оқ дурдан яратган. Унинг сахифалари қизил ёқутдандир. Каломи нурдир. Китоби нурдир. Унда ҳар куни Аллоҳ учун 360 лаҳза бор. Унинг кенглиги Осмон билан Ернинг орасича. Ҳар куни унга уч юз олтмиш марта назар солади. Халқ қиласи, ризқ беради, ўлдиради, тирилтиради, азиз қиласи, хор қиласи, Ўзи хоҳлаган нарсасини қиласи”, деганлар. (Табароний ривояти “Ал-Мўъжамул кабир”да келтирган”).<sup>20</sup>

**Лекин уни васф билан ёзган буйруқ билан эмас.** Аллоҳ таоло “Лавхул маҳфуз”га барча нарсаларни: узун-қисқа, чиройли-хунук, тоат-маъсият ва

<sup>20</sup> Талхису шархил ақийдатит Таховия, 108-бет.

ҳоқазоларни васф билан “шундай бўлади” деб ёзган. Уларни “шундай бўлсин” деб буйруқ билан ёзмаган.

Масалан, “Зайд мўмин бўлсин”, “Амр кофир бўлсин”, деб буйруқ билан ёзмаган. Агар шундай ёзганида, Зайд иймон келтиришдан, Амр куфр келтиришдан чорасиз бўлиб қоларди. Чунки Аллоҳ таоло ҳукм қилган нарса албатта рўёбга ошмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло: “Зайд ўз ихтиёри билан мўмин бўлади, иймонни хоҳлайди, куфрни хоҳламайди. Амр ўз ихтиёри билан кофир бўлади, куфрни хоҳлайди, иймонни хоҳламайди”, дея ёзиб қўйган. Уларнинг нимани хоҳлашларини эса, Ўзининг азалий ва абадий илми билан олдиндан билган ва ўша билишича “Лавҳул маҳфуз”га битиб қўйган.

**Қазо, қадар, хоҳиш унинг азалий қайфиятсиз сифатлариидир.** Яъни қазо, қадар ва хоҳиш Куръон ва суннат билан собит бўлган Аллоҳ таолонинг азалий сифатларидан ҳисобланади. Шу сабабли бошқа сифатлари каби бу сифатларига ҳам ҳар бир мўмин иймон келтирмоғи лозимдир.

## 12-дарс

**Мавзу:** “*Аллоҳ таолонинг илми ўзгармас эканлиги*”.

يَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى الْمَعْدُومَ فِي حَالٍ عَدَمِهِ مَعْدُومًا ، وَ يَعْلَمُ اللَّهُ كَيْفَ يَكُونُ إِذَا أَوْجَدَهُ . وَ يَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى الْمَوْجُودَ فِي حَالٍ وَجُودِهِ مَوْجُودًا ، وَ يَعْلَمُ اللَّهُ كَيْفَ يَكُونُ فَنَاؤهُ . وَ يَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى الْقَائِمَ فِي حَالٍ قِيَامِهِ قَائِمًا ، وَ إِذَا قَعَدَ عَلَمَهُ قَاعِدًا فِي حَالٍ قُوْدِهِ مِنْ غَيْرِ أَنْ يَتَغَيَّرَ عِلْمُهُ أَوْ يَحْدُثَ لَهُ عِلْمٌ ، وَ لَكِنَّ التَّغَيِّرُ وَ الْإِخْتِلَافُ يَحْدُثُ فِي الْمَخْلُوقِينَ

Аллоҳ таоло йўқни (мавжуд бўлмаган нарсани) ўша нарсанинг йўқлик ҳолида йўқ деб билади. Агар уни бор қилса қандай бўлишини ҳам билади. Аллоҳ таоло мавжуд нарсани (ўша нарсанинг) мавжудлик ҳолида мавжуд деб билади ва (унинг) қандай йўқ бўлишини ҳам билади. Аллоҳ таоло тик турувчини (унинг) тик турган ҳолида тик турувчи деб билади. Ва агар ўтирса, (уни) ўтирган ҳолида ўтирувчи деб билади. Бунда Унинг илми ўзгармасдан ёки Унга янги илм пайдо бўлмасдан билади. Лекин ўзгаришлик ва турли бўлишлик маҳлуқларда пайдо бўлади.



**Аллоҳ таоло йўқни** (мавжуд бўлмаган нарсани) **ўша нарсанинг йўқлик ҳолида йўқ деб билади.** Агар уни бор қилса қандай бўлишини ҳам билади. Яъни Аллоҳ таоло нарсаларни ўзининг азалий ва абадий илми билан билади. Шунинг учун ҳам нарсаларнинг турлича бўлишлари ва янгидан пайдо бўлишлари, умуман, улар ҳақидаги маълумотлар хилма-хил бўлса-да, Аллоҳ таоло уларнинг барчасини Ўзининг азалий илми билан мутлоқ билади.

**Аллоҳ таоло мавжуд нарсани** (ўша нарсанинг) **мавжудлик ҳолида мавжуд деб билади ва** (унинг) **қандай йўқ бўлишини ҳам билади.** Аллоҳ таоло йўқ деб билган нарсасини агар вужудга келтиришни хоҳласа, ўша нарсанинг қандоқ мавжуд бўлишини билади. Агар яна йўқ қилишни хоҳласа, унинг қандай йўқ бўлишини ҳам билади. Буларнинг барчасини ўзининг ўзгармас азалий илми билан билади.

**Аллоҳ таоло тик турувчини** (унинг) **тик турган ҳолида тик турувчи деб билади.** Бандаларнинг барча ҳолатлари Аллоҳ таолога маълумдир. Бандалари намоздами ё рўзадами ё бошқа амал устидами уларнинг барча ҳолатларини Ўзининг мутлоқ илми билан билиб туради.

**Ва агар ўтирса,** (уни) **ўтирган ҳолида ўтирувчи деб билади.** Бандалар бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтсалар, уларнинг ўтишлари ҳам Аллоҳ таолога азалдан маълум.

**Бунда Унинг илми ўзгармасдан ёки Унга янги илм пайдо бўлмасдан билади.** Аллоҳ таоло барча нарсаларни ўзининг азалий илми билан билиб туради. Бу илми Унинг ўзигагина хос бўлиб, у асло зиёдалигу-нуқсонни қабул қилмайди. Шунинг учун махлуқлар бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтсалар, Аллоҳ таоло уларнинг аввалги ҳолатларини ҳам кейинги ҳолатларини ҳам Ўзининг азалий илми ўзгармасдан ва янги илм пайдо бўлмасдан билади.

**Лекин ўзгаришлик ва турли бўлишлик махлуқларда пайдо бўлади.** Ўзгаришлик ва турли бўлишлик махлуқларга хосдир. Аллоҳ таолонинг илми эса азалий ва абадий ўзгармасдир.

## 13-дарс

**Мавзу:** “Аллоҳ таоло бандаларни куфр ва иймондан саломат қилиб яратганлиги”.

**خَلَقَ اللَّهُ تَعَالَى الْخَلْقَ سَلِيمًا مِنَ الْكُفَرِ وَالْإِيمَانِ ، ثُمَّ خَاطَبَهُمْ وَأَمْرَاهُمْ وَنَهَاهُمْ فَكَفَرُوا مَنْ كَفَرَ بِفِعْلِهِ وَإِنْكَارَهُ وَجُحُودُهُ الْحَقَّ بِخِدْلَانِ اللَّهِ تَعَالَى إِيَاهُ وَآمَنَ مَنْ آمَنَ بِفِعْلِهِ وَإِفْرَارِهِ وَتَصْدِيقِهِ بِتَوْفِيقِ اللَّهِ تَعَالَى إِيَاهُ وَنُصْرَتِهِ لَهُ**

**Аллоҳ таоло халқни куфр ва иймондан саломат қилиб яратган.** Сўнгра уларга хитоб қилган, буюрган ва қайтарган. Бас, ким кофир бўлса, ўзининг феъли, инкори ва ҳақни рад этишлиги билан Аллоҳ таоло уни ёрдамсиз қолдиришилиги туфайли кофир бўлибди. Шунингдек, ким иймон келтирган бўлса, ўзининг феъли, иқори ва тасдиқи билан Аллоҳ таолонинг унга берган тавфиқи ва ёрдами туфайли иймон келтирибди.



**Аллоҳ таоло халқни куфр ва иймондан саломат қилиб яратган.** Аллоҳ таоло инсонларни дастлаб яратганида уларни куфр асаридан ва иймон нуридан саломат қилиб, уларни куфрни ҳам иймонни ҳам қабул қилувчи шахслар қилиб яратган.

**هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ فَمِنْكُمْ كَافِرُ وَمِنْكُمْ مُؤْمِنُ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ**

**“У сизларни яратган Зотдир. Бас, сизлардан (айримларингиз) кофир, сизлардан (айримларингиз) мўминдир. Аллоҳ қилаётган амалларингизни Кўриб тургувчидир”.** (Тағобун сураси, 2-оят).

Яъни куфр билан иймонни дунёда инсонлар касб қиладилар.

**Сўнгра уларга хитоб қилган, буюрган ва қайтарган.** Аллоҳ таоло инсонларни яратганидан сўнг уларга ўзининг пайғамбарларини юбориб, улар тилидан ва саодатманд инсонлар тилидан ибодатга таклиф қилган. Уларни иймон ва тоатга буюриб, куфр ва маъсиятдан қайтарган.

**Бас, ким кофир бўлса, ўзининг феъли, инкори ва ҳақни рад этишлиги билан Аллоҳ таоло уни ёрдамсиз қолдиришилиги туфайли кофир бўлибди. Яъни ким кофир бўлса, ўз ихтиёри билан қайсарлик қилиб кибрланиб кофир бўлган бўлади. Куфр келтирган эса ўзига-ўзи зулм қилган ҳисобланади.**

**إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلِمُ النَّاسَ شَيْئًا وَلَكِنَّ النَّاسَ أَنفَسَهُمْ يَظْلِمُونَ**

**“Албатта Аллоҳ инсонларга бирон зулм адолатсизлик қилмас. Балки, инсонлар (Яратганга иймон келтирмасликлари билан) ўзларига ўзлари зулм қилурлар”.** (Юнус сураси, 44-оят).

**Шунингдек, ким иймон келтирган бўлса, ўзининг феъли, иқори ва тасдиқи билан Аллоҳ таолонинг унга берган тавфиқи ва ёрдами туфайли иймон келтирибди.** Яъни ким иймон келтирган бўлса, ўзининг бўйсунишига, итоатига, тили билан иқор бўлишига ҳамда аъзолари билан тасдиқ этишига бир сўз билан айтганда мусулмон бўлишига Аллоҳ таолонинг фазлу марҳамати туфайли муваффақ бўлади. Бу ҳақиқат Ҳадиси шарифларда кўплаб ўринларда таъкидланган.

وَعَنْ عَلَيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ : فَالَّرَسُولُ اللَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَا مَنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا وَقَدْ كُتِبَ مَقْدُدٌ  
مِنَ النَّارِ وَمَقْدُدٌ مِنْ الْجَنَّةِ". قَالُوا : يَا رَسُولَ اللَّهِ ! أَفَلَا تَنْهَلُ عَلَى كِتَابِنَا وَنَدَعَ الْعَمَلَ؟ قَالَ : "إِعْمَلُوا فَكُلُّ مُيسَرٍ  
لِمَا خُلِقَ لَهُ أَمَّا مَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ السَّعَادَةِ فَسَيُبَيِّسُ لِعَمَلِ أَهْلِ السَّعَادَةِ وَأَمَّا مَنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الشَّقَاوَةِ فَسَيُبَيِّسُ لِعَمَلِ  
أَهْلِ الشَّقَاوَةِ ثُمَّ قَرَأَ : " فَأَمَّا مَنْ أَعْطَى وَاتَّقَى وَصَدَقَ بِالْحُسْنَى ". (مُتَفَقُ عَلَيْهِ)

*Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:* “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Сизлардан бирор кимса йўқки унинг дўзахдаги ва жсаннатдаги жойи тақдирига ёзилмаган бўлса. (Шунда): “Эй Аллоҳнинг росули! Амални қўйиб, тақдиримиз ёзувига суюнмайликми?”, дейишиди. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Амал қилинглар, ҳар кимга у учун яратилган нарса енгил қилингандир.. Аммо ким саодат аҳлидан бўлса, албатта саодат амалига мұяссар бўлади ва аммо ким шақоват (бахтсизлик) аҳлидан бўлса, албатта шақоват амалига мұяссар бўлади дедилар ва ўқидилар. Ана энди ким (ўз мол давлатидаги камбагал – бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) ато этса ва

(Аллоҳдан) қўрқса ҳамда гўзал оқибатни (яъни жаннат бор эканини) **тасдиқ этса**. (Лайл сураси, 5-6-оятлар). (Муттафақун алайх).

Ушбу ояти карималар уларга тааллуқли бўлган кейинги ояти карималар муносабати билан келтирилган:

فَسَيِّرْهُ لِلْيُسْرَىٰ وَأَمَّا مَنْ بَخَلَ وَاسْتَغْنَىٰ وَكَذَبَ بِالْحُسْنَىٰ

“Бас, Биз уни осон йўлга мұяссар қилурмиз. Энди ким (Аллоҳ йўлида хайру саховат кўрсатишдан) **бахиллик қилса ва** (ўзини Аллоҳ ҳузуридаги ажру мукофотларидан) **бекожат билса, ҳамда гўзал оқибатни** (яъни Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) ёлғон деса. **Бас, Биз уни** (дунё ва охиратда бахтсиз бўладиган) **оғир йўлга “мұяссар” қилурмиз!**”

#### 14-дарс

**Мавзу:** “Инсонлар ислом фитратида дунёга келадилар”.

أَخْرَجَ ذُرَيْةً آدَمَ مِنْ صَلْبِهِ عَلَىٰ صُورَ الدَّرِّ فَجَعَاهُمْ عُقْلَاءٌ فَخَاطَبَهُمْ وَأَمْرَاهُمْ بِالإِيمَانِ وَنَهَاهُمْ عَنِ الْكُفْرِ فَأَقْرَوْا لَهُ بِالرُّبُوبِيَّةِ ، فَكَانَ ذَلِكَ مِنْهُمْ إِيمَانًا فَهُمْ يُولُدوْنَ عَلَىٰ تِلْكَ الْفِطْرَةِ ، وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَقَدْ بَدَأَ وَغَيْرَ ، وَمَنْ آمَنَ وَصَدَقَ فَقَدْ ثَبَّتَ عَلَيْهِ وَدَأَوْمَ

(Аллоҳ таоло) **Одам алайҳиссаломнинг зурриётларини унинг сулбидан кичкина чумоли суратида чиқарди.** Ҳамда уларга ақл берди, сўнг уларга хитоб қилди, уларни иймонга буюрди ва куфрдан қайтарди. Бас, улар Унинг рубубиятига (Робблигига) иқрор бўлдилар. Ўша (икрор) улардан бўлган иймондир. Улар ўша фитратда (табиий хилқатда) туғиладилар. Ўшандан кейин ким коғир бўлса, дарҳақиқат алмаштирибди ва ўзгартирибди. Ким иймон келтирган ва тасдиқлаган бўлса, дарҳақиқат унда событ қолибди ва бардавом бўлибди.



(Аллоҳ таоло) **Одам алайҳиссаломнинг зурриётларини унинг сулбидан кичкина чумоли суратида чиқарди.** Аллоҳ таоло Одам алайҳис салом зурриётларини дастлаб у зотнинг пуштидан чиқарган сўнгра то Қиёматга қадар

ўғилларининг белидан, қизларининг қўқрак суягидан чиқаради. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар берган:

يَخْرُجُ مِنْ بَيْنِ الصُّلُبِ وَالثَّرَائِبِ      خُلُقٌ مِنْ مَاءِ دَافِقٍ      فَلَيَنْظُرِ الْإِنْسَانُ مِمَّ خُلِقَ

“Энди инсон ўзининг нимадан яралганига бир боқсин! У (эркакнинг) бели билан (аёлнинг) қўқрак қафаси ўртасидан отилиб чиқувчи бир сувдан яралган-ку!”. (Ториқ сураси, 5-7-оятлар).

**Ҳамда уларга ақл берди, сўнг уларга хитоб қилди, уларни иймонга буюрди ва куфрдан қайтарди.**

Аллоҳ таоло қиёматгача келадиган барча инсонларни дастлаб Одам алайҳиссаломнинг пуштидан чиқарганида уларни оқ ва қора рангдаги кичкина чумолилар кўринишида чиқарган, ҳамда уларга ақл берган ва “Мен сизларнинг Роббингиз эмасманми?”, деган. Шунда улар: “Бизнинг Роббимизсан”, дейишган. Сўнgra Аллоҳ таоло уларни иймонга буюриб куфрдан қайтарган.

**Бас, улар Унинг рубубиятига (Робблигига) иқрор бўлдилар.** Яъни улар Аллоҳ таолонинг “Мен сизларнинг Роббингиз эмасманми?”, деган саволига “Бизнинг Роббимизсан”, дейишлари билан Аллоҳ таолонинг Робб эканлигига ва ўзларининг Унга banda эканликларига иқрор бўлганлар.

**Ўша (иқрор) улардан бўлган иймондир.** Ўша иқрор бўлишлари улардан ҳақиқий ёки ҳукмий иймон бўлган. Яъни улар Аллоҳ таолони Робб эканлигини тасдиқлаганлар.

**Улар ўша фитратда (табиий хилқатда) туғиладилар.** Улар ана шу исломий хилқатда дунёга келадилар. Бу ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйидагича марҳамат қилганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَاءِنْ مَوْلُودٍ إِلَّا يُولَدُ عَلَى الْفِطْرَةِ فَابْوَاهُ  
يُهُوَدَا نِهِ أوْ يُنَصَّرَانِهِ أوْ يُمَجَّسَانِهِ كَمَا تَشَجُّ الْبَهِيمَةُ جَمِيعَهُ هَلْ تُحِسِّنُ فِيهَا مِنْ جَذْعَاءِ؟ ثُمَّ يَقُولُ (فِطْرَةُ اللَّهِ  
الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ لِخُلُقِ اللَّهِ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيْمُ (مُتَّقِّ عَلَيْهِ)

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Ҳар бир туғилган (гўдак) ислом фитратида туғилади. Бас, уни ота-онаси яхудий қиласи ё насроний қиласи ё мажусий қиласи. Худди ҳайвон камчиликсиз ҳайвон туққанидек. Унда (туғилган ҳайвонда) қулоги

кесикни ҳис қилганимисиз? Сўнгра ўқидилар: “*Аллоҳ инсонларни яратган, табиий хилқатни (сақланг)! Аллоҳнинг яратиши ўзгартирилмас. Энг тўғри дин мана шудир*”. (Рум сураси, 30-оят).

**Ўшандан кейин ким кофир бўлса, дарҳақиқат алмаштирибди ва ўзгартирибди.** Дунёда ким кофир бўлса, ўша табиий хилқатидаги унга ато қилинган иймонни ўзи касб қилган куфрга алмаштирибди. Бу ҳакида Абул Муъийн Насафий “Бахрул калом”да шундай деганлар; “Билгилки Аллоҳ таоло ҳалқни яратган ва мийсоқ кунида уларни Одам алайхиссаломнинг сулбидан чиқарган. Ҳали улар кофир ҳам, мўмин ҳам эмас эдилар. Улар ҳалқ эдилар. Сўнгра уларга иймон ва куфр кўндаланг қилинган. Бас иймонни ихтиёр қилган ва қалби билан эътиқод қилган ҳар-бир киши мўминдир. Иймонни ихтиёр қилмаган ҳар-бир киши кофиридир. Сўз билан ижобат этган бироқ эътиқод қилмаган ҳар-бир киши эса мунофиқдир.”<sup>21</sup>

**Ким иймон келтирган ва тасдиқлаган бўлса, дарҳақиқат Унда событ қолибди ва бардавом бўлибди.** Дунёда ким иймонини зоҳир қилган ва тилида айтиётган нарсаларига аъзолари билан амал қилиб, исбот этган бўлса, аслий динида событ қолибди. Исломда бардавом бўлибди.

## 15-дарс

**Мавзу:** “*Аллоҳ таоло бандаларининг бирортасини куфрга ҳам, иймонга ҳам мажбурламаганлиги*”.

وَلَمْ يُجِيرْ أَحَدًا مِنْ خَلْقِهِ عَلَى الْكُفْرِ وَلَا عَلَى الْإِيمَانِ وَلَا خَلْقُهُمْ مُؤْمِنًا وَلَا كَافِرًا ، وَلَكِنْ خَلْقُهُمْ أَشْخَاصًا وَالْإِيمَانُ وَالْكُفْرُ فِعْلُ الْعَبَادِ وَيَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى مَنْ يَكْفُرُ فِي حَالٍ كُفْرُهُ كَافِرًا إِذَا آمَنَ بَعْدَ ذَلِكَ عِلْمَهُ مُؤْمِنًا فِي حَالٍ إِيمَانِهِ وَأَحَبَّهُ مِنْ عَيْنٍ أَنْ يَتَغَيَّرَ عِلْمُهُ وَصِفَتُهُ

(Аллоҳ таоло) **Халқидан бирортани куфрга ҳам, иймонга ҳам мажбурламаган.** Ва уларни мўмин ҳам, кофир ҳам қилиб яратмаган. Лекин уларни шахслар қилиб яратган. Иймон ва куфр бандаларнинг феълидир. **Аллоҳ таоло (Ўзига) ким куфр келтирадиган бўлса, у(банда)ни кофирлик**

<sup>21</sup> Бахрул калом 24 бет

**холатида кофир деб билади. Қачон ўшандан кейин иймон келтирса, Унинг (Аллоҳнинг) илми ва сифати ўзгармасдан у(банда)ни иймон келтирган холатида мўмин деб билади ҳамда у(банды)ни яхши кўради.**



(Аллоҳ таоло) **Халқидан бирортани куфрга ҳам, иймонга ҳам мажбурламаган.** Яъни Аллоҳ таоло бирор бандани мажбурлаб куфр ёки иймонни унинг қалбига солиб қўймаган, балки банда уларнинг қайси бирини ихтиёр қилса ва яхши кўрса ўшанисини унинг талабига кўра яратади. Шу сабабли ҳам мўмин банда иймонни яхши кўриб, куфрни ёмон кўрганидек, кофир банда куфрни яхши кўриб, иймоннни ёмон кўради.

**Ва уларни мўмин ҳам, кофир ҳам қилиб яратмаган.** Аллоҳ таоло бандани мажбурлаб мўмин ҳам қилиб яратмаган ва мажбурлаб кофир ҳам қилиб яратмаган. Балки куфрни ҳам иймонни ҳам бандада касб қилади. Чунки куфр ва иймон, тоат ва исёнлар бандаларнинг феъллариридир. Бу феълларни Аллоҳ таоло бандаларнинг хоҳиш ва истакларига кўра уларда яратади.

**Лекин уларни шахслар қилиб яратган.** Яъни Аллоҳ таоло бандаларни иймонни ҳам, куфрни ҳам қабул қилишга салоҳиятли шахслар қилиб яратган.

**Иймон ва куфр бандаларнинг феълидир.** Яъни иймон ҳам, куфр ҳам бандаларнинг ўз ихтиёrlари билан танлайдиган феъллариридир.

**Аллоҳ таоло (Ўзига) ким куфр келтирадиган бўлса, у(банды)ни кофирлик холатида кофир деб билади.** Аллоҳ таоло уни кофирлиги учун ёмон кўради.

**Қачон ўшандан кейин иймон келтирса, Унинг (Аллоҳнинг) илми ва сифати ўзгармасдан у(банды)ни иймон келтирган холатида мўмин деб билади ҳамда у(банды)ни яхши кўради.** Банда куфрни касб қилганидан кейин уни ташлаб, иймонга келса, Аллоҳ таоло уни иймон келтириб мўмин бўлганлиги учун яхши кўради. Банданинг куфрандан иймонга ўтиши ёмон кўрилишдан яхши кўрилишга ўтиши демакдир. Бундай ўзгариш туфайли уларга тааллуқли бўлган

Аллоҳ таолонинг азалий сифатлари ўзгариб қолмайди. Чунки ҳар бир банданинг ҳоли улар дунёга келмасларидан олдин Аллоҳ таолога маълумдир. Шунинг учун ҳам қайси банда яхши амалларни қилишга муваффақ қилинаётган бўлса, бунинг учун Аллоҳ таолога шукроналар айтиб уларни яна ҳам кўпайтиришга уринмоғи лозим.

## 16-дарс

**Мавзу:** “Бандаларнинг барча феъллари ўзларининг касби эканлиги”.

وَ جَمِيعُ أَفْعَالِ الْعِبَادِ مِنَ الْحَرَكَةِ وَ السُّكُونِ كَسْبُهُمْ عَلَى الْحَقِيقَةِ وَ اللَّهُ تَعَالَى خَالِقُهُمْ وَ هِيَ كُلُّهَا بِمَشِيرَتِهِ وَ عِلْمِهِ وَ قَضَائِيهِ وَ قَدْرِهِ وَ الطَّاعَاتُ كُلُّهَا مَا كَانَتْ وَ أَجْبَةً بِأَمْرِ اللَّهِ تَعَالَى وَ بِمَحْبَبَتِهِ وَ بِرِضَائِهِ وَ عِلْمِهِ وَ مَشِيرَتِهِ وَ قَضَائِيهِ وَ قَدْرِهِ وَ الْمَعَاصِي كُلُّهَا بِعِلْمِهِ وَ قَضَائِيهِ وَ تَقْدِيرِهِ وَ مَشِيرَتِهِ لَا بِمَحْبَبَتِهِ وَ لَا بِرِضَائِهِ وَ لَا بِأَمْرِهِ

Бандаларнинг ҳаракат ва сукунатдан бўлган барча феъллари ҳақиқатда уларнинг касбидир. Аллоҳ таоло ўша барча феълларнинг Яратувчисидир. Ўша феълларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг хоҳиши, илми, қазоси ва қадари биландир. Вожиб бўлган тоатнинг барчаси Аллоҳ таолонинг амри, яхши кўриши, ризоси, илми, хоҳиши, қазоси ва тақдири биландир. Маъсиятларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг илми, қазоси, тақдири ва хоҳиши биландир. Лекин яхши кўриши, ризоси ва амри билан эмасдир.



Бандаларнинг ҳаракат ва сукунатдан бўлган барча феъллари ҳақиқатда уларнинг касбидир. Аллоҳ таоло ўша барча феълларнинг Яратувчисидир. Яъни бандаларнинг тоатлари ҳам, исёнлари барча-барчаси уларнинг қилган касблари ҳисобланади. Касб - луғатда “қўлга киритмоқ”, “ишлаб топмоқ”, “жамламоқ” каби маъноларни билдиради. Истелоҳда эса “банданинг иродаси ва қудратининг феълига боғланиши касб” деб аталади. Шу маънода бандаларнинг қудрати ва иродаси эътибори билан уларнинг қилган барча ҳаракатлари касб бўлади. Мазкур ҳаракатлар Аллоҳ таолонинг қудрати ва иродаси эътиборига кўра маҳлук (яратилган) бўлади. Демак, банданинг барча сукунати-ю ҳаракатини Аллоҳ таоло яратади, банда эса, уни касб қиласди.

“Яратишилик билан касб ўртасидаги фарқ шуки, Банданинг иқтидори чегарасида вужудга келган нарса - касб дейилади. Банданинг иқтидори чегарасида эмас, Аллоҳ таолонинг қудрати чегарасида вужудга келган нарса - яратишилик дейилади.”<sup>22</sup>

**Ўша феълларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг хоҳиши, илми, қазоси ва қадари биландир.** Бандаларнинг касб қилган барча феъллари, яхшиликлари ҳам, ёмонликлари ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси, илми, ҳукми ва тақдирига мувофиқ бўлади. Аллоҳ таоло барча нарсаларни ўзининг азалий илми билан билган ва билишига кўра ирова қилган. Бунда асло жабру зулм маъноси йўқ, балки бандаларнинг феълларини олдиндан билиб туриш маъноси бордир.

**Вожиб бўлган тоатнинг барчаси Аллоҳ таолонинг амри, яхши қўриши, ризоси, илми, хоҳиши, қазоси ва тақдири биландир.** Бу ҳақида Аллоҳ таоло Куръони каримда жуда кўплаб ўринларда таъкидлаган:

Аллоҳ таоло тавба қилувчиларни ва ўзини пок тутувчиларни яхши қўриши ҳақида;

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ

**“Албатта, Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади”** (Бақара сураси, 222-оят) деган.

Иймон келтирганлар ва солих амалларни қилганлардан рози бўлиши ва улар ҳам Ундан рози бўлишлари ҳақида;

رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ

**“Аллоҳ улардан рози бўлди, улар (Аллоҳдан) рози бўлдилар”,** (Баййина сураси, 8-оят) деган.

Борлиқда вужудга келган ҳар бир ишни Ўзининг аниқ ўлчови билан яратганлиги тўғрисида;

إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَا بِقَدَرٍ

**“Албатта, Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик”** (Қамар сураси, 49-оят) деган.

<sup>22</sup> Талхису шархил ақидатит Таҳовия 179-бет

**Маъсиятларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг илми, қазоси, тақдири ва хоҳиши биландир.** Лекин яхши кўриши, ризоси ва амри билан эмасдир. Гуноҳларнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам Аллоҳ таолонинг иродаси билан содир бўлади. Агар У зот ирода қилмаганида, уларнинг бирортаси ҳам асло содир бўлмас эди. Бироқ бу гуноҳлар Унинг яхши кўриши, рози бўлиши ва буйруғи билан бўлмайди, балки банданинг ушбу гуноҳларни ихтиёр қилганлиги ва уларни талаб қилганлиги учун Аллоҳ таоло унинг талаб қилган нарсасини хоҳишига қўра яратади. Бу хақиқат Куръони каримда жуда кўплаб ўринлрда таъкидланган;

وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْفَسَادَ

“Аллоҳ эса бузғунчилик – фасодни севмайди”. (Бақара сураси, 205-оят).

وَكَمَا يَرْضَى لِعِبَادِهِ الْكُفَّارَ

“(Аммо) У Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас”. (Зумар сураси, 7-оят).

قُلْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَأْمُرُ بِالْفَحْشَاءِ

“(Эй, Мухаммад алайҳиссалом) айтинг: “Аллоҳ ҳеч қачон бундай бузук ишларга буюрмайди””. (Аъроф сураси, 28-оят).

## 17-дарс

**Мавзу:** “Пайғамбарлар катта-ю кичик гуноҳлардан пок эканликлари”

وَالْأَئْيَاءُ عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ كُلُّهُمْ مُنْزَهُونَ عَنِ الصَّغَائِرِ وَالْكَبَائِرِ وَالْكُفَّرُ وَالْقَبَائِحُ وَقَدْ كَانَتْ مِنْهُمْ زَلَّاتٌ وَّ  
خَطَّيَّاتٌ ، وَمُحَمَّدٌ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ حَبِيبُهُ وَعَبْدُهُ وَرَسُولُهُ وَنَبِيُّهُ وَصَفِيُّهُ وَنَقِيُّهُ وَلَمْ يَعْبُدِ الصَّنَمَ وَلَمْ  
يُشْرِكْ بِاللَّهِ تَعَالَى طَرْفَةً عَيْنٍ قُطُّ وَلَمْ يَرْتَكِبْ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً قُطُّ

Пайғамбарларнинг (уларга салавоту саломлар бўлсин) барчалари кичик ва катта гуноҳлардан, куфрдан ҳамда қабиҳликлардан покдирлар. Бироқ уларнинг баъзиларидан янгишиши ва хатога йўл қўйиш содир бўлган. Мухаммад алайҳиссолату вассалам Аллоҳ таолонинг ҳабиби, бандаси, росули, набийси, танлаб олгани ва ихтиёр қилганидир. У зот бутга ибодат қилмаган. Аллоҳ таолога кўз юмиб очгунчалик вақт ҳам асло ширк келтирмаган. Кичигу катта гуноҳларни мутлақо қилмаган.



**Пайғамбарларнинг** (уларга салавоту саломлар бўлсин) **барчалари кичик ва катта гуноҳлардан, куфрдан ҳамда қабиҳликлардан покдирлар.** Яъни Пайғамбар алайҳиссаломларнинг барчалари пайғамбар бўлишларидан олдин ҳам, бўлғанларидан кейин ҳам катта-ю кичик гуноҳларнинг барчасидан, энг катта гуноҳ хисобланмиш куфрдан ҳам ва бошқа фаҳшу разилликлардан ҳам пок бўлғанлар. Чунки бу муҳтарам зотлар инсониятнинг энг афзал кишилари хисобланадилар. Аллоҳ таолонинг ўзи уларни әлчиликка танлаб олиб, уларни ҳар хил катта ва кичик гуноҳлардан сақлаган.

**Бироқ уларнинг баъзиларидан янглишиш ва хатога йўл қўйиш содир бўлган.** Баъзи пайғамбарларда янглишиш ва хатога йўл қўйиш содир бўлган. Масалан, Одам алайҳиссалом ман қилинган дарахт мевасини унуган ҳолда еб қўйганлар, Мусо алайҳиссалом қибтий кишини билмасдан бир мушт уриб ўлдириб қўйганлар. Пайғамбар алайҳиссаломлар хато ва янглишишдек кўринган ушбу каби ишларни мутлақо қасдан қилмаганлар. Зеро бу муҳтарам зотларни Аллоҳ таолонинг ўзи қасдан гуноҳ қилишдан сақлаган. Улардан содир бўлган бундоқ ишларда таълим маъносидаги илоҳий ҳикмат бўлган.

Имом Умар Насафий айтадиларки: “*Самарқанд имомлари янглишишини пайғамбарларнинг феълларига боғламайдилар. Чунки янглишишининг ўзи гуноҳнинг бир тури. Шунинг учун айтадиларки, пайғамбарлар фазилатли ишини қилиб, ундан афзалроқ ишини тарк қилганлари учун итоб қилинганлар. Чунки пайғамбарларнинг афзал ишини тарк қилишилари бошқаларнинг вожибни тарк қилишиларидек бўлади*”.<sup>23</sup>

**Муҳаммад алайҳиссолату вассалам Аллоҳ таолонинг ҳабиби, бандаси, росули, набийси, танлаб олгани ва ихтиёр қилганидир.** Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссолату вассалам 571-йилда Арабистон ярим оролининг Макка шаҳрида, Қурайш қабиласида дунёга келганлар. У зотнинг оталарининг исми

<sup>23</sup> Абдулкарим Таттон “шархул фикхул акбар” 30-бет.

Абдуллоҳ, Абдуллоҳнинг отаси Абдулмутталиб, Абдулмутталибнинг отаси Ҳошим, Ҳошимнинг отаси Абдуманноф бўлган. Шу тариқа пайғамбаримиз алайҳиссолату вассаламнинг насаблари 21-боболари Аднонгача олимлар ўртасида ихтилофсиз маълумдир. Пайғамбаримиз алайҳиссолату вассаламнинг отаси у зот туғилмасларидан илгари вафот этган. Онаси Омина бинту Вахб эса у зот олти ёшликларида вафот этган. Бутунлай етим қолган Мұхаммад алайҳиссолату вассаламни бобоси Абдулмутталиб ўз қарамоғига олган. Бироқ кўп ўтмай Абдулмутталиб ҳам вафот этиб, амакиси Абу Толибнинг қарамоғига ўтганлар ҳамда ёшилик ва ўсмирлик йиллари у кишининг хонадонида ўтган. 25 ёшларида 40 ёшли Хадийжа бинту Хувайлид исмли бева аёлга уйланганлар ва Хадийжа розияллоҳу анҳо билан 25 йил умр кечирганлар. “Шу вақт давомида бошқа бирорта ҳам аёлга уйланмаганлар.”<sup>24</sup> Хадийжа онамиз 65 ёшларида вафот этганлар. Бу пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам 50 ёшда эдилар. Шундан сўнгра бошқа аёлларига уйланганлар. Мұхаммад алайҳиссолату вассалам 40 ёшларида пайғамбар этиб юборилганлар. 13 йилга яқин Макка шаҳрида инсонларни исломга даъват қилганлар. Макка мушрикларининг тазииклари кучайиб, у зотни ўлдиришга қасд қилганларидан кейин Ясриб шаҳрига ҳижрат қилишга мажбур бўлганлар. Шундан кейин бу шаҳар “Мадинатун набий” – “Пайғамбар шаҳри” деб аталадиган бўлди.

Мадина шаҳрида 10 йил мобайнида инсонларни исломга даъват қилиб, зиммаларига юкланган нубувват омонатини шарафла бекаму кўст адо этдилар. Бу ўтган 23 йил мобайнида у зотга вахий орқали нозил бўлаётган сўнгги илоҳий дастур – Қуръони карим тўлиқ тушиб бўлди. Ушбу илоҳий дастурда у зотнинг сўнгги пайғамбар эканликлари, у зотдан сўнг бошқа пайғамбар келмаслиги ҳам эълон қилинди. Бу ҳақида қуйидагича хабар берилган:

مَا كَانَ مُحَمَّدُ أَبَا أَحَدٍ مِّنْ رِجَالِكُمْ وَلَكِنَ رَسُولُ اللَّهِ وَخَاتَمُ النَّبِيِّينَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلَيْهِمَا

“(Эй мўминлар) **Мұхаммад** сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнгисидир. Аллоҳ барча нарсани **Билгувчи бўлган Зотдир**”. (Ахзоб сураси, 40-оят).

<sup>24</sup> Роҳиқул маҳтум, 56-бет.

“Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижратнинг 11-йилида Робиъул Аввал ойининг 13-чисида, душанба куни чошгоҳ вақтида вафот этганлар. Бу милодий ҳисоб билан 632-йил 8-январга тўғри келади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёшлари қамарий ҳисоб билан 63 йилу 3 кун, шамсий ҳисоб билан 61 йилу 84 кун бўлган.”<sup>25</sup>

**У зот бутга ибодат қилмаган. Аллоҳ таолога қўз юмиб очгунчалик вақт ҳам асло ширк келтирмаган. Ва кичигу-катта гуноҳларни мутлақо қилмаган.** Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар этиб юборилишларидан олдин ҳам асло бут ва санамларга ибодат қилмаганлар. Пайғамбар бўлишларидан олдин ҳам, кейин ҳам мутлақо Аллоҳ таолога ширк келтирмаганлар. Зеро, пайғамбарларнинг барчалари куфрдан мутлақо покдирлар. Шунингдек, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам катта-ю кичик гуноҳларни асло содир этмаганлар. У зотнинг гуноҳларини кечирилиши тўғрисидаги ояти карималар эса ишнинг аълосини тарқ қилишликка ҳамл қилинган (ўтказилган).

لِيَغْفِرَ لَكَ اللَّهُ مَا تَقْدَمَ مِنْ ذَنْبٍ وَمَا تَأْخُرَ وَيَتُمَّ نِعْمَةً عَلَيْكَ وَيَهْدِكَ صِرَاطًا مُسْتَقِيمًا

“(Эй Мұхаммад алайхиссалом) **Токи Аллоҳ Сизнинг гуноҳингиздан илгари ўтган ва кейин кел(ади)ган нарсалар** (барча гуноҳларингиз)ни мағфират қилиши учун ва **Сизга Ўз неъматини комил қилиб бериб, Сизни Тўғри Йўлга ҳидоят қилиши учун”**. (Фатҳ сураси, 2-оят).

## 18-дарс

**Мавзу:** “Пайғамбарлардан кейин инсониятнинг афзаллари”

وَ أَفْضَلُ النَّاسِ بَعْدَ النَّبِيِّنَ عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَ السَّلَامُ أَبُو بَكْر الصَّدِيقُ ، ثُمَّ عُمَرُ بْنُ الخطَّابِ الْفَارُوقُ ، ثُمَّ عُثْمَانُ بْنُ عَفَانَ دُولَالُورَيْنِ ، ثُمَّ عَلَى ابْنِ أَبِي طَالِبٍ الْمُرْتَضَى رَضِوانُ اللَّهُ تَعَالَى عَلَيْهِمْ أَجْمَعِينَ عَابِدِينَ ثَابِتِينَ عَلَى الْحَقِّ وَ مَعَ الْحَقِّ تَنَوَّلَهُمْ جَمِيعًا وَ لَا نَذْكُرُ أَحَدًا مِنْ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ إِلَّا بَخْيْرٌ

**Пайғамбарлар** (уларга салавоту саломлар бўлсин)дан сўнг инсонларнинг афзали Абу Бакр Сиддиқдир. Сўнгра Умар ибн ал-Хаттоб ал-Фарук, сўнгра Усмон ибн Аффон Зуннурайн, сўнгра Али ибн Аби Толиб ал-Муртазодир.

<sup>25</sup> Нурул яқин, 214-бет.

**Уларнинг барчасига Аллоҳнинг розилиги бўлсин. Ҳаммалари обид ва ҳамиша ҳақ устида событ эдилар. Уларнинг барчаларини яхши кўрамиз. Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сахобаларидан ҳар бирини фақат яхшилик билан эслаймиз.**



**Пайғамбарлар** (уларга салавоту саломлар бўлсин)дан сўнг инсонларнинг афзали Абу Бакр Сиддиқдир. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу милодий 573-йилда таваллуд топганлар. Пайғамбар алайҳиссолату вассаламдан 2 ёш кичик бўлганлар. Жоҳилият давридаги исмлари “Абдулкаъба” бўлган.

Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у зотнинг исмларини “Абдуллоҳ” деб ўзгартирганлар. Оталарининг исми Абу Қаҳофа бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Мурра ибн Каъбда шажаралари (насаблари) бирлашади. Абу Бакр розияллоҳу анҳу ёшлигидан, Ресулуллоҳ пайғамбар этиб юборилишларидан олдин ҳам у зот билан дўст эдилар. Ресулуллоҳ пайғамбар этиб юборилганларидан сўнг эса, катта ёшли кишилар ичида биринчи бўлиб исломга кирган киши эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳижрат қилиш баҳтига мұяссар бўлганлар.

إِلَّا تَتَصْرُّوْهُ فَقَدْ نَصَرَهُ اللَّهُ إِذْ أَخْرَجَهُ الَّذِينَ كَفَرُوا ثَانِيَ اثْنَيْنِ إِذْ هُمَا فِي الْغَارِ إِذْ يَقُولُ لِصَاحِبِهِ لَا تَحْرِنْ إِنَّ اللَّهَ مَعَنَا  
فَأَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَيْهِ وَأَيَّدَهُ بِجُنُودٍ لَمْ تَرُوْهَا وَجَعَلَ كَلِمَةَ الَّذِينَ كَفَرُوا السُّفْلَى وَكَلِمَةُ اللَّهِ هِيَ الْعُلَيْا وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

**“Агар сизлар унга (яъни, пайғамбарга) ёрдам қилмасангиз (Аллоҳнинг Ўзи унга ёрдам қилур). Уни кофирлар икки кишининг бири бўлган холида (яъни бир ҳамроҳи билан Маккадан) ҳайдаб чиқарганларида, унга Аллоҳ ёрдам бердику. Ўшанда икковлон ғорда бўлган пайтларида ҳамроҳига: “Ғамгин бўлма, албатта Аллоҳ биз билан биргадир”, дейиши билан Аллоҳ Ўз томонидан унинг устига – қалбига бир хотиржамлик туширди ва уни сизлар кўрмаган лашкарлар (яъни фаришталар) билан қўллаб қувватлади ҳамда кофир бўлган кимсаларнинг сўзларини тубан қилиб қўйди. Аллоҳнинг**

**Сўзигина энг юксак Сўздир. Аллоҳ Қудратли, Ҳикматлидир”.** (Тавба сураси, 40-оят).

Мана шу ояти каримадаги икки киши: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу эканликлари барча муфассирлар томонидан бир овоздан таъкидланган. Шу сабабли ким Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг саҳоба эканликларини инкор қилса, коғир бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарлари устида туриб қилган охирги хутбаларида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳақларида шундай марҳамат қилганлар:

لَوْ كُنْتُ مُتَحِّدًا مِنْ أَهْلَ الْأَرْضِ خَلِيلًا لَا تَخْدَنْتُ أَبَا بَكْرَ خَلِيلًا.  
لَا يَبْقَيْنَ فِي الْمَسَاجِدِ خَوْخَةً إِلَّا سُدَّتْ إِلَّا خَوْخَةً أَبِي بَكْرَ  
(مُنْفَقٌ عَلَيْهِ)

“Агар ер аҳлидан халил (дўст) тутганимда албатта Абу Бакрни халил тутган бўлар эдим. Масжидда бирорта ҳам дарчалар қолмасдан беркитилсин, фақатгина Абу Бакрнинг дарчасидан бошқа”. (муттафақун алайҳ).

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга қизлари Оиша онамизни никоҳлаб бериб, у зотга қайнота бўлганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб бўлганларида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни имомликка ўтказганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин мусулмонларга биринчи халифа этиб сайланганлар. Халифа бўлганларидан сўнг икки йилу уч ой ўтгач, ҳижратнинг 13-йилида жумадул охир ойининг 21-кунида, милодий ҳисоб билан 634-йилда 63 ёшларида вафот этганлар.

**Сўнгра Умар ибн ал-Хаттоб ал Фаруқ.** Умар ибн ал-Хаттоб розияллоҳу анҳу милодий 584-йилда таваллуд топганлар. “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан 13 ёш кичик бўлганлар.”<sup>26</sup> Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан шажаралари (насаблари) боболари Каъб ибн Луъайда бирлашади. Кунялари “Абу Ҳафс” бўлган. Ҳақ билан ботилни ажрата оладиган ниҳоятда закий бўлганликлари сабабли “Фаруқ” (ажратувчи) деб лақаб олганлар. “Исломга

<sup>26</sup> Нурул яқин, 300-бет.

40-чи бўлиб кирганлар”.<sup>27</sup> Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрати Умарга қуидагиларни айтганлар:

وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ مَا لَقِيَكَ الشَّيْطَانُ سَالِكًا فَجَّا قُطُّ إِلَّا سَلَكَ غَيْرَ فَجَّاكَ (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ)

“Нафсим унинг қўлида бўлган зотга қасамки, Шайтон йўлда сенга йўлиққан бўлса, сенинг йўлингдан бошқа ёққа бурилиб кетган”. (муттафақун алайҳ).

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу вафотларидан олдин Ҳазрати Умарни халифа этиб сайлаб кетганлар. Яъни Ҳазрати Умарнинг халифаликлари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ёзма равишдаги васиятларига биноан бўлган. Тарихда “Умари одил” дея ном қолдирган бу зот халифаликларининг 10-йилида милодий 644-йилда намоз ўқиб турган пайтларида мажусий қул Абу Луълуъанинг сиқасди туфайли қаттиқ яраланганлар ва ўша куни кечқурун 63 ёшларида вафот этганлар. Васиятларига биноан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуларнинг ёнларига дағн қилинганлар.

**Сўнгра Усмон ибн Аффон Зуннурайн.** Усмон ибн Аффон 576-йилда таваллуд топганлар. “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан беш ёш кичик бўлганлар.”<sup>28</sup> Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу қўлларида мусулмон бўлганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан “Бадр” жангидан ташқари барча жангларда бирга бўлганлар. Усмон бин Аффон розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг иккита қизларига: аввал Руқайя, у вафот этгач эса, Умму Кулсум номли қизларига уйланганлар. Ривоят қилинишича, “Одам алайхиссалом замонидан то Қиёматгача бирор пайғамбарнинг икки қизига Усмон ибн Аффондан бошқа уйланган киши йўқдир”. Шунинг учун ҳам у зот “Зуннурайн” (икки нур эгаси) деб аталганлар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ، مُضْطَجِعًا فِي بَيْتِهِ كَاشِفًا عَنْ فَحْذِيْهِ فَاسْتَأْذَنَ أَبُو بَكْرٍ فَأَذَنَ لَهُ وَ هُوَ عَلَيْ تِلْكَ الْحَالِ فَتَحَدَّثَ، ثُمَّ اسْتَأْذَنَ عُمَرَ فَأَذَنَ لَهُ وَ هُوَ عَلَيْ تِلْكَ الْحَالِ فَتَحَدَّثَ، ثُمَّ اسْتَأْذَنَ عُثْمَانَ، فَجَلَسَ رَسُولُ اللَّهِ، وَ سَوَّيَ ثِيَابَهُ فَدَخَلَ فَتَحَدَّثَ، فَلَمَّا خَرَجَ قَالَتْ عَائِشَةَ: دَخَلَ أَبُو بَكْرٍ فَلَمْ تَهْشَ لَهُ، وَ لَمْ ثُبَّأْ لَهُ، ثُمَّ دَخَلَ عُمَرُ فَلَمْ تَهْشَ لَهُ وَ لَمْ ثُبَّأْ لَهُ، ثُمَّ دَخَلَ عُثْمَانُ فَجَلَسَتْ وَ سَوَّيَتْ ثِيَابَكَ، فَقَالَ: أَلَا أَسْتَحْيِي مِنْ رَجُلٍ شَتَّاهِي مِنْهُ الْمَلَائِكَةُ؟". (رواه البخاري و مسلم)

<sup>27</sup> Тарихи Мухаммадий, 47-бет.

<sup>28</sup> Нурул яқин, 383-бет.

“Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз уйларида оёқлари очиқ ҳолда ёнбошлаб ётган эдилар, Абу Бакр киришига рухсат сўради, унга ўша ҳолатларида рухсат бердилар. Сўнг гаплашдилар. Сўнг Умар рухсат сўради, унга ҳам ўша ҳолатларида рухсат бердилар. Сўнг гаплашдилар. Кейин Усмон рухсат сўради. Росулуллоҳ туриб ўтириб, кийимларини тўғрилаб олдилар. Сўнгра Усмон кирди. Гаплашиб чиқиб кетди. У чиққандан сўнг Оиша розияллоҳу анҳо: “Абу Бакр кирганида, туриб ўтирмадингиз, парво ҳам қилмадингиз. Кейин Умар кирди, унга ҳам туриб ўтирмадингиз, парво ҳам қилмадингиз. Сўнгра Усмон кирганида, туриб ўтириб, кийимларингизни тузатдингиз”, дедилар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Фаришталар ҳаё қилган кишидан мен ҳаё қилмайинми?!”, дедилар”. (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари)

Халифа Умар ибн ал-Хаттоб вафотларидан сўнг мусулмонларнинг ўзаро иттифоқлари билан у зот 644-йилда 69 ёшларида халифа этиб сайланганлар.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу халифаликларининг 12-йилида, милодий 656-йилда 81 ёшларида фитначилар томонидан Қуръон ўқиб ўтирган пайтларида шаҳид қилинганлар.

**Сўнгра Али ибн Аби Толиб ал-Муртазодир.** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакиларининг ўғли Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу милодий 603-йилда таваллуд топган бўлиб, “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан 32 ёш кичик бўлганлар.”<sup>29</sup> Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар этиб юборилганларида ҳали балоғатга етмаган саккиз ёшли бола бўлганлар. Али розияллоҳу анҳу ёш болалар ичида биринчи бўлиб Исломга кирган зот ҳисобланадилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан “Табук” ғазотидан бошқа барча жангларда қатнашганлар.

Хижратнинг иккинчи йилида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Фотима розияллоҳу анҳони Ҳазрати Алига никоҳлаб берганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрати Али ҳақларида:

<sup>29</sup> Нурул яқин, 409-бет.

## ﴿أَقْضَاكُمْ عَلَيٌّ﴾

“Қозиларингиз Алидир” деганлар (*Абу Яъло ривояти*).

Усмон розияллоху анхунинг вафотларидан сўнг 656-йилда 53 ёшларида мусулмонларнинг иттифоқи билан халифа этиб сайланганлар. Халифаликларининг бешинчи йилида, милодий 661-йил 19-январда масжидда фитначи Абдураҳмон ибн Мулжам суиқасди туфайли қаттиқ жароҳатланганлар ва икки кун ўтгач, шамсий ҳисоб билан 59 ёшларида вафот этганлар.

**Уларнинг барчасига Аллоҳнинг розилиги бўлсин. Ҳаммалари обид ва ҳамиша ҳақ устида событ эдилар. Уларнинг барчаларини яхши кўрамиз.** Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғордаги ҳамсуҳбатлари Абу Бакр Сиддиқга Аллоҳнинг розилиги бўлсин. Мусулмонларнинг биринчи амири, шайтон унинг йўлидан қочадиган Умари Одилга Аллоҳнинг розилиги бўлсин. Қуръони карим жамловчиси, ундан фаришталар ҳам ҳаё қилган зот Усмон ибн Аффонга Аллоҳнинг розилиги бўлсин. Мусулмонларнинг қозиси, илму-ҳикматга тўлиқ Али ибн Аби Толибга Аллоҳнинг розилиги бўлсин. Уларнинг барчалари ибодатда ўзгаларга намуна ва ҳамиша ҳақ устида событ эдилар. Уларнинг барчасини яхши кўрамиз.

**Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сахобаларининг ҳар бирини фақат яхшилик билан эслаймиз.** Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча сахобаларини фақат яхшилик билан эслаймиз, гарчи уларнинг баъзиларидан бизларга хатодек кўринган айrim ишлар содир бўлган бўлса ҳам. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганларки,

**اَصْحَابِي ۖ كَالْجُومْ بِاِيَّهُمْ اَقْتَدِيْمُ اَهْتَدِيْمُ**

“Саҳобаларим юлдузлар кабидирлар, уларнинг қайси бирларига эргаишсангизлар ҳам, ҳидоят топаверасизлар”. (Доримиий ва Ибн Адийлар ривояти). Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи сахобаи киромларга ҳатто уларнинг ҳаётлик даврларидаёқ жаннат башоратини бериб қўйганлар.

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَبُو بَكْرٍ فِي الْجَنَّةِ وَعَمْرُ فِي الْجَنَّةِ وَعَنْمَانُ فِي الْجَنَّةِ وَعَلِيُّ فِي الْجَنَّةِ وَطَلْحَةُ فِي الْجَنَّةِ وَالرَّبِيعُ فِي الْجَنَّةِ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ عَوْفٍ فِي الْجَنَّةِ وَسَعْدُ بْنُ أَبِي وَقَاصٍ فِي الْجَنَّةِ وَسَعِيدُ بْنُ زَيْدٍ فِي الْجَنَّةِ وَأَبُو عَبِيدَةَ بْنُ الْجَرَاحِ فِي الْجَنَّةِ (رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ)

“Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Абу Бакр жсаннатдадир, Умар жсаннатдадир, Усмон жсаннатдадир, Али жсаннатдадир. Талҳа жсаннатдадир, Зубайр жсаннатдадир, Абдураҳмон ибн Авф жсаннатдадир, Саъид ибн Аби Ваққос жсаннатдадир, Саъд ибн Зайд жсаннатдадир, Абу Убайдада ибн Жарроҳ жсаннатдадир”. (Термизий ва ибн Можжа ривоятлари).

Саҳобаи киромлар ўртасида баъзи кўнгилсизликлар бўлиб ўтган бўлса ҳам, уларнинг бу ишлари ўз нафслари учун эмас, балки Аллоҳ розилиги йўлидаги ижтиҳодлари бўлган. “Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан “Жамал” воқеаси иштирокчилари ҳақида сўрашганларида у зот ушбу ояти каримани жавоб тариқасида ўқиган эканлар.

تَلَكَ أُمَّةٌ قَدْ خَلَتْ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَ لَكُمْ مَا كَسَبْتُمْ وَ لَا تُشْتَرُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ.

**“Улар ўтиб кетган кишилардир. Уларнинг қилган амаллари ўзлари учун, сизларнинг қилган амалларингиз ўзларингиз учундир. Ва сизлар улар қилган амаллар учун масъул бўлмайсиз”.** (Бақара сураси 141- оят)

Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ: “Ўша қонлардан Аллоҳ бизнинг қўлларимизни пок қилди, агар энди ўшалар билан тилларимизни булғамасак”, деганлар.<sup>30</sup>

Аллоҳ таолонинг ҳабиби, инсониятнинг улуғи, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳоба бўлишдек баҳтга мушарраф бўлган инсонларнинг барчасига Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин.

## 19-дарс

**Мавзу:** “Агар ҳалол санамаса, гуноҳ туфайли мусулмоннинг кофир бўлмаслиги”

<sup>30</sup> “Шарху китаб ал-фиқхул акбар” 117-бет.

وَ لَا تُكَفِّرُ مُسْلِمًا بِذَنْبٍ مِّنَ الدُّنْوَبِ وَ إِنْ كَانَتْ كَبِيرَةً إِذَا لَمْ يَسْتَحْلِهَا وَ لَا تُزِيلُ عَنْهُ إِسْمَ الْإِيمَانِ وَ نُسَمِّيهُ  
مُؤْمِنًا حَقِيقَةً ، وَ يَجُوزُ أَنْ يَكُونَ مُؤْمِنًا فَاسِقًا غَيْرَ كَافِرٍ

**Мусулмонни гуноҳлардан бирор гуноҳ туфайли кофирга чиқармаймиз гарчи катта гуноҳ бўлса ҳам, мадомики уни ҳалол санамаса. Ундан иймон исмини ҳам олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атаемиз. Кофир бўлмасдан фосиқ мўмин бўлмоқлиги ҳам жоиз бўлади.**



**Мусулмонни гуноҳлардан бирор гуноҳ туфайли кофирга чиқармаймиз гарчи катта гуноҳ бўлса ҳам, мадомики уни ҳалол санамаса.** Мусулмонлик даъвосини қиладиган кишини гарчи гуноҳи кабира саналадиган гуноҳни содир этса ҳам, уни кофир бўлди демаймиз. Фақат ўша содир этган гуноҳни ҳалол деб эътиқод қилмаса. Лекин уни ҳалол деса, Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсани ҳалол деган бўлади. Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол деб эътиқод қилишилик эса кофирилик бўлади.

**Ундан иймон исмини ҳам олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атаемиз. Кофир бўлмасдан фосиқ мўмин бўлмоқлиги ҳам жоиз бўлади.** Яъни Мўътазилийларга ўхшаб гуноҳи кабира қилган иймондан чиқади демаймиз, балки уни ҳақиқий мўмин деймиз. Зоро иймон қалб билан тасдиқ қилмоқлик ва тил билан иқрор бўлмоқликдир. Қалби билан тасдиқ қилган ва тили билан иқрор бўлган мўмин банда маъсиятлари туфайли кофир бўлмайди балки фосиқ мўмин бўлади. Имом Аъзамроҳматуллоҳи алайхининг: “Кофир бўлмасдан фосиқ мўмин ҳам бўлмоқлиги жоиз бўлади”, дейишлари ўша пайтларда тарқалиб кетган Мўътазилий тоифаларига раддия учундир. Чунки улар: “Гуноҳи кабира қилувчи мўмин ҳам эмас, кофир ҳам эмас, у иймон ва куфр ўртасида туради, у дўзахга киради ва унда абадий қолади. Лекин кофирларнидан енгил азоб билан азобланади”, деган хато фикрга кетган эдилар.

**Мавзу:** “Барча тақводор ва фожир мўминларнинг орқасида намоз ўқимоқлик жоизлиги”

وَ الْمَسْحُ عَلَى الْخَفَّيْنِ سَنَّةٌ ، وَ التَّرَاوِيْحُ فِي لَيَالِي شَهْرِ رَمَضَانَ سَنَّةٌ . وَ الصَّلَاةُ خَلْفَ كُلِّ بَرٍّ وَ فَاجِرٍ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ جَائِزَةٌ . وَ لَا تَقُولُ : إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَا يَتَضَرُّرُ الدُّنْوَبُ وَ لَا تَقُولُ إِنَّهُ لَا يَدْخُلُ النَّارَ وَ لَا تَقُولُ إِنَّهُ يَخْذُلُ فِيهَا ، وَ إِنْ كَانَ فَاسِقًا بَعْدَ أَنْ يَخْرُجَ مِنَ الدُّنْيَا مَوْمِنًا

Иккала маҳсига масҳ тортмоқлик суннатдир. Рамазон ойи кечаларидағи тарових суннатдир. Мўминлардан бўлган барча тақводор ва фожирнинг орқасида намоз ўқимоқлик жоиздир. Мўминга гуноҳлар заар бермайди демаймиз ва мўмин дўзахга кирмайди ҳам демаймиз, мўмин дўзахда абадий қолади деб ҳам айтмаймиз, агарчи фосик бўлса ҳам, мадомики дунёдан мўмин ҳолида ўтган бўлса.



**Иккала маҳсига масҳ тортмоқлик суннатдир.** Чунки маҳсига масҳ тортишлик кўплаб Ҳадиси шарифлар билан событ бўлган. Ҳатто Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайх; “Иккала маҳсига масҳ тортмоқликни жоиз санамаган кимсага куфр хавфини қиласман. Чунки бу ҳақида келган асарлар тавотир ўрнида келган. Яъни маънавий мутавотир ўрнида агарчи оход лафзлар билан бўлсада” деганлар.<sup>31</sup>

رُوِيَ عَنْ شُرَيْحِ بْنِ هَانِيِّ قَالَ سَأَلْتُ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ الْمَسْحِ عَلَى الْخَفَّيْنِ فَقَالَتْ لَا أَدْرِي سَلَوَا عَلَيْاً فِيَّهُ كَانَ أَكْثَرُ سَفَرًا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلْنَا عَلَيْاً فَقَالَ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْسَحُ عَلَى الْخَفَّيْنِ وَ فِي رَوَايَةٍ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ يَمْسَحُ الْمُقْيَمُ يَوْمًا وَ لَيْلَةً وَ الْمُسَافِرُ ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ وَ لَيْلَاهَا فَلَبَقَ ذَلِكَ عَائِشَةً فَقَالَتْ هُوَ أَعْلَمُ (رَوَاهُ مُسْلِمُ)

Шурайх ибн Ҳонийдан ривоят қилинади; Оиша розияллоҳу анҳодан иккала маҳсига масҳ тортиш ҳақида сўрадим. Шунда у; билмайман Алидан сўранглар чунки у Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда кўп бирга бўлар эди, дедилар. Биз Алидан сўрадик. Шунда у; Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иккала маҳсига масҳ тортаётгандарини кўрганман, бошқа бир ривоятда эса; Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан “Муқим бир кеча

<sup>31</sup> “Ихтисорур ривоя”, 62-бет

кундуз, мусоғир эса уч кеча-қундуз масҳ тортади” деганларини эшитганман, деди. Бу хабар Оишага етганда; у (яъни Али) билувчироқдир, деди. (Муслим ривояти).

*Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алаиҳдан ривоят қилиншишича у зот “Аҳлус сунна вол жамоъа” мазҳаби ҳақида сўралганларида; “У икки шайхни бошика саҳобалардан афзал билмоқлигинг (яъни Абу Бакр ва Умарни) икки куёвни яхии кўрмоқлигинг (яъни Усмон ва Алини) ва иккала маҳсига масҳ тормоқликни жоиз деб билмоқлигинг”, деб жавоб берганлар. Бу жавобларини Анас ибн Моликнинг; “Икки шайхни афзал билмоқлигинг, икки куёвни яхии кўрмоқлигинг ва иккала маҳсига масҳ тормоқликни жоиз деб билмоқлигинг – суннатдандир” деган сўзларидан олганлар.*

Лекин жумҳур уламолар айтадиларки; ким иккала маҳсига масҳ тормоқликни жоиз деб билсаю, (руҳсатни қўйиб) азимани\* олган ҳолда масҳ тортмаса (яъни оёқларини ювса) афзалроқ бўлади”.<sup>32</sup>

Иккала маҳси деб қайт қилиниши битта маҳсига масҳ тортиб бўлмаслиги учундир. Иккала маҳсига масҳ тортиш, маҳсиларини таҳоратли ҳолда кийиб, сўнгра таҳорати синган киши учундир. Маҳсига масҳ тортишлиқдаги фарз, кўлнинг уч бармоғи миқдорида тортишлиқдир. Суннати эса, оёқ бармоқларидан соққа қараб тортишлиқдир. Ғусл вожиб бўлган кишига масҳ тормоқлик жоиз эмас. Масҳ тормоқлик муддати муқимга бир кеча кундуз, мусоғирга уч кечакундуздир.

**Рамазон ойи кечаларидаги тарових суннатдир.** “Тарових - تَرْوِيَةٌ нинг кўплиги бўлиб, “истироҳат”, “ором” каби маъноларни билдиради. Рамазон ойи кечаларida ўқиладиган бу намознинг “истироҳатлар” деб аталишига сабаб, ҳар

\*Руҳсат – лугатда “руҳсат”, “руҳсат бериш” каби маъноларни билдиради. Истелоҳда эса “маҳсус холатларда мукаллафга енгиллик түғдириш учун Аллоҳ таоло машруъ қилган ҳукмларга – руҳсат дейилади. Ёнки мамнунь бўлган нарсанинг манъ қилуви далили бўла туриб, мубоҳ қилинган ҳукмга -руҳсат дейилади.

Азима – лугатда “ният”, “азму-қарор”, “қатъийлик” каби маъноларни билдиради. Истелоҳда эса; мукаллафнинг ҳолатларидан қатъий назар асолатан (аслида) Аллоҳ таоло машруъ қилган умумий ҳукмларга – азима дейилади. (Усулул фикҳ, 171-бет).

<sup>32</sup> Ҳалабай Кабир, 104-бет.

тўрт ракаатдан сўнг истироҳат борлиги учундир”.<sup>33</sup> Таровиҳ намози суннатдир. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг баъзи кечаларида уни ўқиганлар ва нима сабабдан давомли ўқимаганларининг сабабини айтганлар.

عَنْ عَائِشَةَ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى فِي الْمَسْجِدِ فَصَلَّى بِصَلَاتِهِ نَاسٌ ثُمَّ صَلَّى مِنَ الْقَابِلَةِ فَكَثُرَ النَّاسُ ثُمَّ اجْتَمَعُوا مِنَ الْلَّيْلَةِ التَّالِيَّةِ قَلْمَ يَخْرُجُ إِلَيْهِمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمَّا أَصْبَحَ قَالَ: قَدْ رَأَيْتُ الَّذِي صَنَعْنَا قَلْمَ يَمْعَنُى مِنَ الْخُرُوجِ إِلَيْكُمْ إِلَّا أَنَّهُ خَشِيتُ أَنْ تَفْرُضُنَّ عَلَيْكُمْ (رَوَاهُ الْبُخارِيُّ وَ مُسْلِمُ)

“Оша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда (таровиҳ) намозларини ўқидилар. Бас, инсонлар ҳам (таровиҳ) намозини ўқидилар. Сўнгра кейинги куни ҳам ўқидилар. Шунда инсонлар кўпайшиди. Сўнгра учинчи куни жамландилар, бироқ Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг ёнига чиқмадилар. Тонг отгач: “Қилган хайрли ишларингизни кўрдим, сизларнинг зиммангизга фарз бўлиб қолишдан қўрқишишмгина мени сизларнинг ёнларингизга чиқшидан қайтарди”, дедилар. (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Маҳсига масҳ тортишлик ҳамда таровиҳ намозининг суннат эканлигининг таъкидланиши уларни инкор қилувчи “Рофизий” фирмасига ва уларга ўхшаганларга раддия учун бўлган.

**Мўминлардан бўлган барча тақвodor ва фожирнинг орқасида намоз ўқимоқлик жоиздир.** Агар бир киши фожир имомнинг ортида ўқимасдан жумъя ва жамоат намозини тарк қилса, аксар уламолар наздида у бидъатчи саналади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар.

أَطْعِ كُلَّ أَمِيرٍ وَ صَلَّى خَلْفَ كُلَّ إِمَامٍ وَ لَا تَسْبِئَ أَحَدًا مِنْ أَصْحَابِي (رَوَاهُ الطَّبرَانِيُّ)

“Ҳар қандай амирга итоат қил ва ҳар қандай имомнинг орқасида намоз ўқи! Саҳобаларимнинг биронтасини сўкма”. (Табароний ривояти).

**Мўминга гуноҳлар зарар бермайди демаймиз ва мўмин дўзахга кирмайди ҳам демаймиз.** Яъни мўмин бандага гуноҳлар зарар бермайди, деб эътиқод қилмаймиз ва гуноҳкор мўмин дўзахга кирмайди ҳам демаймиз. Бу

<sup>33</sup> Ҳалабай Кабир, 400-бет.

сўзларни таъкидлаб айтилишига сабаб, ўша пайтларда Муржиња, Мулаҳхидга ва Ибохия каби адашган фирмалар худди шу даъволарни қилиб чиқсанлар.

**Мўмин дўзахда абадий қолади деб ҳам айтмаймиз, агарчи фосик бўлса ҳам, модомики дунёдан мўмин ҳолида ўтган бўлса.** Гуноҳкор банда ҳам Аллоҳ таолонинг хоҳишида бўлади, хоҳласа кечади, хоҳласа азоблайди. Чунки Аллоҳ таоло ўзига ширк келтирган бандани кечирмаслигини ундан бошқа гуноҳларни эса ўзи хоҳлаган бандасидан кечиб юборишининг хабарини берган.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَعْفُرُ أَنْ يُشْرِكَ بِهِ وَيَعْفُرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لَمَنْ يَشَاءُ

“Албатта, Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган кишилар учун кечирур”. (Нисо сураси, 48-оят).

## 21-дарс

**Мавзу:** “Бандаларнинг амаллари”

وَ لَا نَقُولُ: إِنَّ حَسَنَاتِنَا مَقْبُولَةٌ وَ سَيِّئَاتِنَا مَغْفُورَةٌ كَفُولُ الْمُرْجَحَةُ. وَ لَكِنْ نَقُولُ: مَنْ عَمِلَ حَسَنَةً بِجَمِيعِ شَرَائِطِهَا خَالِيَّةً عَنِ الْعُيُوبِ الْمُفْسِدَةِ وَ الْمَعَانِي الْمُبْطِلَةِ وَ لَمْ يُبَطِّلْهَا بِالْكُفُرِ وَ الرَّدَّةِ حَتَّى خَرَجَ مِنَ الدُّنْيَا مُؤْمِنًا فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَا يُضِيِّعُهَا، بَلْ يَقْبِلُهَا مِنْهُ وَ يُثْبِتُهُ عَلَيْهَا

Шунингдек, Муржињаларнинг сўзига ўхшаш: “Савобларимиз қабул қилинган ва гуноҳларимиз кечирилган” ҳам демаймиз. Лекин айтамизки: “Ким яхши амални фосид қилувчи айблардан ва ички ботил қилувчилардан холи равишда барча шартлари билан бажарса ҳамда у амалларни қуфр ва муртадлик билан бекор қилиб юбормасдан, дунёдан мўмин ҳолида ўтадиган бўлса, Аллоҳ таоло у амалларни зое қилиб юбормайди, балки ундан ўша амалларни қабул қиласи ва ўша амаллари учун уни тақдирлайди.



Шунингдек, Муржињаларнинг сўзига ўхшаш: “Савобларимиз қабул қилинган ва гуноҳларимиз кечирилган” ҳам демаймиз. Муржињалар 7-8-

асрларда чиққан адашган тоифалардан бўлиб қилаётган даъволарига кўра “Муржиъалар” яъни “орқага сурувчилар, кечиктиувчилар” деб ном олганлар. Улар “Нажот учун эътиқоднинг ўзи кифоя, хайрли ишларни орқага суриб туриш мумкин коғирга тоат наф бермаганидек, миңминга гуноҳ заар бермайди” деган бузук даъвони кўтариб чиққанлар. Улар Аббосийлар (750-1258 мил.й.) халифалиги даврида таъқибга учраб йўқолиб кетганлар.

**Лекин айтамизки:** “Ким яхши амални фосид қилувчи айблардан ва ички ботил қилувчилардан холи равишда барча шартлари билан бажарса. Фосид қилувчи айблар ўша амалнинг зохирида кўриниб турган камчилигу-нуқсонларидир, ички ботил қилувчилари эса куфр, риё, миннат каби иллатлардир. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар берган;

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تُبْطِلُوا صَدَقَاتِكُم بِالْمَنَّ وَالْأَذْيَ كَلَّذِي يُنْفِقُ مَالُهُ رَئَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ  
الآخر

“Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва Охират Кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!”. (Бақара сураси, 264-оят).

**Хамда у амалларни куфр ва муртадлик билан бекор қилиб юбормасдан, дунёдан мўмин ҳолида ўтадиган бўлса.** Яъни мўмин banda диндан қайтиб муртад бўладиган бўлса (Аллоҳ асрасин), унинг аввал қилган барча хайрли амаллари бехуда кетади. Аллоҳ таоло хабар берганки:

وَمَنْ يَكْفُرْ بِالإِيمَانِ فَقَدْ حَبَطَ عَمَلُهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ

“Аниқки, ким иймонидан қайтса, унинг қилган амали бехуда кетур ва у Охиратда зиён кўргувчилар тоифасидандир”. (Моида сураси, 5-оят).

“И мом Аъзам ва И мом Молик наздларида муртадлик, яъни диндан қайтишлиқ инсоннинг аввал қилган барча солих амалларининг савобларини ботил қиласди. Шу ҳолида дунёдан ўтиб кетса, охиратда зиён кўргувчилардан бўлиб қолади. Борди-ю муртад бўлганидан кейин тавба қилиб, яна исломга қайтадиган

бўлса, аввалги амалларининг барчаси бекор бўлиб кетганлиги сабабли агар олдин ҳаж қилган бўлса, яна қайтадан ҳаж қилмоқлиги лозим бўлиб қолади”<sup>34</sup>.

**Аллоҳ таоло у амалларни зое қилиб юбормайди, балки ундан ўша амалларни қабул қиласди ва ўша амаллари учун уни тақдирлайди.** Яъни иймон билан савоб талабида қилинган амалларни Аллоҳ таоло қабул қиласди. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар берган:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُضِيغُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ

**“Зотан, Аллоҳ яхшилик қилгувчиларнинг амалларини зое қилмас”.**  
(Тавба сураси, 120-оят).

Яъни Аллоҳ таоло ўз фазлу карами билан уларни қабул этиб ваъдасига мувофиқ уларни тақдирлайди.

## 22-дарс

**Мавзу:** “Гуноҳкор мўминларнинг оқибатлари”

وَ مَا كَانَ مِنَ السَّيِّئَاتِ دُونَ الشَّرْكِ وَ الْكُفْرِ وَ لَمْ يَتَبْ عَنْهَا صَاحِبُهَا حَتَّىٰ مَاتَ مُؤْمِنًا فَإِنَّهُ فِي مَشِيرَةِ اللَّهِ تَعَالَى إِنْ شَاءَ عَذَابُهُ بِالنَّارِ ، وَ إِنْ شَاءَ عَفَا عَنْهُ وَ لَمْ يُعَذِّبْهُ بِالنَّارِ أَصْلًا . وَ الرِّيَاءُ إِذَا وَقَعَ فِي عَمَلٍ مِنَ الْأَعْمَالِ فَإِنَّهُ يُبْطِلُ أَجْرَهُ وَ كَذِلِكَ الْعُجْبُ

**Ширк ва куфрдан бошқа гуноҳларни қилган киши ўша (гуноҳ)лар учун тавба қилолмасдан мўмин ҳолида вафот этган бўлса, у Аллоҳ таолонинг хоҳишидадир. Хоҳласа дўзах билан азоблайди, хоҳласа уни авф қиласди ва асло дўзах билан азобламайди. Агар амаллардан бирор амалда риё вужудга келса албатта у, амалнинг ажрини ботил қиласди. Ужб (кеқкайиш) ҳам шундайдир.**



**Ширк ва куфрдан бошқа гуноҳларни қилган киши ўша (гуноҳ)лар учун тавба қилолмасдан мўмин ҳолида вафот этган бўлса, у Аллоҳ таолонинг**

<sup>34</sup> Роваиул баён, 264-бет.

**хоҳишидадир.** “Куфр ва ширк ўртасидаги фарқ шуки; дин заруриятларидан бирини ёки иймон келтирииш вожиб бўлган барча нарсаларни инкор қилишлик - куфр бўлади. Мушрик эса гоҳида дин заруриятларидан ҳеч нарсани инкор қилмайди, лекин шу билан биргаликда Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хос бўлган сифатларидан бирон сифатда ё ҳукмларидан бирон ҳукмда ё исмларидан бирон исмда ё феълларидан бирон феълда Унга ширк келтиради. (Яъни шу нарсаларнинг бирортасида Аллоҳ таолога маҳлуқларидан бирортасини “шерик” қиласди).<sup>35</sup> Демак ушбу гуноҳлардан ўзини сақлаган яъни ширк келтирмаган ва куфрга кетмаган инсон булардан бошқа гуноҳларига тавба қилишга улгурмай дунёдан ўтса, у Аллоҳ таолонинг хоҳишида бўлади. Чунки Аллоҳ таоло ширкдан бошқа гуноҳларни хоҳлаган бандаларидан кечиб юборишини айтган;

إِنَّ اللَّهَ لَا يَعْفُرُ أَنْ يُشْرِكَ بِهِ وَيَعْفُرُ مَا دُونَ ذِلِّكَ لِمَنْ يَشَاءُ

**“Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган кишилар учун кечиур”.**(Нисо сураси. 48-оят).

**Хоҳласа дўзах билан азоблайди, хоҳласа уни авф қиласди ва асло дўзах билан азобламайди.** Иймон келтириб унга ширк келтирмасдан ўтган гуноҳкор бандалар устидан Аллоҳ таоло хоҳласа адолати билан, хоҳласа фазлу марҳамати билан ҳукм қиласди. Аллоҳ таоло агар хоҳласа азобга лойиқ бандани ўз адолати билан азобга гирифтор қилиб, дўзахга ташлайди. Агар хоҳласа ўз фазлу марҳамати билан авф қилиб, роҳату фароғат маскани бўлган жаннатга киритади ва унда абадий қолдиради.

**Агар амаллардан бирор амалда риё вужудга келса албатта у амалнинг ажрини ботил қиласди.** Риё луғатда “носамимийлик” деган маънони англатади. Истелоҳда эса:

إِرَادَةُ الْعَبْدِ الْعِبَادَ بِطَاعَةِ رَبِّهِ

“Банданинг Роббисига қиласиган тоатида бандаларни ирова қилиши-риё деб аталади.”<sup>36</sup>

<sup>35</sup> Талхийсу шарҳил ақийдатит Таховия, 43-бет.

<sup>36</sup> Ар-риъяту лихукуқиллаҳ, 131-бет

Банданинг амали холис Аллоҳ учун бўлмоғи лозим. Ўзининг розилигини кўзлаб қилинган амалларга Аллоҳ таоло ажр-мукофотлар беради. Агар банда ёлғиз Аллоҳ учун бажарилиши лозим бўлган амални Ундан ўзганинг розилигини кўзлаб бажарадиган бўлса, Аллоҳ таоло бундай амал учун ажру-мукофот бермайди, балки риёкорлик қилгани учун жазога гирифтор қиласди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда риёкорликдан қайтариб, қалбида иймони бор ҳар қандай кимсани титратиб юборувчи шундай хабарни берган;

مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَ زَيَّنَهَا ثُوَفَّ إِلَيْهِمْ أَعْمَالَهُمْ فِيهَا وَ هُمْ فِيهَا لَا يُبْخَسُونَ أَوْلَئِكَ الَّذِينَ لَيْسَ  
لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ إِلَّا الثَّارُ وَ حَبَطَ مَا صَنَعُوا فِيهَا وَ بَاطَلَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

**Ким** (факат) шу ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини (нг ажр-мукофотини) шу дунёда **комил** қилиб берумиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. Ундей кимсалар учун охиратда дўзах ўтидан ўзга ҳеч қандай насиба йўқдир. Уларнинг бу (дунёда) қилган **барча яхшиликлари бехуда кетур ва қилиб ўтган амаллари бефойдадир**. (Худ сураси, 15-16 ояллар).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар берганларки:

**الشَّهَوَةُ الْخَفِيَّةُ وَ الرَّيَاءُ شِرُكٌ**

“Яширин шаҳват ва риё ширкдир”. (Табароний ривояти).

Ушбу ҳадисда зикр қилинган ширк, кичик ширкдир.

Ширк луғатда “иштирок этиш” маъносини англатади. Шаръий истелоҳда эса; “Банда оламлар Роббисининг зоти, сифатлари, исмлари, феъллари ва хукмларидан бирортасида Унга ўзгани тенглаштириши – ширк деб аталади”<sup>37</sup>.

Бу ҳақида Аллоҳ таоло Шуъаро сурасида мушрикларнинг эътирофларини хикоя тарзида келтирган;

تَالَّهُ إِنْ كُنَّا لِفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ إِذْ نُسَوِّيْكُمْ بِرَبِّ الْعَالَمِينَ

“Аллоҳ номига қасамки, албатта бизлар сизларни (эй бут ва санамлар) барча оламларнинг Парвардигорига тенглаштирган пайтимизда очик залолатда бўлган эканмиз”. (97-98 ояллар).

<sup>37</sup> Талхису шарҳил ақийдатит Таховия, 32-бет

**Ужб** (еккайиш) ҳам шундайдир. Яъни банда қилган амали билан кеккайдиган бўлса, бу кеккайиши уни шу қилган амалидан қўзланган нарсани – ажру савобларини йўқقا чиқаради.

## 23-дарс

**Мавзу:** “Мўъжиза ва кароматлар ҳақлиги”

وَ الْآيَاتُ ثَابَتَةٌ لِلْأَنْبِيَاءِ وَ الْكَرَامَاتُ لِلْأَوْلَيَاءِ حَقٌّ ، وَ أَمَّا الَّتِي تَكُونُ لِأَعْدَائِهِ مِثْلُ إِبْلِيسَ وَ فَرْعَوْنَ وَ الدَّجَالَ مَمَّا رُوِىَ فِي الْأَخْبَارِ أَنَّهُ كَانَ وَ يَكُونُ لَهُمْ لَا نُسْمِيهَا آيَاتٍ وَ لَا كَرَامَاتٍ ، وَ أَكِنْ نُسْمِيهَا قَضَاءَ حَاجَاتِ لَهُمْ ، وَ ذَلِكَ لِأَنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقْضِي حَاجَاتِ أَعْدَائِهِ إِسْتِدَارًا جَأَ لَهُمْ وَ عَفْوَةً لَهُمْ فَيَغْتَرُونَ بِهِ وَ يَزْدَادُونَ طُغْيَانًا وَ كُفْرًا وَ ذَلِكَ كُلُّهُ جَائزٌ وَ مُمْكِنٌ

**Мўъжизалар пайғамбарлар учун событдир ва кароматлар авлиёлар учун ҳақдир.** Аммо Аллоҳ таолонинг душманлари учун бўладиган, масалан, Иблис, Фиръавн ва Дажжол кабилардан содир бўлганлиги ва (бундан кейин) бўлишлиги хабарларда ривоят қилинган нарсаларни мўъжиза ҳам, каромат ҳам демаймиз. Лекин ўша нарсаларни улар учун қазои-ҳожат деймиз. Чунки Аллоҳ таоло душманларининг ҳам ҳожатларини уларга истидрож ва уқубат учун рўёбга чиқаради. Улар бундан алданиб қоладилар ва туғёну куфранда зиёдалашаверадилар. Бундай нарсаларнинг барчаси жоиз ва мумкиндир.



**Мўъжизалар пайғамбарлар учун событдир ва кароматлар авлиёлар учун ҳақдир.** Мўъжиза – исми фоил бўлиб, лугатда “ожиз қолдирувчи” деган маънони билдиради. Шариатимиз истилоҳида эса: “Пайғамбарларнинг ҳақиқатдан ҳам Аллоҳ таоло томонидан юборилган элчилар эканлигига далил-хужжат сифатида рўй берувчи ва бошқаларни ожиз қолдирувчи иш-мўъжиза дейилади.”

Аллоҳ таоло ўзининг юборган пайғамбарларига уларнинг пайғамбарликларини тасдиқлаш учун хилма-хил мўъжизалар берган. Масалан: Мусо алайҳиссаломнинг ҳассалари аждарга айланиб у зотнинг ҳақиқий пайғамбар

эканликларини тасдиқлаган бўлса, Исо алайхиссаломга оғир касалларни бир нафасда тузатиш, мурдаларни тирилтириш каби мўъжизалар берилган. Пайғамбарларнинг улуғи, охирги замон пайғамбари Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўтган пайғамбарларга берилган мўъжизаларнинг деярли барчаси ва яна ўзларига ҳам алоҳида мўъжизалар берилган. Ўша мўъжизаларнинг энг улуғи, то қиёматгача боқий туродиган Куръони каримдир.

Каромат эса گرم - يَكْرُمْ феълининг масдари бўлиб, “иззат-икром”, “қадр-қиммат”, “олижаноблик” каби маъноларни билдиради.

Истелоҳда эса, “Аллоҳ таолонинг Ўзи севган бандаларига қилган иззат икроми каромат дейилади.”

Валий луғатда “яқин”, “дўст” каби маъноларни билдириб, кўплиқда “авлиё” бўлади.

“Каромат икки хил бўлади: 1. Жибиллий (туғма, табий) 2. Касбий (эришиладиган, меҳнат билан топиладиган)

Жибиллий кароматга мисол; Аллоҳ таоло ал-Исро сурасининг 70-оятида шундай хабар берган;

وَلَقَدْ كَرَمْنَا بْنَى عَادَ وَ حَمْلَنَا هُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَ رَزَقْنَا هُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَ فَضَّلْنَا هُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا  
تَفْضِيلًا

**“Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз - мукаррам қилдик ва уларни барру-баҳрда – қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик, ҳамда уларга ҳалол пок нарсалардан ризқу-рӯз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал, устун қилиб қўйдик”.**

Инсониятнинг барча вакиллари ушбу кароматдан насибадордирлар. Чунки улар Одам боласи бўлиб дунёга келганлар. Шунинг учун ушбу каромат мўмину-кофир барча башариятга умумийдир.

Касбий кароматга мисол; Аллоҳ таоло Ҳужурот сурасининг 13-оятида қуйидагича хабар берган;

إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَانُمْ

**“Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз, тақвадорроғингиздир”.**

Бу каромат эса фақат тақводор мўминларда ҳосил бўлади (чунки улар бу кароматни мўминларга хос эътиқод ва ҳаракатлар билан топадилар).

Кароматнинг ғайри оддий ишларга нисбатан кўлланиши эса мажозийdir. Зеро Аллоҳ таоло ана шундай ғайри оддий ишларни тақводор мўмин учун иззат икром сифатида зоҳир қиласди. Кароматнинг зоҳир бўлиш ҳикмати эса валийнинг дунёда зухдга бўлган азму қарорини кучайтириш ҳамда уни нафсу-ҳаво чақириқларидан ажратишдир”.<sup>38</sup>

Кароматларга мисоллар: Ҳазрати Умарнинг масжид минбарида хутба қилаётib бирдан: “Эй, Сория, тоққа, тоққа!”, деб қичқиришлари ва бу овозларини ўзга юртда душманлар билан урушаётган Сориянинг эшитиб амал қилиши натижасида душманлар қуршовидан қутилиб қолишлари, Холид ибн Валиднинг душманлар талабига биноан заҳар ичишлари, бироқ заҳарнинг у зотга мутлақо таъсир қилмаслиги ва ҳоказолар. Демак, пайғамбарларга уларнинг пайғамбарликларини тасдиқлаш учун берилган одатдан ташқари, ўзгаларни ожиз қолдирувчи иш - мўъжиза дейилади. Аллоҳ таолонинг Ўз дўстларига қилган иззат икроми – каромат дейилади.

**Аммо Аллоҳ таолонинг душманлари учун бўладиган, масалан, Иблис, Фиръавн ва Дажжол қабилардан содир бўлганлиги ва** (бундан кейин) **бўлишлиги хабарларда ривоят қилинган нарсаларни мўъжиза ҳам, каромат ҳам демаймиз.** Аллоҳ таолонинг душманлари тарафидан содир бўлган ғайри оддий ишларни масалан, Иблиснинг бир лаҳзада машриқу мағрибга бориб кишиларни власвасага солиши, Одам болаларининг қонларида айланиши, Қиёматта яқин чиқадиган Дажжолнинг бировни ўлдириб тирилтириши каби ғайри оддий ишларнинг барчаси мўъжиза ҳам, каромат ҳам дейилмайди. Чунки мўъжиза ва кароматлар фақатгина Аллоҳ таолонинг дўстларига бериладиган нарсалардир. Аллоҳнинг душманлари томонидан содир бўлган ғайри-оддий нарсаларни эса;

**Лекин ўша нарсаларни улар учун қазои-ҳожат деймиз. Чунки Аллоҳ таоло душманларининг ҳам ҳожатларини уларга истидрож ва уқубат учун рўёбга чиқаради.** Яъни ўша ғайри оддий кўринган нарсалар кофиру фожирлар

<sup>38</sup> Талхису шархил ақийдатит Таховия, 221-бет.

учун қазои-ҳожат бўлади. Чунки Аллоҳ таоло Ўз душманларининг разилона истакларини ҳам уларнинг охиратдаги уқубатлари учун бу дунёда даражама-даражада амалга оширишларига имкон беради. Бу ҳақида Аллоҳ таоло қуйидагича хабар берган.

وَالَّذِينَ كَذَبُوا بِآيَاتِنَا سَتَّدُرْجُهُمْ مِنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ

**“Оятларимизни ёлғон деган кимсаларни эса Биз ўzlари билмай қоладиган тарафдан секин-аста (ҳалокатга) олиб борурмиз”.** (Аъроф сураси, 182-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларки:

إِذَا رَأَيْتَ اللَّهَ يُعْطِي الْعَبْدَ مَا يُحِبُّ مِنَ النَّعْمَةِ وَ هُوَ مُقِيمٌ عَلَى الْمَعْصِيَةِ فَإِنَّمَا ذَلِكَ إِسْتَدْرَاجٌ ثُمَّ تَلَّاهُ هَذِهِ الْأَيَّةُ: فَلَمَّا نَسُوا مَا ذُكِرُوا بِهِ فَتَحْنَا عَلَيْهِمْ أَبْوَابَ كُلِّ شَيْءٍ حَتَّىٰ إِذَا فَرَحُوا بِمَا أَوْتُوا أَخْذَنَاهُمْ بَعْثَةً فَإِذَا هُمْ مُبْلِسُونَ

“Агар Аллоҳнинг бир бандага неъматдан яхши кўрганини ато қилганини кўрсанг ваҳоланки у маъсият устида муқим бўлса. Бас албатта ўша нарса “истидроҷ”дир. Сўнгра ушибу оятни тиловат қилдилар: “Энди қачонки улар ўzlари учун эслатма қилиб берилган нарсани унумтишгач, Биз уларга ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик. Қачонки ўzlарига берилган нарсалар билан шод турганларида Биз уларни тўсатдан (азоб билан) ушладик. Бас, бутунлай номурод бўлдилар”. (Анъом сураси, 44-оят).

**Улар бундан алданиб қоладилар ва тугёну куфрда зиёдалашаверадилар.** Яъни агар улар Аллоҳга иймон келтиргану бироқ унинг буйруқларига буйсунмай фожирлик қилиб юрган бўлсалар, дунёда яхши кўрган нарсаларининг даражама-даражада амалга ошиб бораётганлигидан алданиб, баттар тугёнга кетаверадилар. Агар коғир бўлсалар, куфрда зиёдалашаверадилар.

Аллоҳ таоло, коғир Валид ибн Муғирига тўғрисида қуйидаги оятларни нозил қилган;

أَنْ كَانَ ذَا مَالَ وَبَتَّينَ إِذَا تُئْلَى عَلَيْهِ عَائِيَاتِنَا قَالَ أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ

**“У мол-мулк ва ўғиллар эгаси бўлгани учун (ўзидан кетиб), қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса; “Булар аввалгиларнинг афсоналарику”, дер”.** (Қалам сураси, 14-15 оятлар).

Ривоят қилинишича, “Фиръавн 400 йил яшаган. Шу муддат давомида ҳатто ошхонасидан бир ёғоч товоғи ҳам синмаган”.<sup>39</sup>

**Бундай нарсаларнинг барчаси жоиз ва мумкиндир.** Яъни Аллоҳ таолонинг душманлари тарафидан содир бўлган ғайри оддий ишларнинг барчаси нақлан событ ва ақлан мумкиндир. Масалан, Иблис Аллоҳ таолодан қайта тириладиган кунгача изн сўраганида Аллоҳ таоло унга маълум вақтгача изн берган. Ваҳоланки, Иблис залолат йўлидагиларнинг бошлиғи эди.

قالَ رَبُّ فَأَنْظَرْنِي إِلَى يَوْمِ الْمَعْلُومِ إِلَى يَوْمِ الْوَقْتِ الْمَعْلُومِ

“(Иблис илтижо қилиб) деди: “Парвардигорим, у холда менга улар қайта тириладиган кунгача (ўлмасдан яшаш учун) муҳлат бергин”. (Аллоҳ) деди: “Бас, сен маълум вақтда (етиб келадиган) кунгача (қиёматгача) муҳлат берилганлардансан”. (Ҳижр сураси, 36-37-38-оятлар).

Соъидий<sup>40</sup> роҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинади: “Бизларга хабар етдики, Жаброил алайҳиссалом Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай деганлар: “Аллоҳ бандаларининг биронтасидан иккита бандадан газабланганчалик газабланмадим. Уларнинг бири жиндан, бошқаси эса инсандир. Жиндан бўлгани Иблисдир, Одам алайҳиссаломга сажда қилмоқдан бош тортган пайтда (ундан қаттиқ газабланганман). Инсдан бўлгани Фиръавндин. У “Мен сизларнинг энг юксак парвардигорингиздирман”, деган пайтда (ундан қаттиқ газабланганман)”.<sup>41</sup>

Гоҳида Аллоҳнинг душманлари тарафидан содир бўладиган ғайри оддий ишлар уларни ҳақоратлаш учун бўлади. Нақл қилинишича: “Бир куни Мусайламатул Каззоб бир кўзи ғилай одамни ғилай кўзи тузалиши учун дуо қилди. Шунда унинг соғ кўзи ҳам ғилай бўлиб қолди”.<sup>42</sup>

## 24-дарс

**Мавзу:** “Мўминларнинг жаннатда Аллоҳ таолони кўришилари”.

<sup>39</sup> Шарҳу китаб ал-Фикхул акбар, 134-бет.

<sup>40</sup> Исмоил ибн Абдурраҳмон кичик тобеъинлардан. У аҳли китоблардан кўплаб ривоятлар келтирган. Ушбу ривоят ҳам ўшалардан бири.

<sup>41</sup> Шарҳу китаб ал-Фикхул акбар, 135-бет.

<sup>42</sup> Шарҳу китаб ал-Фикхул акбар, 135-бет.

وَكَانَ اللَّهُ تَعَالَى خَالِقًا قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَ وَرَازِقًا قَبْلَ أَنْ يَرْزُقَ. وَاللَّهُ تَعَالَى يُرَى فِي الْآخِرَةِ وَيَرَاهُ الْمُؤْمِنُونَ ، وَهُمْ فِي الْجَنَّةِ بِأَعْيُنِ رُؤُوسِهِمْ بِلَا تَشْبِيهٍ وَلَا كَيْفَيَةٍ وَلَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَلَا يَكُونُ بَيْنَ خَلْقِهِ مَسَافَةٌ . وَالإِيمَانُ هُوَ الْإِقْرَارُ وَالتَّصْدِيقُ . وَإِيمَانُ أَهْلِ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَا يَرِيدُ وَلَا يَتَفَقَّصُ مِنْ جَهَةِ الْمُؤْمِنِ بِهِ وَيَرِيدُ وَيَتَفَقَّصُ مِنْ جَهَةِ الْيَقِينِ وَالْتَّصْدِيقِ

**Аллоҳ таоло** (махлуқотларни) яратишидан олдин ҳам яратувчи эди. Ва ризқлантиришидан олдин ҳам ризқ берувчи эди. Аллоҳ таоло охиратда кўринади. Уни мўминлар жаннатда ўз кўзлари билан ташбехсиз ва қайфиятсиз кўрадилар. Ва У билан халқининг ўртасида масофа бўлмайди. Иймон – иқорор ва тасдиқдир. Осмон ва ер аҳлларининг иймони, иймон келтирилган нарса жиҳатидан зиёда ҳам, кам ҳам бўлмайди, лекин яқийн ва тасдиқ жиҳатидан зиёда ва кам бўлади.



**Аллоҳ таоло** (махлуқотларни) яратишидан олдин ҳам яратувчи эди. Ва ризқлантиришидан олдин ҳам ризқ берувчи эди. Аллоҳ таоло махлуқларни пайдо қилишидан олдин ҳам яратувчи бўлган. Шунингдек, ризқланадиган нарсалар вужудга келишларидан олдин ҳам ризқлантирувчи бўлган. Имоми Аъзамроҳматуллоҳи алайҳ бу сўзни ақийданинг муҳим жиҳатларидан бўлганлиги сабабли қайта келтирғанлар.

**Аллоҳ таоло охиратда кўринади.** Охиратда жаннатий бўлган бандаларига Аллоҳ таоло кўринади. Улар Аллоҳ таолога кўзлари билан назар ташлайдидар. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар берган;

وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَاضِرَةٌ إِلَى رَبِّهَا نَاظِرَةٌ

“У Кунда (мўминларнинг) юzlари яшиаб, Парвардигорларига боқиб тургувчидир!”. (Қиёмат сураси, 22-23-оятлар).

Кофиirlар эса Аллоҳ таолони кўришдан тўсиладилар. Бу ҳақида Аллоҳ таоло қўйидагича хабар берган;

كَلَّا إِنَّهُمْ عَنْ رَبِّهِمْ يَوْمَئِذٍ لَمَحْجُوبُونَ

**“Хеч шак-шубҳа йўқки, улар ўша (Киёмат) Кунида Парвардигорларидан тўсилгувчи дидорига етиш уларга ҳеч насиб қилмагай! (Мутоффифун сураси 15-оят).**

**Уни мўминлар жаннатда ўз кўзлари билан ташбехсиз ва қайфиятсиз кўрадилар.** Мўминлар жаннатга киришгач, уларга кўзлар кўрмаган ва қулоқлар эшиитмаган сон-саноқсиз неъматлар ато қилинади. Ўша неъматларнинг энг улуғи Аллоҳ таолога назар солиш хисобланади. Аллоҳ таолони кўришликнинг ҳақ эканлиги Ҳадиси шарифларда ҳам баён қилинган.

**عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: "أَنَّ نَاسًا قَالُوا : يَا رَسُولَ اللَّهِ هَلْ نَرَى رَبَّنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: هَلْ تُضَارُونَ فِي رُؤْيَاةِ الظَّفَرِ لِلَّيْلَةِ الْبَدْرِ؟ قَالُوا: لَا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: هَلْ تُضَارُونَ فِي الشَّمْسِ لَيْسَ دُونَهَا سَحَابٌ؟ قَالُوا: لَا قَالَ فَإِنَّكُمْ تَرَوْنَهُ كَذَالِكَ (مُتَفَقُّ عَلَيْهِ)**

*Абу Хурайра* розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Инсонлар: “Эй, Аллоҳнинг росули, Қиёмат куни Роббимизни кўрамизми?”, дейшиди. Шунда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Тўлин ой кечасида Ойни кўришига қийналасизларми?”, (кўришига ошиқиб бир-бирларингиз билан тиқилинч қилиб кўришига қийналасизларми) дедилар. Улар: “Йўқ, эй Аллоҳнинг росули”, дейшиди. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Булут иўқ пайтда Қуёшни кўришига қийналасизларми?”, дедилар. Улар: “Йўқ”, дейшиди. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта, сизлар Уни (Аллоҳни) шундоқ кўрасизлар”, дедилар. (муттафакун алайх).

**عَنْ صُهَيْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَرَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَى وَ زَيَادَةً" قَالَ: "إِذَا دَخَلَ أَهْلُ الْجَنَّةَ، وَ اهْلُ النَّارِ إِلَيْنَا مُنَادٍ: يَا أَهْلَ الْجَنَّةِ إِنَّ لَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ مَوْعِدًا يُرِيدُ أَنْ يُنْجِزَ كُمُوهُ فَيَقُولُونَ: مَا هُوَ؟ الَّمْ يُنْقَلُ مَوَازِينًا وَ يُبَيَّضَنْ وُجُوهُهُنَا وَ يُدْخَلُنَا الْجَنَّةَ وَ يُجْرِنَا مِنَ النَّارِ؟ فَيُكَشَّفُ الْحِجَابُ فَيَنْظَرُونَ إِلَيْهِ فَمَا أَعْطَاهُمْ شَيْئًا أَحَبَّ إِلَيْهِمْ مِنَ النَّظَرِ إِلَيْهِ وَ هِيَ الزِّيَادَةُ (رَوَاهُ مُسْلِمُ)**

*Суҳайб* розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда (неъматлар) бордир (Юнус сураси, 26-оят) ояти каримасини ўқидилар. Сўнгра қачон жаннат аҳли жаннатга ва дўзах аҳли дўзахга кирсалар бир нидо қилгувчи: “Эй жаннат аҳли Аллоҳ ҳузурида сизлар учун ваъда қилинган бир жой бор, У зот ўшани сизларга ато этишини хоҳлайди, дея нидо қиласиди. Шунда жаннат аҳллари:

“Нима у? Тарозиларимизни оғир қилиб бердику, юзларимизни ёргуғ қилдику, бизларни жсаннатга киритиб дўзахдан асрдику”, дейишади. (Улар ана шундай ҳайрон бўлиб турганларида) бирдан ҳижоб кўтарилади ва улар Аллоҳ таолога назар соладилар. Ҳа, уларга Аллоҳ таоло Ўзига назар солишидан кўра суюклироқ нарса ато қилмагандир. У (ояти каримада айтилган) зиёдаликдир”, дедилар. (Муслим ривояти).

عن أبي بن كعبٍ أَنَّهُ سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ قَوْلِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَى وَ زَيَادَةً  
قَالَ: "الْحُسْنَى الْجَنَّةُ وَ الزَّيَادَةُ النَّظَرُ إِلَى وَجْهِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ" (رواه ابن أبي حاتم)

Убай ибн Каъбдан ривоят қилинади: “У Ресуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Аллоҳ таолонинг: “Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда (неъматлар) бордир” ояти каримаси ҳақида сўради. Ресуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Гўзал оқибат – жсаннатдир. Зиёда (неъматлар) эса Аллоҳ таолонинг юзига назар солмоқдир”, дедилар”. (Ибн Аби Ҳотим ривояти)

**Ва у билан халқининг ўртасида масофа бўлмайди.** Яъни Аллоҳ таоло билан махлуқлари ўртасида масофа жихатидан узоқлик ёки яқинлик бўлмайди.

**Иймон – иқрор ва тасдиқдир.** “Иймон – тил билан иқрор бўлиш ва қалб билан тасдиқ қилишдир. Бу иймон тасдиқини зоҳир қилиш эътиборига кўрадир. Чунки тасдиқ қилмоқлик ботиний яширин иш бўлиб, у фақатгина иқрор билан ёки тасдиқка далолат қиласидиган феъллар билан билинади. Аммо иймон мавжудлик эътиборига кўра, фақат қалб билан тасдиқ қилмоқликтадир. Тил билан иқрор бўлиш эса, иймон учун аломат ва изҳордир.”<sup>43</sup>

Абу Мансур Мотуридий (870-944 мил.й.) таълимотига кўра (Абу Ҳанифадан ҳам шундоқ ривоят қилинган): Тил билан иқрор бўлмоқлик аслий руқн эмасдир. Аслий руқн бу қалб билан тасдиқ қилмоқликтадир. Иқрор унинг учун аломат ёки узрсиз кишилар учун шартдир. Иймон тасдиқи тўғрисида И мом Молик, Шофеъий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқалар; “Иймон - Қалб билан тасдиқ қилмоқ, тил билан иқрор бўлмоқ ва арконларга амал қилмоқликтадир”, деган бўлсаларда ўртадаги ихтилоф фақат суратдадир. Чунки қалбдаги иймон мукаммал бўлиши учун бошқа аъзоларнинг амаллари ҳам лозимдир.

<sup>43</sup> Талҳису шарҳил ақийдатит Таховия, 133-бет.

Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Усома ибн Зайд розияллоҳу анхуни “Ла илаҳа иллаллоҳ” деган одамни кўркқанидан айтди, деган фикрда жангда қатл этгани учун: “Эй Усома, “Ла Илаҳа иллаллоҳу”, деганидан кейин ҳам уни қатл қилдингми?!” дея қаттиқ койиганлар. Бу эса тил билан айтишликнинг ўзи амалсиз ҳам иймон саналишига далилдир.

**Осмон ва ер аҳлларининг иймони, иймон келтирилган нарса жиҳатидан зиёда ҳам, кам ҳам бўлмайди.** Осмон аҳллари дейилганда фаришталар ва жаннат аҳллари кўзда тутилган. Ер аҳллари, дейилганда эса пайғамбарлар, авлиёлар ва барча солиҳу фожир мўминлар кўзда тутилган.

Иймон луғатда – “ишонч” маъносини билдиради. Шаръий истелоҳдаги маъноси тўғрисида Умар Насафийроҳматуллоҳи алайҳ; “иймон шариъатда; Аллоҳ таолодан келган нарсани тасдиқлаш ва унга иқорор бўлишдир. Аммо амаллар, уларнинг ўзлари зиёда бўладилар. Иймон зиёда ҳам ноқис ҳам бўлмайди”, деганлар. Аллома Тафтазоний ушбу матнларни шарҳлаб шундай деганлар: “Бу ерда икки ўрин бор. Биринчиси – амаллар иймонга кирмайдилар (яъни иймондан ҳисобланмайдилар) чунки иймоннинг ҳақиқати фақат тасдиқ қилмоқлиқдир. Китоб ва суннатда ҳам амаллар иймонга атф бўлиб (боғланиб) келган. Масалан:

إِنَّ الَّذِينَ عَمَلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَئِكَ هُمُ خَيْرُ الْبَرِّيَّةِ

**“Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар – ана ўшалар яралмиш жонзотларнинг энг яхшисиidlар”.** (Байина сураси, 7-оят).

Боғланувчи эса, боғланган нарса билан бошқа-бошқа бўлишни, у билан бир нарса бўлиши мумкин эмаслигини тақозо этади . . .

Иккинчиси – иймоннинг ҳақиқати, зиёда ҳам нуқсонли ҳам бўлмайди. Чунки у жазм ва бўйсуниш чегарасига етган қалбий тасдиқдир. Бу тасдиқда зиёдалик ҳам, нуқсон ҳам тасаввур қилинмайди. Ҳатто кимда тасдиқ ҳақиқати ҳосил бўлган бўлса, тоат ибодатлар қилганда ҳам, маъсиятларни содир этганда

ҳам унинг тасдиқи ўша ҳолатда боқий қолади. Аслий эътиборга кўра унда ўзгариш бўлмайди (яъни иймони зиёдалашмайди ҳам камаймайди ҳам)”<sup>44</sup>.

**Лекин яқийн (аниқ билиш) ва тасдиқ жиҳатидан зиёда ва кам бўлади.** Лекин иймон яқийн ва тасдиқ жиҳатидан зиёда ва кам бўлади дейишлиқдан мурод иймон кучли ва заиф бўлишилигидир. Масалан: Қуёшнинг чиқишилигини тасдиқ қилиш, оламнинг ҳодислигини (янгидан пайдо бўлганини) тасдиқ этишдан кучлироқдир. Гарчи иккаласи иймон келтирилган нарса жиҳатидан баробар бўлса ҳам. Ана шу эътиборга кўра биз қатъий тарзда биламизки умматларидан бирортасининг иймони Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иймонлариdek, ёки Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анхунинг иймонлариdek бўлмайди. Бунга далил;

لَوْ وُزِنَ إِيمَانُ أَبِي بَكْرٍ الصَّدِيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بِإِيمَانٍ جَمِيعِ الْمُؤْمِنِينَ لَرَجَحَ إِيمَانُهُ (رَوَاهُ الدَّيْلُمِيُّ فِي الفِرْدَوْسِ)

“Агар Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анхунинг иймони барча мўминларнинг иймонлари билан вазнлантирилганида, албатта унинг иймони босиб кетган бўлар эди”. (Дайламий ривояти “Фирдавс”да келтирган).

## 25-дарс

**Мавзу:** “Мўминларнинг иймон ва тавҳидда баробарлиги”

وَ الْمُؤْمِنُونَ مُسْتَوْنَ فِي الإِيمَانِ وَ التَّوْحِيدِ مُتَفَاضِلُونَ فِي الْأَعْمَالِ. وَ الْإِسْلَامُ هُوَ الشَّلِيمُ وَ الْإِنْقَيَادُ  
لَا وَأَمْرَ اللَّهِ تَعَالَى فِمْ طَرِيقُ اللُّغَةِ فَرْقٌ بَيْنَ الْإِيمَانِ وَ الْإِسْلَامِ وَ لَكِنْ لَا يَكُونُ إِيمَانٌ بِلَا إِسْلَامٍ، وَ لَا يُوجَدُ إِسْلَامٌ بِلَا  
إِيمَانٍ  
وَ هُمَا كَالظَّهْرِ مَعَ الْبَطْنِ وَ الدِّينُ إِسْمٌ وَاقِعٌ عَلَى الْإِيمَانِ وَ الْإِسْلَامِ وَ الشَّرَائِعِ كُلُّهَا.

**Мўминлар иймон ва тавҳидда баробардирлар.** Амалларда эса бир-бирларидан ортиқдирлар. Ислом – Аллоҳ таолонинг амларига таслим бўлиш ва бўйсунишdir. Иймон ва ислом орасида луғат жаҳатидан фарқ бор. Лекин иймон исломсиз бўлмайди, шунингдек Ислом ҳам иймонсиз бўлмайди. Иккаласи худди бел билан қориндеқdir. Дин – иймон, ислом ва шариатларнинг барчасига жорий бўлган исмdir.

<sup>44</sup> Шархул ақоид, 95-бет.



**Мўминлар иймон ва тавҳидда баробардирлар. Амалларда эса бир-бирларидан ортиқдирлар.** Барча мўминлар иймон ва тавҳиднинг аслида баробардирлар. Чунки куфр билан иймон бир кишида асло жам бўлмайди. Инсон ё мўмин бўлади, ё кофир бўлади. Худди ё кўрадиган ё кўрмайдиган кўр бўлганидек. Кўрадиганларнинг ҳам кўриш қувватлари турлича эканлиги маълум. Баъзилари узоқни яхши кўрсалар, баъзилари яхши кўра олмайдилар. Аммо барибир кўрувчи ҳисобланаверадилар. Шу маънода барча иймон келтирганлар мўмин ҳисобланаверадилар. Бироқ амал қилишликда бир-бирларидан ортиқ ё кам бўладилар.

### **Ислом – Аллоҳ таолонинг амрларига таслим бўлиш ва бўйсенишdir.**

Ислом деганда Аллоҳ таъолонинг амрларига ботиний жиҳатдан таслим бўлиш ва зоҳирий тарафдан бўйсениш тушунилади. Аллоҳ таоло мўмин бандаларига шундай амр қилган;

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ادْخُلُوا فِي السَّلَامِ كَافَةً وَلَا تَتَبَعُوا خُطُواتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَذُونٌ مُّبِينٌ

“Эй мўминлар, тўла ҳолдаги Исломга кирингиз! (яъни Исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларга итоат қилмайдиган кимсалардан бўлмангиз!). **Ва шайтоннинг изидан эргашманглар!** Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир”. (Бақара сураси, 208-оят).

**Иймон ва ислом орасида луғат жиҳатдан фарқ бор.** Иймон - луғатда “тасдиқ”, “ишонч” каби маъноларни билдиради. Ислом – луғатда “ўзини Аллоҳ ихтиёрига топшириш”, “итоаткорлик,” “мутелик” каби маъноларни билдиради.

**Лекин иймон исломсиз бўлмайди.** Яъни инсон ички тарафидан тасдиқлаб ишонса-ю ташқи томондан таслим бўлмаса унинг бу иймони шаръий жиҳатдан эътиборга олинмайди. Масалан: Абу Толиб иймонга таклиф қилиниганда ички тарафдан таслим бўлган бўлса ҳам, ташқи томондан таслим бўлмагани учун унинг иймони шаръий жиҳатдан иймон саналмаган.

**Шунингдек Ислом ҳам иймонсиз бўлмайди.** Бу юқоридаги сўзниг таъкидидир. Яъни ислом ва иймон бир – биридан ажралмайдиган яхлит бир нарса кабидир.

**Иккаласи худди бел билан қориндеқдир.** Яъни иймон ва ислом инсоннинг ташқариси билан ичидек бўлиб уларнинг бирини иккинчисидан бўлак тасаввур қилиб бўлмайди. Ислом кишининг ташқи қўринишидек қўзга қўриниб турса иймон эса унинг ичидек яширин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, иймон қалбда бўлади. Ислом эса, ўша иймоний қалбнинг қолипи ҳисобланади. Жасаднинг мукаммалиги эса ҳар иккаласи билан бўлади.

**Дин – иймон, ислом ва шариатларнинг барчасига жорий бўлган исмдир.**

Яъни дин лафзи умуний маънода иймон, ислом ва шаръий ҳукмларнинг барчаси учун ишлатилаверади.

إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ

“**Албатта, Аллоҳ наздидаги** (мақбул бўладиган) **дин Ислом динидир**”. (Оли-Имрон сураси, 19-оят).

وَمَا جَعَلَ عَلَيْكُمْ فِي الدِّينِ مِنْ حَرَجٍ

“**Ва бу Динда Сизларга бирон ҳараж – танглик қилмади**”. (Ҳаж сураси, 78-оят)

وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا

“**Ва сизлар учун Исломни дин қилиб танладим** (яъни, Исломдан бошқа динлар Аллоҳ хузурида мақбул эмас)”. (Моида сураси, 3-оят).

## 26-дарс

**Мавзуу:** “*Аллоҳ таолони таниши чегараланган*”.

نَعْرَفُ اللَّهَ تَعَالَى حَقَّ مَعْرِفَتِهِ كَمَا وَصَفَ اللَّهُ نَفْسَهُ فِي كِتَابِهِ بِجَمِيعِ صِفَاتِهِ، وَ لَيْسَ يَقْدِرُ أَحَدٌ أَنْ يَعْبُدَ اللَّهَ تَعَالَى حَقَّ عِبَادَتِهِ كَمَا هُوَ أَهْلُ لَهُ، وَ لَكِنَّهُ يَعْبُدُهُ بِأَمْرِهِ كَمَا أَمَرَ بِكِتَابِهِ وَ سُنْنَةِ رَسُولِهِ وَ يَسْتَوِي الْمُؤْمِنُونَ كُلُّهُمْ فِي الْمَعْرِفَةِ وَ الْيَقِينِ وَ التَّوْكِيدِ وَ الْمَحَاجَةِ وَ الرَّضْنَى وَ الْخَوْفِ وَ الرَّجَاءِ وَ الْإِيمَانِ فِي ذَلِكَ وَ يَقْنَاوْثُونَ فِيمَا دُونَ الْإِيمَانِ فِي ذَلِكَ كُلِّهِ

**Аллоҳ таоло китобида Ўзини жамиий сифатлари билан сифатлаганидек чинаккамига Унга муносиб бўлган танишликда таниймиз. Бирор киши ҳам Аллоҳ таолога у ҳақли бўлганидек унга чинаккам ибодат қилишга қодир бўла олмайди. Лекин Аллоҳ таолога Унинг буйруғига кўра ибодат қилади. Яъни, китобида ва Пайғамбарининг суннатида буюрганидек. Мўминларнинг барчалари маърифатда, яқийнда, таваккулда, муҳаббатда, ризода, хавфда, ражода ва иймонда баробар бўладилар. Шу нарсаларнинг иймондан бошқа барчасида бир-бирларидан фарқли бўладилар.**



**Аллоҳ таоло китобида Ўзини жамий сифатлари билан сифатлаганидек чинаккамига Унга муносиб бўлган танишликда таниймиз. Яъни бизнинг бу танишлигимиз Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатларини ихота қилиб олиш (қамраб олиш) эътибори билан эмас, балки бандага берилган тоқат миқдори жиҳатидан чинаккамига таниймиз. Аллоҳ таоло Қуръони каримда ўзини қандай сифатлаган бўлса, уни худди ўшандай таниймиз. Масалан Аллоҳ таоло Ўзини Қуръони каримда шундай сифатлаган;**

*لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ*

**“Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Эшитувчи ва Кўриб тургувчиидир”. (Шўро сураси, 11-оят). Шу маънода биз Аллоҳ таолони бирон нарса У Зотга ўхшаш эмас деб таниймиз.**

**Бирор киши ҳам Аллоҳ таолога у ҳақли бўлганидек унга чинаккам ибодат қилишга қодир бўлолмайди.** Чунки банда узлуксиз Аллоҳ таолони зикр қилиб, унга шукrona келтиришдан ожиздир. Аллоҳ таоло хабар берадики:

*وَ إِنْ تَعْدُوا نِعْمَةَ اللَّهِ لَا تُحْصُوهَا*

**“Агар сизлар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига етолмайсизлар”.** (Иброҳим сураси, 34-оят).

Яъни шукрини адо қилиш у ёқда турсин ўша неъматларнинг ўзини санафчиқишига ҳам тоқатларингиз етмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло:

فَاتَّقُوا اللَّهَ مَا أَسْتَطْعُمْ

“Бас, кучларингиз етганча Аллоҳдан қўрқинглар”, деган. (Тағобун сураси, 16-оят).

**Лекин Аллоҳ таолога Унинг буйруғига кўра ибодат қиласи. Яъни китобида ва пайғамбарининг суннатида буюрганидек.** Банда Аллоҳ таолога у ҳақли бўлганидек ибодат қилишдан ожиз бўлса-да, шу ожизлик сифати билан Аллоҳ таолонинг ҳукмига мувофиқ савоб умидида ибодат қилаверади.

**Мўминларнинг барчалари маърифатда, яқийнда, таваккулда, мұхаббатда, ризода, хавфда, ражода ва иймонда баробардирлар.**

**Маърифат** – лугатда “илм” маъносини англатади. Истелоҳда эса “Аллоҳ таолонинг исму сифатларини сидқи дилдан билишлик маърифат дейилади.

**Яқийн** – лугатда “шаксиз илм” маъносини англатади. Истелоҳда эса “Кўрувчининг ҳужжат ва далил билан эмас, балки иймон қуввати воситаси билан кўриши - яқийн деб аталади. Аллоҳ таоло “яқийн” ни Қуръони каримда уч хил кўринишда зикр қилган:

1. “Илмул яқийн”    2.“Айнул яқийн”    3.“Хаққул яқийн”

“Илмул яқийн” бу зикр ва фикрлашдан ҳосил бўлиб, барча уламоларга хосдир.

“Айнул яқийн” бу ўз кўзи билан кўришлиқдан ҳосил бўлиб, хос уламолар ва авлиёларга хосдир.

“Хаққул яқийн” бу илм ва ўз кўзи билан кўришиликнинг жамланиши бўлиб, пайғамбарларга хосдир.

**Таваккул** – лугатда “ваколат олиш”, “таваккул қилиш” каби маъноларни англатади. Истелоҳда эса “Аллоҳ ҳузуридаги нарсага аниқ ишониб инсонларнинг қўлларидаги нарсадан юз ўгириш таваккул деб аталади.

**Мұхаббат** – лугатда “севги” маъносини англатади. Истелоҳда эса “Банданинг ўз қалбида таърифлаб ва чегаралаб бўлмайдиган бир ҳолатни топиши мұхаббат” деб аталади. Мұхаббатнинг аломати тўлиқ бўйсишишdir.

تَعْصِي إِلَهٍ وَأَنْتَ تُظَهِّرُ حُبَّهُ؟  
هَذَا مُحَالٌ فِي الْفِعَالِ بَدِينُ

لَوْ كَانَ حُبُكَ صَادِقًا لَا طُغْيَةُ  
إِنَّ الْمُحِبَّ لِمَنْ يُحِبُّ مُطْبِعُ

Аллоҳга муҳаббат изҳор қилиб яна унга осийлик қиласанми?

Бу феъллардаги мумкин бўлмаган янгиликдир.

Агар муҳаббатинг рост бўлса, албатта унга итоат қиласан,

Зеро яхши кўрувчи маҳбубга итоат қилгувчидир<sup>45</sup>.

**Ризо** – луғатда “рози бўлмоқ”, “қоникмоқ” каби маъноларни англатади.

Истелоҳда эса “Унга белгиланган аччиқ мусибату балоларга қалбнинг мамнуният билан рози бўлишидир”.

**Хавф** – луғатда “кўрқмоқ”, “чўчимоқ” каби маъноларни англатади.

Истелоҳда эса, “ёмон кўрилган нарсанинг содир бўлишини ёки яхши кўрилган нарсанинг ўтиб кетишини кутиш хавф деб аталади.

**Ражо** – луғатда “орзу” маъносини англатади. Истелоҳда эса “хоҳланган нарсага олиб борувчи омилларни ушлаган ҳолда келажакда бўлиши хоҳланган нарсага қалбнинг боғланиши - ражо дейилади.

Хоҳланган нарсага олиб борувчи омилларни ушламасдан келажакда бўлиши хоҳланган нарсага қалбнинг боғланиши эса “тъма” дейилади. Билишлик лозимки, ражо хавф билан бўлганда гина ҳақиқий ражо ҳисобланади. Чунки хавфсиз ражо қилмоқлик алданишлик бўлса, ражосиз хавф қилмоқлик умидсизлик бўлади.

Барча иймон келтирган бандалар Аллоҳ таолони танишда, дин ишларига нисбатан қатъий ишончда бўлишда, Аллоҳга таваккул қилишда яъни ўзининг ожизлигини изҳор қилиб унга суюнишда, Аллоҳ ва унинг Росули учун яхши кўришда, қазои – қадарга рози бўлишда, Аллоҳ таолонинг ғазаби ва иқобидан қўркишда, унинг ризоси ва савоблантиришидан умидвор бўлишда ва Унинг зоти событлигига иймон келтиришда баробардирлар. Яъни шу нарсалардан насибадордирлар.

**Шу нарсаларнинг иймондан бошқа барчасида бир-бирларидан фарқли бўладилар.** Мўминлар иймон келтирилган ва тасдиқ этилган нарсалар жиҳатидан фарқли бўлмайдилар. Яъни иймон келтирилиши ва тасдиқ этилиши лозим бўлган нарсаларга иймон келтириб тасдиқлашлари жиҳатидан бир-бирларидан

<sup>45</sup> Шархул амалий 19-бет

фарқсиздирлар. Бундан бошқа юқорида санаб ўтилган нарсаларда ўша нарсаларнинг уларда зиёда ёки кам бўлиши сабабли бир-бирларидан фарқланадилар.

Солиҳ мўминлар диннинг талаблари-ю, қўшимча ибодатларни адо қилишда бир-бирларидан фарқли бўлганларидек, фожир мўминлар ҳам фисқу-фужурда хилма-хил бўладилар.

Фосиқ – Роббиси амридан чекинувчи, ахлоқсиз гуноҳкор мўмин.

Фожир – бузуки, йўлдан озган, гуноҳкор мўмин.

## 27-дарс

**Мавзу:** “*Аллоҳ таолонинг бандаларига муруввати*”.

وَاللَّهُ تَعَالَى مُتَفَضِّلٌ عَلَى عِبَادِهِ عَادِلٌ قَدْ يُعْطِي مِنَ التَّوَابِ أَصْعَافَ مَا يَسْتَوْجِبُهُ الْعَبْدُ تَقْضِيَّاً مِنْهُ وَقَدْ يُعَاقِبُ عَلَى  
الذَّنْبِ عَدْلًا مِنْهُ وَقَدْ يَعْفُو فَضْلًا مِنْهُ

**Аллоҳ таоло бандаларига мурувватлидир, одилдир.** Гоҳида банда ҳақли бўлганидан кўра кўпроқ савобни (Ўз) муруввати ила унга ато этади. Гоҳида гуноҳга адолати ила иқоб қиласи. Гоҳо фазли билан авф этади.



**Аллоҳ таоло бандаларига мурувватлидир, одилдир.** Аллоҳ таоло баъзи бандаларига фазлу марҳамати билан мурувват кўрсатувчи ва баъзи бандаларига адолати ила хукм қилгувчидир. Бу ҳақида Аллоҳ таоло Қуръони каримда қуидагича марҳамат қилган;

وَاللَّهُ يَدْعُ إِلَى دَارِ السَّلَامِ وَيَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

**“Аллоҳ тинчлик диёри – жаннатга даъват қилур ва Ўзи хоҳлаган зотларни Тўғри йўлга ҳидоят қилур”.** (Юнус сураси, 25-оят)

**Гоҳида банда ҳақли бўлгандан кўра кўпроқ савобни (Ўз) муруввати ила ато этади.** Аллоҳ таоло дунё ва охиратда банданинг қилган тоатига у ҳақли

бўлганидан ҳам қўпроқ ажру-мукофат ато этади. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган;

وَاللَّهُ يُضَاعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلَيْهِ

**“Аллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ** (фазлу карами) **Кенг, Билгувчи**дир” (Бақара сураси, 261-оят).

Аллоҳ таолонинг истаган бандаларига савобларини бир неча баробар қилиб бериши уларга қилган муруввати ҳисобланади.

**Гоҳида гунохга адолати ила иқоб қилади.** Аллоҳ таоло ўзининг мутлоқ адолати билан гуноҳкор банданинг савобини камайтирмасдан ва жазосини зиёда қилмасдан у лойик бўлганидек жазолайди. Бу ҳақида Аллоҳ таоло қуидагича хабар берган;

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ عَشْرُ أَمْثَالِهَا وَمَنْ جَاءَ بِالسَّيِّئَةِ فَلَا يُجْزَى إِلَّا مِثْلَهَا وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ

**“Ким бирон чиройли амал қилса, унга ўн баробар қилиб** (қайтаришур). **Ким бирон ёмон иш қилса, фақат ўшанинг баробарида жазоланур ва уларга зулм қилинmas”.** (Анъом сураси, 160-оят).

**Гоҳо фазли билан авф этади.** Азобга лойик бўлиб қолган бандадан азобни кечиб юборишлик “авф” дейилади. Аллоҳ таоло баъзи бандаларини шафоатчиларнинг шафоати билан ёки ўзининг мутлоқ фазлу карами билан гуноҳларини кечириб юборади. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар берган;

وَمَا أَصَابُكُمْ مِنْ مُصِيبَةٍ فَبِمَا كَسَبَتُ أَيْدِيكُمْ وَيَغْفُو عَنِ كَثِيرٍ

**“(Эй инсонлар) сизларга не бир мусибат етса, бас ўз қўлларингиз билан қилган нарса – гуноҳ сабабли** (етур). **Яна У** кўп (гуноҳларнинг жазосини бермасдан) **авф қилиб юборур”.** (Шўро сураси, 30-оят).

Яъни Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган бандасидан хоҳлаган нарсасини кечиб юборади. Зеро фазлу марҳамат Ўзининг қўлида бўлиб, уни хоҳлаган бандаларига ато этади.

## 28-дарс

**Мавзу:** “Шафоат ва унинг турлари”.

وَ شَفَاعَةُ الْأَنْبِيَاءِ عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَ السَّلَامُ حَقٌّ وَ شَفَاعَةُ نَبِيِّنَا عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَ السَّلَامُ لِلْمُؤْمِنِينَ الْمُذْكُورِينَ وَ لِأَهْلِ  
الْكَبَائِرِ مِنْهُمُ الْمُسْتَوْجِبِينَ الْعِقَابُ حَقٌّ ثَابِتٌ . وَ وَزْنُ الْأَعْمَالِ بِالْمِيزَانِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَقٌّ، وَ حَوْضُ النَّبِيِّ عَلَيْهِ  
الصَّلَاةُ وَ السَّلَامُ حَقٌّ، وَ الْقِصَاصُ فِيمَا بَيْنَ الْخُصُومِ بِالْحَسَنَاتِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَقٌّ وَ إِنْ لَمْ تَكُنْ لَهُمُ الْحَسَنَاتُ فُطِرْخُ  
السَّيِّئَاتِ عَلَيْهِمْ حَقٌّ جَانِزٌ

Пайғамбарларнинг (уларга салавоту саломлар бўлсин) шафоатлари ҳақдир. Пайғамбарамиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг шафоатлари гуноҳкор мўминлар ва улардан гуноҳи кабиралар қилиб иқобга (жазога) лойик бўлиб қолганлари учун ҳақ ва событдир. Қиёмат кунида амалларнинг тарози билан тортилиши ҳақдир. Набий алайҳиссалату вассалламнинг ҳавзлари ҳақдир. Қиёмат кунида хусуматчилар орасида қасос, савоблар билан бўлиши ҳақдир. Агар уларда савоблар бўлмаса, буларнинг гуноҳлари уларнинг устиларига ташланиши ҳақ ва жоиздир.



Пайғамбарларнинг (уларга салавоту саломлар бўлсин) шафоатлари ҳақдир. Шафоат луғатда “ҳимоя қилмоқ”, “тарафини олмоқ” каби маъноларни билдиради. Шаръий истелоҳда эса;

سُوَالُ الْخَيْرِ مِنَ الْغَيْرِ لِلْغَيْرِ

Ўзгадан ўзга учун хайр (яхшилик) сўрашлик шафоат деб аталади.<sup>46</sup>

Шафоатнинг турлари ҳақида “Талхису шарҳил ақийдатит Таҳовия”да қуидагилар айтилган.

## ШАФОАТНИНГ ТУРЛАРИ

1. Улкан шафоат бўлиб барча Пайғамбар алайҳиссалату вассалламлар орасидан Пайғамбарамиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга хос қилиб берилган шафоат. <sup>47</sup>

2. Пайғамбарамиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг, ҳасанотлари ва ёмонликлари teng келиб қолган қавмларни жаннатга киришлари учун қиладиган шафоатлари.

<sup>46</sup> Шархул амолий 63-бет

<sup>47</sup> Бунинг далили Бухорий, Муслим ва бошқалар ривоят қилган улкан шафоат ҳақидаги хадисдир.

3. Дўзахга амр қилинган қавмларни унга кирмасликлари учун қиладиган шафоатлари.

4. Жаннатга киргандарни амалларининг савоблари тақазо қилган даражадан юқори даражага кўтариш учун қиладиган шафоатлари.

5. Баъзи қавмларни жаннатга ҳисобсиз кирмоқликлари учун қиладиган шафоатлари.<sup>48</sup>

6. Азобга мустаҳик бўлиб қолганларнинг азобларини енгиллатиш учун қиладиган шафоатлари.<sup>49</sup>

7. Барча мўминларга жаннатга кириш изни берилиши учун қиладиган шафоатлари.<sup>50</sup>

8. Ўз умматларидан гуноҳи кабира қилганлар учун қиладиган шафоатлари.<sup>51</sup>

Ушбу 8 хил шафоат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамда шафоат қилинувчига нисбатан бўлган шафоатларdir.

Фақат шафоат қилувчининг ўзига нисбатан ҳам 8 хил шафоат бор.

1. Пайғамбар алайҳиссаломларнинг ўз умматларига шафоатлари;
2. Фаришталарнинг гуноҳкорларга шафоатлари;
3. Кичик болаларнинг ота – оналарига шафоатлари;
4. Аллоҳ йўлида Шаҳид бўлганнинг ўз яқинларидан 70 тасини қиладиган шафоати;
5. Қуръонни ёдлаган қорининг ўз оиласига қиладиган шафоати;
6. Мўминларнинг бир-бирларига шафоатлари;
7. Қуръони каримнинг ўз қорисига шафоати;
8. Рўзанинг рўздорга шафоати.<sup>52</sup>

<sup>48</sup> Бунинг далили Укоша ибн Мухсиннинг ҳадисидир Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у зотни жаннатга ҳисобсиз кирадиган 70 минг кишилардан қилишини сўраб дуо қилганлар. (Бухорий, Муслим ривоятлари).

<sup>49</sup> Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Абу Толибнинг азобини енгиллатиши учун қиладиган шафоатлари каби (Муслим, Абу Саъид ал-Худрий ривоятлари).

<sup>50</sup> Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам; “Мен жаннатга эришиш учун аввалги шафоатчиман” деганлар. (Муслим ривояти).

<sup>51</sup> Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Умматимдан ахли кабоирларга шафоатим бордир” деганлар. (Имом Аҳмад ривояти). Шафоатнинг ушбу тури хақидаги ҳадислар мутавотир даражасига етган.

<sup>52</sup> Талхису шархил ақидатит Таҳовия 98-бет

**Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатлари гуноҳкор мўминлар ва улардан гуноҳи кабиралар қилиб иқобга лойиқ бўлиб қолганлари учун ҳақ ва событдир.** Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ўзлари учун ҳамда мўмин ва мўмина умматлари учун мағфират сўрашликка буюрган.

فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاسْتَغْفِرْ لِذَنبِكَ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمَنَاتِ

**“Бас, (Эй, Муҳаммад алайҳис салом) ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Аллоҳгина бор эканлигини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин ва мўминалар (нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг!”** (Муҳаммад сураси, 19-оят).

Шафоат ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар ворид бўлган;

عَنْ عَوْفِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ قَالُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَتَانِي آتٍ مِنْ عِنْدِ رَبِّيْ فَخَيْرَنِيْ  
بَيْنَ أَنْ يَدْخُلَ نِصْفَ أَمْتَى الْجَنَّةِ وَبَيْنَ الشَّفَاعَةِ فَاخْتَرْتُ الشَّفَاعَةَ وَهِيَ مِنْ مَاتَ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا (رواه  
الترمذی)

“Авғ ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Менга Роббимнинг ҳузуридан бир келгувчи келди ва умматимнинг ярми жсаннатга кирмоқлигини ёки шафоатни танлашимни сўради. Бас, мен шафоатни танладим. У Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмай вафот этган киши учундир ””. (Термизий ривояти.)

**Қиёмат кунида амалларнинг тарози билан тортилиши ҳақдир.** Яъни савоб ва гуноҳларни ўлчайдиган тарози билан қиёмат кунида бандаларнинг савоб ва гуноҳ амаллари ўлчаниши ҳақдир. Бу тарозининг амалларни қандоқ қилиб ўлчashi Аллоҳ таолонинг ўзига маълум. Аллоҳ таоло амалларнинг ўлчаниши ҳақида қуидагича хабар берган;

وَالْوَزْنُ يَوْمَئِنِ الْحَقُّ فَمَنْ تَقْلَتْ مَوَازِينَ فَأَوْلَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ  
وَمَنْ خَفَّتْ مَوَازِينَ فَأَوْلَئِكَ الَّذِينَ خَسِرُوا أَنْفُسَهُمْ بِمَا كَانُوا بِأَيَّاتِنَا يَظْلِمُونَ

“(Амалларни) тўғри тортишлиқ ўша Куни бўлур. Бас, кимнинг тортилган (яхши амаллари) оғир келса, ана ўшалар нажот топгувчилардир. Кимнинг тортилган (яхши амаллари) енгил бўлса, бас, улар Бизнинг

**оятларимизга** (кофир бўлиш билан) зулм қилиб ўтганлари сабабли ўзларига зиён қилган кимсалардир” (Аъроф сураси, 8-9-оятлар)

**Набий (с.а.в.)нинг Ҳавзлари ҳақдир.** Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга “Кавсар”ни ато қилганлигининг хабарини берган;

**إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ**

“(Эй Муҳаммад алайхис салом) **албатта Биз Сизга Кавсарни ато этдик”.** (Кавсар сураси, 1-оят).

Кавсар – лугатда “мўл–кўл”, “сероб” каби маъноларни англатади. Жумхур уламоларимиз кавсарни ҳавз ёки дарё деб тафсир қилганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳавзим бир ойлик йўлдир, қирғоқлари баробардир, суви сутдан оқдир, хиди мушқдан хушбўйроқдир, кўзалари осмондаги юлдузлар кабидир, ким ундан ичса, абадий чанқамайди”, дея марҳамат қилганлар. Ҳавз ҳақида ворид бўлган ҳадислар мутавотир даражасига етган. 30 дан ошиқ Саҳобаи-киромлардан ривоят қилинган.

**Қиёмат қунида хусуматчилар орасида қасос, савоблар билан бўлиши ҳақдир.** Қиёмат куни дунёда зулм ўтказиб, золим бўлган кимсаларнинг савоблари, дунёда мазлум бўлган, қиёматда эса чеккан зулми сабабли ўша золимларга рақиб бўлиб турадиган кимсаларга олиб берилиши ҳақ ва событдир.

**Агар у(золим)ларда савоблар бўлмаса, бу(мазлум)ларнинг гуноҳлари уларнинг устиларига ташланиши ҳақ ва жоиздир.** Яъни агарда ўша золимларнинг берадиган савоблари ҳам бўлмаса, ёки бераётган савоблари тугаб қолса, мазлумларнинг гуноҳлари, уларнинг зиммаларига юкланиши нақлан событ ва аклан жоиздир. Бу ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қўйидагича хабар берганлар;

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ "مَنْ كَانَ لَهُ مَظْلَمَةٌ لَأُخْيِيهِ مِنْ عِرْضِهِ  
أَوْ شَيْءٌ فَلَيَتَحَلَّهُ مِنْهُ الْيَوْمَ قَبْلَ أَلَا يَكُونُ دِيْنَارٌ وَلَا دِرْهَمٌ، إِنْ كَانَ لَهُ عَمَلٌ صَالِحٌ أَخِذْ مِنْهُ بِقَدْرِ مَظْلَمَتِهِ، وَ إِنْ لَمْ  
تَكُنْ لَهُ حَسَنَاتٌ أَخِذْ مِنْ سَيِّئَاتِ صَاحِبِهِ فَحُمِّلْ عَلَيْهِ

*Абу Хурайра* розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Кимнинг зиммасида шаън ёки бошқа нарсадан биродарининг ҳаққи бўлса, динор ва дирҳам бўлмайдиган Кундан олдин, дунёда уни

адо қилсин! (адо қилинмасдан қиёматга қолса) *Агар унинг солиҳ амали бўлса, биродарининг ҳаққи миқдорида ундан олинади. Борди-ю унинг солиҳ амаллари бўлмаса, мазлумнинг гуноҳлари унинг зиммасига юкланади.* (Манҳал ул ҳадис 2-жуз 78-ҳадис).

## 29-дарс

**Мавзу:** “Жаннат ва дўзахнинг яратиб қўйилганлиги”

وَالْجَنَّةُ وَالنَّارُ مَخْلُوقَتَانِ الْيَوْمَ لَا تَقْنَيَانِ أَبَدًا وَلَا تَمُوتُ الْحُورُ الْعَيْنُ أَبَدًا وَلَا يَفْتَنِ عَقَابُ اللَّهِ تَعَالَى وَتَوَابَةُ سَرْمَدًا. وَاللَّهُ تَعَالَى يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ فَضْلًا مِنْهُ، وَيُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ عَدْلًا مِنْهُ وَإِضْلَالُهُ خِلْالَهُ، وَتَفْسِيرُ الْخِلْالَانِ أَنْ لَا يُوقَقَ الْعَبْدُ إِلَى مَا يَرْضَاهُ مِنْهُ وَهُوَ عَذْلٌ مِنْهُ، وَكَذَا عُقُوبَةُ الْمَخْتُولِ عَلَى الْمَعْصِيَةِ

**Жаннат ва Дўзах** ҳозирда яратиб қўйилгандир. Иккаласи ҳам абадий йўқ бўлмайди. Оху кўз хурлар ҳам абадий ўлмайдилар. Аллоҳ таолонинг иқоби фоний бўлмайди ва инъоми ҳам абадул-абаддир. Аллоҳ таоло хоҳлаган кимсани Ўз фазли ила ҳидоятга бошлайди. Аллоҳ таоло кимни хоҳласа Ўз адли билан адаштиради. Унинг адаштириши, ёрдамсиз қолдиришидир. Ёрдамсиз қолдиришининг маъноси, бандани ундан Ўзи рози бўладиган нарсасига муваффақ қилмаслигидир. У Аллоҳнингadolatidir. Шунингдек ёрдамсиз қолдирилганнинг гуноҳларига жазо бериши ҳам (Унингadolatidir).



**Жаннат ва Дўзах** ҳозирда яратиб қўйилгандир. Яъни қиёмат келишидан олдин ҳам улар бор бўлиб ҳозирги кунимизда ҳам мавжуддир. Бироқ унинг қаерда жойлашганлигини ёлғиз Аллоҳ таолонинг ўзи билади. Аллоҳ таоло уларнинг таёрлаб қўйилганлигини хабарини берган;

وَسَارُوا إِلَى مَغْفِرَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ أَعْدَتْ لِلْمُتَّقِينَ

“Ва Парвардигорингиз томонидан бўлғуси мағфиратга ҳамда эни осмонлар ва Ер баробарида бўлган жаннатга шошилингиз!”. (Оли имрон сураси, 133-оят).

**فَإِنْ لَمْ تَفْعُلُوا وَلَكُنْ تَفْعُلُوا فَاتَّقُوا النَّارَ الَّتِي وَفُودُهَا النَّاسُ وَالْحَجَرُ أَعْدَتْ لِلْكَافِرِينَ**

“Энди агар бундай қилолмасангизлар – ҳаргиз қилолмайсизлар ҳам у ҳолда кофирлар учун **таёрлаб қўйилган** дўзахдан кўркингларки унинг ўтини одамлар ва тошлардир”. (Бақара сураси, 24-оят).

**Иккаласи ҳам абадий йўқ бўлмайдилар.** Жаннат ҳам дўзах ҳам ўзларидаги бор нарсалари ва ахллари билан ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Чунки уларни Аллоҳ таоло абадийлик учун яратган ва синов дунёсидан ўтган бандалари учун, доимий макон қилиб белгилаган.

**Ва оҳу кўз хурлар ҳам абадий ўлмайдилар.** Оҳу кўз хурлар жаннат ахлларига дунёда қилган амаллари учун бериладиган мукофотдир. Жаннатий мукофот эса ҳеч қачон завол топмайди. Ушбу мукофот ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар берган.

**وَحُورٌ عِينٌ كَمَثَالُ الْوُلُوفِ الْمَكْنُونِ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ**

“Яна (улар учун) худди (садаф ичида) яшириб қўйилган гавҳар мисол оҳу кўз хурлар бордир. (Бу) улар (хаёти дунёда) қилиб ўтган амалларининг мукофотидир”. (Воқеа сураси, 22-23-24-оятлар).

**Аллоҳ таолонинг иқоби фоний бўлмайди. Ва инъоми ҳам абадул – абаддир.** Жаннат ва дўзах йўқ бўлмагани каби уларда бўладиган жазо ҳамда инъомлар ҳам йўқ бўлиб кетмайди, балки абадул-абад давом этади. Жаннатга кирган бандалар ундан асло чиқмайдилар, балки унда доимий роҳат-фароғатда бўладилар. Дўзахга унинг аҳли бўлиб кирган кимсалар ҳам ундан асло қайтиб чиқмайдилар ва доимий азоб уқубатда бўладилар. Аллоҳ таоло ўзининг иқоби ҳам, инъоми ҳам абадий эканлигининг хабарини берган.

**وَالَّذِينَ كَسَبُوا السَّيِّئَاتِ جَزَاءُ سَيِّئَةٍ بِمِثْلِهَا وَتَرْهَقُهُمْ ذِلَّةٌ مَا لَهُمْ مِنَ اللَّهِ مِنْ عَاصِمٍ كَانُوا أَغْشَيْتُ وُجُوهَهُمْ قِطْعًا مِنَ اللَّيْلِ مُظْلِمًا أَوْ لِئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا حَالِدُونَ**

“Ёмон амаллар қилган кимсалар учун эса ўша ёмонликлари баробарида ёмон жазо бўлур ва уларни хорлик ўраб олур – улар учун Аллоҳ тарафидан бирон-бир (жазодан) сакловчи бўлмас Уларнинг юзларини гўё қоронғи кечадан бир бўлаги қоплаб олгандек. Ана ўшалар дўзах эгалари бўлиб, **у жойда абадий колурлар**”. (Юнус сураси, 27-оят).

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَخْبَثُوا إِلَى رَبِّهِمْ أُولُئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ

“Албатта иймон келтириб, яхши амаллар қилган ва Парвардигорларига ором – итоат билан бўйсинган зотлар – ана ўшалар, жаннат эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолурлар”. (Худ сураси, 23-оят).

Аллоҳ таоло кимни хоҳласа ўз фазли билан ҳидоят қиласи ва кимни хоҳласа ўз адли билан адаштиради. Яъни Аллоҳ таоло кимни хоҳласа ўз фазли билан ҳидоят қилиб уни иймонга ва тоатга йўллаб қўяди. Шунингдек хоҳлаган бандасини адаштиради. Хоҳлаган бандасини адаштириши ҳам Аллоҳ таолонингadolatidir. Сўнгра адаштирган бандасини тўғри йўлга йўлласа бу Аллоҳ таолонинг тавфиқи ва эҳсони хисобланади. Аллоҳ таолонинг адаштириши деганда қуидаги маъноларини тушинишимиз лозим:

**Унинг адаштириши, ёрдамсиз қолдиришидир.** Ёрдамсиз қолдиришининг маъноси бандани ундан Ўзи рози бўладиган нарсага муваффақ қилмаслигидир. Яъни Аллоҳ таолонинг бандани адаштириши деганда уни ёрдамсиз қолдириб қўйиши тушинилади. Ёрдамсиз қолдириши эса Аллоҳ таолонинг бандадан рози бўлишига сабаб бўладиган иймон ва эҳсонга муваффақ қилмаслигидир.

У (яъни ёрдамсиз қолдириши) **Аллоҳнингadolatidir.** Шунингдек ёрдамсиз қолдирилганинг гуноҳларига жазо бериши ҳам (Унингadolatidir). Бандани ёрдамсиз қолдириб, уни Ўзи рози бўладиган нарсаларга муваффақ қилмаслиги Аллоҳ таолонинг мутлоқadolatidir. Шунингдек ёрдамсиз қолиб, беиймон бўлган кимсаларни жазолаши ҳам Унинг мутлоқadolati хисобланади. Чунки Аллоҳ таоло учун бирор ишни қилиш вожиб бўлиб қолмайди. Балки ҳар бир ишни ўзи истаганича амалга оширади.

فَمَنْ يُرِدُ اللَّهُ أَنْ يَهْدِيَهُ يَشْرَحُ صَدْرَهُ لِلإِسْلَامِ وَمَنْ يُرِدُ أَنْ يُضْلِلَهُ يَجْعَلُ صَدْرَهُ ضَيْقًا حَرَجًا كَائِنًا يَصَدَّعُ فِي السَّمَاءِ  
كَذَلِكَ يَجْعَلُ اللَّهُ الرَّجْسَ عَلَى الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ

“Аллоҳ кимни ҳидоят қилишни истаса унинг кўнглини Ислом учун кенг қилиб қўяр. Кимни адаштиришни истаса, унинг кўнглини худди осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва танг қилиб қўяр. Шунингдек, Аллоҳ ўз азобини иймонсиз кимсаларга (жазо) қилур”. (Анъом сураси, 125-оят).

Яъни Аллоҳ таоло ўзи хоҳлаган бандасининг қалбини кенг қилиб тавҳид билан нурлантириб қўяди. Бунинг аломати ўша банданинг охират учун ҳаракат қилиши, ўлимидан олдин унга таёргарлик кўришидир.

### 30-дарс

**Мавзу:** “Шайтоннинг мўминдан иймонни мажбурлаб тортиб ололмаслиги”.

وَ لَا يَجُوزُ أَنْ تَقُولَ : إِنَّ الشَّيْطَانَ يَسْلُبُ الْإِيمَانَ مِنَ الْعَبْدِ الْمُؤْمِنِ قَهْرًا وَ جَبْرًا ، وَ لَكِنْ تَقُولُ الْعَبْدُ يَدْعُ الْإِيمَانَ فَحِينَئِذٍ يَسْلُبُهُ مِنْهُ الشَّيْطَانُ

**Шайтон мўмин бандадан иймонни куч билан мажбурлаб тортиб олади демоқлигимиз жоиз эмас, лекин айтамизки банда иймонни тарқ қиласди ўша заҳотиёқ Шайтон ундан иймонни тортиб олади.**



**Шайтон мўмин бандадан иймонни куч билан мажбурлаб тортиб олади демоқлигимиз жоиз эмас.** Шайтонда мўмин банданинг охиратда азобланиши учун унинг иймонини олиш ғарази бўлади. Лекин бу ғарази йўлида асло мўмин бандани мажбуrlаш имконига эга эмас, бироқ ифво қилиб алдаши мумкин.

Шайтоннинг бандалар устидан ҳеч қандай ҳукмронлиги йўқлигини Аллоҳ таоло шундай хабар берган;

إِنَّ عَبَادِي لَيْسَ لَكَ عَلَيْهِمْ سُلْطَانٌ إِلَّا مَنْ اتَّبَعَكَ مِنَ الْغَاوِينَ

“Аниқки, Менинг бандаларим устида сен учун ҳеч қандай салтанат – ҳукмронлик йўқдир, магар сенга эргашган, адашган кимсаларнигина (бу Тўғри Йўлдан оздира олурсан)”. (Хижр сураси, 42-оят).

**Лекин айтамизки, банда иймонни тарқ қиласди, ўша заҳотиёқ шайтон ундан иймонни тортиб олади.** Шайтон бандани иймонини тарқ этишга мажбуrlай олмайди, бироқ уни ифво қиласди. Унинг ифвоси мажбуrlashi эмас. Агар банда иймонни тарқ этса ўз ихтиёри билан тарқ этган бўлади. Бунда

Шайтоннинг иғвоси сабабли тарқ этадими ё нафси ҳавосига эргашиб тарқ этадими барибир, иймонни тарқ қилган заҳотиёқ, Шайтон уни тортиб олади.

Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар берган;

وَقَالَ الشَّيْطَانُ لِمَا فُضِّيَ الْأَمْرُ إِنَّ اللَّهَ وَعَدَكُمْ وَعْدَ الْحَقِّ وَوَعَدْتُكُمْ فَأَخْلَقْتُكُمْ وَمَا كَانَ لِيَ عَلَيْكُمْ مِّنْ سُلْطَانٍ إِلَّا أَنْ دَعَوْتُكُمْ فَاسْتَجَبْتُمْ لِي

**“Қачонки, иш тугагач** (яъни жаннат ахли жаннатга сазовор бўлиб, дўзахийлар дўзахга хукм қилингач,) **шайтон** деди: “**Албатта Аллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган** эди. **Мен эса** (ёлғон) **ваъдалар бериб**, сизларни алдаган эдим. (Лекин) **мен учун сизларнинг устингизда** **хеч қандай ҳукмронлик йўқ** эди, **илло мен сизларни** (куфр йўлига) **чақиришим биланоқ** **ўзингиз менга итоат этдингиз**”. (Иброҳим сураси, 22-оят).

### 31-дарс

**Мавзу:** “Қабрдаги ҳолатлар”.

وَسُؤَالٌ مُّنْكَرٌ وَ نَكِيرٌ حَقٌّ كَائِنٌ فِي الْقَبْرِ وَ إِعَادَةُ الرُّوحِ إِلَى جَسَدِ الْعَبْدِ فِي قَبْرِهِ حَقٌّ، وَ ضَعْطَةُ الْقَبْرِ وَ عَذَابُهُ حَقٌّ كَائِنٌ لِّلْكُفَّارِ كُلُّهُمْ وَ لِبَعْضِ عُصَمَاءِ الْمُسْلِمِينَ

**Мункар** ва Накирнинг қабрда савол бермоғи ҳақ ва бўлгувчиидир. Қабрда банданинг жасадига рухнинг қайтарилиши ҳақдир. Қабрнинг сиқиши ҳамда унинг азоби кофирларнинг барчасига ва баъзи осий мусулмонларга ҳақ ва бўлгувчиидир.



**Мункар** ва Накирнинг қабрда савол бермоғи ҳақ ва бўлгувчиидир. Инсон вафот этиб қабрга қўйилгач ёки қабрдан бошқа жойда бўлса ҳам, Мункар ва Накир исмли икки фаришта келиб, “Роббинг ким, дининг нима, пайғамбаринг ким?” дея савол беришлари ҳақдир. Бу ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар ривоят қилинган;

عَنْ عُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا فَرَغَ مِنْ دُفْنِ الْمَيِّتِ وَقَفَ عَلَيْهِ فَقَالَ: إِسْتَغْفِرُوا لِأَخِيكُمْ وَسُلُوا لَهُ بِالثَّثْبَتِ فَإِنَّهُ الآنَ يُسْأَلُ (رواه ابو داود والبزار)

“Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қачон маййит дафнидан фориз бўлсалар, унинг устида туриб: “Биродарингизга мағфират тиланглар ва у учун событикни сўранглар. Албатта, у ҳозир сўралади” - дердилар”. (Абу Довуд ва Баззор ривояти).

Истисно тариқасида, қабрда сўроқ-савол қилинмайдиганлар ҳам бўлиб, улар – пайғамбарлар, ёш болалар ва шаҳидлардир.

“Қабр азоби ва роҳати (агар роҳатга муносиб бўлса) ҳамда иккала фариштанинг сўроғи тўғрисида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган хабарлар мутавотир даражасига етган. Унинг событилигига эътиқод қилмоқлик ва унга иймон келтирмоқлик вожибdir. Уни инкор қилувчи коғир бўлади”.<sup>53</sup>

**Қабрда банданинг жасадига руҳнинг қайтарилиши ҳақдир.** Банда қабрига қўйилгач, унинг ҳамма аъзоларига ёки баъзи аъзоларига руҳининг қайтиши ва банда Мункар ва Накирнинг саволларига Мўмин ёки коғирлигидан келиб чиқиб жавоб бериши ҳақдир. Бу ҳақида пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай хабар берганлар;

وَعَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِنَّ الْعَبْدَ إِذَا وُضِعَ فِي قَبْرٍ ، وَتَوَكَّلَ عَلَيْهِ أَصْحَابُهُ وَإِنَّهُ لَيَسْمَعُ قَرْعَ نِعَالِهِمْ أَتَاهُ مَلَكَانْ فَيُقْعِدَانِهِ ، فَيَقُولُانِ: مَا كُنْتَ تَقُولُ فِي هَذَا الرَّجُلِ؟ لِمُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: فَإِنَّمَا الْمُؤْمِنُ فَيَقُولُ: أَشْهَدُ أَنَّهُ عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ. فَيَقُولُ لَهُ انْظُرْ إِلَى مَقْعِدِكَ مِنَ النَّارِ ، قَدْ أَبْدَلَكَ اللَّهُ بِهِ مَقْعِدًا مِنَ الْجَنَّةِ ، فَيُرَاهُمَا جَمِيعًا. وَأَمَّا الْمُنَافِقُ وَالْكَافِرُ فَيَقُولُ لَهُ: مَا كُنْتَ تَقُولُ فِي هَذَا الرَّجُلِ؟ فَيَقُولُ: لَا أَدْرِى! كُنْتُ أَقُولُ مَا يَقُولُ النَّاسُ! فَيُقَالُ: لَا دَرِيَتْ وَلَا تَلَيْتْ ، وَيَضْرِبُ بِمَطَارِقِ مِنْ حَدِيدٍ ضَرْبَةً ، فَيَصِيحُ صَيْحَةً يَسْمَعُهَا مِنْ يَلِيهِ غَيْرَ الْمُقْلِنِينْ". (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ)

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Банда қабрига қўйилиб кишилар қайтишаётганда албатта у кишиларнинг кавушилари овозини эшишиб туради. Шу пайт иккита фаришта келиб, уни ўтиргизишади ва: “Бу киши ҳақида нима дейсан (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида)”, дейшишади. Агар мўмин бўлса: “Гувоҳлик бераман, албатта у Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир”, дейди. Унга: “Дўзахдаги ўрнингга қара. Аллоҳ сени ундан жаннатдаги ўринга алмаштириди”, дейшишади ва

<sup>53</sup> Талхису шархил ақийдатит Таҳовия, 161-бет

барчасини кўрсатишади. Агар мунофиқ ва кофир бўлса, унга: “Бу киши ҳақида нима дейсан?”, дейшишади. У: “Билмайман. Инсонлар нима десалар мен ҳам шуни айтардим”, дейди. Унга: “Билмадинг ва эргашмадинг”, дейшишиб, темир гурзи билан шундоқ уришадики, у қаттиқ чинқириб юборади. Унинг чинқиригини инс ва жиндан бошқа атрофдагиларнинг барчаси эшиштади”. (муттафақун алайҳ).

**Қабрнинг сиқиши ҳамда унинг азоби кофирларнинг барчасига ва баъзи осий мусулмонларга ҳақ ва бўлгувчиидир.** Майит қабрга қўйилгач, у хоҳ мўмин бўлсин, хоҳ кофир бўлсин ер уни бир сиқиб ушлайди. Агар комил мусулмон бўлса, Аллоҳ таоло унинг маконини кўзи етадиган жойгача кенг қилиб беради. Агар кофир бўлса ер уни баттар сиқиб ушлайди ва у банда қиёматгача азобда бўлади. Ривоят қилинишича: “Мўмин кишига нисбатан ернинг сиқиши, худди меҳрибон онанинг узоқ сафардан қайтган фарзандини маҳкам бағрига босишига ўхшиайди.”<sup>54</sup> Аллоҳ таоло ўз фазлу марҳамати билан барчаларимизга ернинг ана шундай “меҳрибон она” бўлмоқлигини таъйин қилган бўлсин.

عَنْ أَبْنَى عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا مَاتَ عُرِضَ عَلَيْهِ مَقْعُدَهُ بِالْعَدَاءِ  
وَالْعَشِيِّ إِنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ فَمِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ وَإِنْ كَانَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ، فَيُقَالُ هَذَا مَقْعُدُكَ حَتَّى  
يَبْعَثَكَ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ  
(رواه البخاري و مسلم و الترمذى و الشاسئى)

“Ибни Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Қачон сизлардан бирингиз ўлса, унга эрталаб ва кечқурун ўрни кўрсатиб турилади. Агар жаннат аҳлидан бўлса жаннат аҳлидан ва агар дўзах аҳлидан бўлса, дўзах аҳлидан (ўрни кўрсатилади). Унга: “Мана бу то қиёмат куни Аллоҳ сени қайта тирилтиргунча, сенинг ўрнингдир” - дейиласиди”. (Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоийлар ривояти).

## 32-дарс

**Мавзу:** “Аллоҳ таолонинг исмлари азиз, сифатлари олийдор”

<sup>54</sup> Шарху китаб ал-Фикхул акбар, 172-бет.

وَكُلُّ شَيْءٍ ذُكِرَهُ الْعُلَمَاءُ بِالْفَارُسِيَّةِ مِنْ صَفَاتِ اللَّهِ تَعَالَى عَزَّ اسْمُهُ فَجَائِزُ الْفَوْلُ بِهِ سَوَى الْيَدِ بِالْفَارُسِيَّةِ، وَيَجُوزُ أَنْ يُقَالَ: بَرُوَيْ خُدَّا يَ عَزَّ وَجَلَّ بِلَا تَشْبِيهٍ وَلَا كَيْفَيَّةٍ

**Уламолар исми азиз Аллоҳ таолонинг сифатларидан нимани форсийда зикр қилган бўлсалар, бас (ушбу) сифатларнинг қўлдан бошқасини форсийда айтмоқлик жоиздир. Ўхшатиhsиз ва кайфиятсиз “Барўйи худои азза ва жалла” демоқлик жоиз бўлади.**



**Уламолар исми азиз Аллоҳ таолонинг сифатларидан нимани форсийда зикр қилган бўлсалар, Яъни Аллоҳ таолонинг сифатларидан қайси бирини уламолар арабий ибора билан эмас, форсий тил ибораси билан зикр қилган бўлсалар, уларга эргашиб ўша иборалар билан сўзламоқ жоиздир.**

**Бас (ушбу) сифатларнинг қўлдан бошқасини форсийда айтиш жоиздир.** Фақат қўлни Аллоҳ таолога нисбатан форсийда айтилмайди. Қўл форсийда “даст” дейилади. Шу маънода “дасти худо” деб айтилмайди. Чунки салаф Уламоларимиз қўл лафзини таъвил қилиб бўлмаслигига иттифоқ қилганлар. Ашъарий ҳам ушбу фикрга қўшилган. Бошқа сифатларда эса таъвил қилиш ва таъвил қилмаслик тўғрисида ихтилофлар бор.

**Ўхшатиhsиз ва кайфиятсиз “Барўйи худои азза ва жалла” демоқлик жоиз бўлади.** “Аллоҳ таолонинг юзи билан” демоқчи бўлиб, уни ўхшатиhsиз ва кайфиятсиз “Барўйи Худои азза ва жалла” демоқлик жоиздир. Чунки бунда қўл лафзи каби таъвил қилиб бўлмаслигига иттифоқ қилинмаган.

### 33-дарс

**Мавзу: “Аллоҳ таолонинг узоқ ва яқинлиги масофа жиҳатидан эмаслиги”**

وَلَيْسَ قَرْبُ اللَّهِ وَلَا بُعْدُهُ مِنْ طَرِيقٍ طُولَ الْمَسَافَةِ وَقَصْرُهَا، وَلَا عَلَى مَعْنَى الْكَرَامَةِ وَالْهَوَانِ وَلَكِنَّ الْمُطْبِعَ قَرِيبٌ مِنْهُ بِلَا كَيْفٍ، وَالْعَاصِيَ بَعِيدٌ عَنْهُ بِلَا كَيْفٍ ، وَالْقَرْبُ وَالْبُعْدُ وَالإِقْبَالُ يَقْعُدُ عَلَى الْمَتَاجِي. وَكَذَلِكَ جَوَارُهُ فِي الْجَنَّةِ وَالْوُقُوفُ بَيْنَ يَدَيْهِ بِلَا كَيْفَيَّةٍ

**Аллоҳнинг яқинлиги ва узоқлиги масофанинг узун ва қисқалиигига кўра ҳам эмас ва каромату хорлик маъносида ҳам эмасдир. Лекин итоаткор банда унга кайфиятсиз яқиндир ва осий бандадан кайфиятсиз узоқдир. Яқинлик, узоқлик ва юзланишлик муножат қилувчи устига воқе бўлади. Шунингдек, жаннатда Унга қўшни бўлиш ва Унинг ҳузурида туришлар ҳам кайфиятсиздир.**



**Аллоҳнинг яқинлиги ва узоқлиги масофанинг узун ва қисқалига кўра ҳам эмас ва каромату хорлик маъносида ҳам эмасдир. Яъни Аллоҳ таолонинг итоаткор бандага яқинлиги ва осий бандадан узоқлиги масофа жиҳатидан узоқ ва яқин эмас. Балки бу ердаги узоқ ва яқинлик маънавий жиҳатдандир.**

إِنَّ رَحْمَتَ اللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ الْمُحْسِنِينَ

**“Зеро, Аллоҳнинг раҳмати, чиройли амал қилгувчиларга яқиндир”.**  
(Аъроф сураси, 56-оят).

Аллоҳ таолонинг раҳмати чиройли амал қилгувчиларга маънавий жиҳатдан яқин бўлганидек, ёмон амал қилувчилардан худди шундай узоқдир. Шунингдек, бу яқинликни иззат-икром, узоқликни хорлик ҳам дейилмайди.

**Лекин итоаткор бандадан унга кайфиятсиз яқиндир ва осий бандадан кайфиятсиз узоқдир.** Итоаткор банданинг яқинлиги масофа жиҳатидан ҳам эмас, иззат-икром маъносида ҳам эмас, балки мутлақ ўхшашсиз яқиндир. Шунингдек осий банданинг узоқлиги ҳам масофа жиҳатидан ҳам эмас, хорлик маъносида ҳам эмас, балки мутлақ ўхшашсиз узоқдир.

**Яқинлик, узоқлик ва юзланишлик муножат қилувчи устига воқе бўлади.** Юқорида айтиб ўтилгандек, Аллоҳга зорланиб илтижо қилувчига мазкур нарсалар кайфиятсиз равишда воқе бўлади. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган;

وَاسْجُدْ وَاقْرَبْ

“(Ёлғиз) Аллохга сажда – ибодат қилиб, (У Зотга) яқин бўлинг”. (Алақ сураси, 19-оят). Яъни Аллоҳ таолога сажда қилинг ва унинг розилигига яқин бўлинг!

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам;

أَفَرَبُ مَا يَكُونُ الْعَبْدُ إِلَيْهِ وَ هُوَ سَاجِدٌ (رواء مسلم)

**“Банда сажда қилган ҳолида Аллоҳга яқинроқ бўлади”, деганлар.** Яъни кайфиятсиз равишда.

**Шунингдек, жаннатда Унга қўшни бўлиш ва Унинг ҳузурида туриш ҳам кайфиятсизdir.** Жаннатда Аллоҳ таолога қўшни бўлиши банданинг Унга кайфиятсиз яқин бўлиши маъносидадир. Шунингдек, қиёматда Аллоҳ таолонинг ҳузурида туришлар ҳам мутлоқ ўхшалий йўқ ҳолатлардир.

وَلَمَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ جَنَانٌ

**“Парвардигори (хузурида) туришидан, (яъни дунёда қилиб ўтган барча амалларига Аллоҳ таолонинг ҳузурида туриб жавоб беришидан) қўрққан киши учун икки жаннат бордир”.** (Роҳман сураси, 46-оят).

### 34-дарс

**Мавзу:** “Қуръон оятларидағи фазилатлар”.

وَالْقُرْآنُ مُنْزَلٌ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ وَ هُوَ فِي الْمَصَاحِفِ مَكْتُوبٌ وَ آيَاتُ الْقُرْآنِ فِي مَعْنَى الْكَلَامِ كُلُّهَا مُسْتَوْيَةٌ فِي  
الْفَضْيَلَةِ وَ الْعَظَمَةِ، إِلَّا أَنَّ لِبَعْضِهَا فَضْيَلَةً الدُّكْرِ، وَ فَضْيَلَةً الْمَذْكُورِ مِثْلُ آيَةِ الْكُرْسِيِّ لِأَنَّ الْمَذْكُورَ فِيهَا جَلَلُ اللَّهِ  
تَعَالَى  
وَ عَظَمَتُهُ وَ صِفَاتُهُ فَاجْتَمَعَتْ فِيهَا فَضْيَلَاتُهُ فَضْيَلَةُ الدُّكْرِ وَ فَضْيَلَةُ الْمَذْكُورِ وَ لِبَعْضِهَا فَضْيَلَةُ الدُّكْرِ فَحَسْبُ مِثْلُ  
قِصَّةِ الْكُفَّارِ، وَ لِئِنْ لِمَذْكُورَ فِيهَا فَضْلٌ وَ هُمُ الْكُفَّارُ، وَ كَذَلِكَ الْأَسْمَاءُ وَ الصَّفَاتُ كُلُّهَا مُسْتَوْيَةٌ فِي الْعَظَمَةِ  
وَ الْفَضْلُ لَا تَقَوْتُ بَيْنُهُمَا

Қуръон Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилингандир ва у мусҳафларда ёзилгандир. Қуръон оятлари калом маъносида, фазилат ва улуғликда барчаси баробардир. Фақатгина, баъзиларида ҳам зикрнинг, ҳам зикр қилинганинг фазилати бор. Масалан, “Оятал-Қурсий”га ўхшаш. Чунки бунда зикр қилинган нарса Аллоҳ таолонинг олийлиги, улуғлиги ва

сифатлариdir. Албатта, унда иккита фазилат – зикр фазилати ва мазкур фазилати жамлангандир. Баъзи оятларда эса, фақатгина зикр фазилати бор. Масалан, кофирларнинг қиссаларига ўхшаш. Бунда зикр қилинган нарсаларда фазилат йўқ, чунки улар кофирдирлар. Шунингдек, исм ва сифатларининг барчаси улуғлик ва фазилатда баробардир. Улар орасида тафовут йўқдир.



**Қуръон, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилингандир.** Аллоҳ таоло ўзининг каломини 23 йил мобайнида пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга фаришта Жаброил алайҳиссалом орқали нозил қилган.

**Ва у мусҳафларда ёзилгандир.** Қуръони карим саҳифаларда ёзиб қўйилгандир. Бу сўзда саҳифаларга битилган сўзларни “Аллоҳнинг каломи” дейилишилигига ишора бор.

**Қуръон оятлари калом маъносида, фазилат ва улуғликда барчаси баробардир.** Қуръони каримдаги барча оятлар, Аллоҳ таолонинг раҳмати ва солиҳ бандаларининг мадҳи тўғрисида келган оятлар ҳам, шунингдек, унинг ғазаби ва кофиру мунофиқларнинг азоб уқубатлари тўғрисида келган оятлар ҳам барчаси Аллоҳ таолонинг каломи эканлиги жиҳатидан фазилату улугликда баробардирлар.

**Фақатгина баъзиларида ҳам зикрнинг, ҳам зикр қилинганинг фазилати бор.** Масалан, “Оятал-Курсий”га ўхшаш. Яъни баъзи ояти карималарда Аллоҳнинг каломи эканлиги жиҳатидан бўлган фазилатдан ташқари унда улуғ нарсалар зикр қилинганилиги туфайли мазкур нарсанинг ҳам алоҳида фазилати бўлади. Масалан, “Оятал-Курсий”га ўхшаш.

**Чунки бунда зикр қилинган нарса Аллоҳ таолонинг олийлиги, улуғлиги ва сифатлариdir. Албатта, унда иккита фазилат – зикр фазилати ва мазкур фазилати жамлангандир.**

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سَنَةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفُهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَئٍ مِنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسَعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

“Аллоҳ – ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У Тирик ва Абадий Тургувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Самовот ва Ердаги бор нарсалар Уницидир. Унинг хузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз қўллай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидағи ва ортларидағи бор нарсани билади. Ва улар У Зотнинг илмидан фақат Унинг Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг Курсиси осмонлар ва Ердан кенгдир. Ва Уни осмонлар ва Ерни ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг Юксак ва Буюқдир ”. (Бақара сураси, 255-оят).

Ушбу зикр қилинган нарсалар Аллоҳ таолонинг олийлиги, улуғлиги ва фақат ўзининг зотига хос бўлган сифатларида. Шундай бўлганидан кейин, унда иккита фазилат, Аллоҳ таолонинг каломи эканлиги эътиборидан зикр фазилати, унда зикр қилинган нарсалар Аллоҳ таолонинг исму сифатлари бўлганлиги жиҳатдан, мазкур фазилати ҳам жамлангандир.

Баъзи оятларда эса, фақатгина зикр фазилати бор. Масалан, кофирларнинг қиссаларига ўхшаш. Бунда зикр қилинган нарсаларда фазилат йўқ, чунки улар кофирдирлар. Яъни баъзи ояти карималарда Аллоҳ таолонинг каломи бўлганлиги жиҳатдан, фақат зикр фазилати бор. Масалан:

تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ

“Абу лаҳабнинг қўллари қуригай – ҳалок бўлгай! (аниқки) у қуриди – ҳалок бўлди!”. (Масад сураси, 1-оят).

Ушбу ояти каримага ўхшаш кофирларнинг қиссалари баён қилинган ояти карималарда зикр қилинган нарсаларнинг фазилати йўқ, бироқ Аллоҳ таолонинг каломи эканлиги жиҳатидан зикр фазилати бордир. Шу туфайли уни тиловат қилган киши савоб олаверади.

Шунингдек, исм ва сифатларининг барчаси улуғлик ва фазилатда баробардир. Улар орасида тафовут йўқдир. Аллоҳ таолонинг الصَّمَدُ، الْاَحَدُ, اللَّهُ الْمُلَكُ لَهُ الْحَمْدُ, لَهُ الْمُلْكُ каби исмлари ҳам Унинг зотига тааллуқли

бўлганлиги учун улуғлигу фазилатда баробардир. Аммо бу сўз билан Аллоҳ таолонинг ҳадисларда баён қилинган баъзи исм-сифатлари, баъзиларидан улуғ эканлиги инкор қилинмайди. Масалан: “Исми Аъзам”га ўхшаш. Ином Газзолий: “Билгилки 99 исмнинг энг улуғи “Аллоҳ” исмидир. Чунки бу исм илоҳий сифатларни жамловчи зотга далолат қилади. Бу исм Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга ҳақиқатан ҳам, мажозан ҳам қўлланилмайди. Бошқа исмлари эса гоҳида ўзгаларга ҳам қўлланилади. Масалан, Қодир, Олим, Раҳим каби”<sup>55</sup> (албатта Аллоҳнинг исмлари ўзига хос бандалариники эса бандаларга хосдир), деганлар. Валллоҳу аълам.

### 35-дарс

**Мавзу:** “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фарзандлари”.

وَ قَاسِمٌ وَ طَاهِرٌ وَ إِبْرَاهِيمُ كَانُوا بَنِي رَسُولِ اللهِ وَ فَاطِمَةَ وَ رُقِيَّةَ وَ زَيْنَبُ وَ أُمُّ الْكُلُسُومُ كُنَّ جَمِيعاً بَنَاتِ رَسُولِ اللهِ وَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُنَّ

**Қосим, Тоҳир, Иброҳим** – Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўғиллариридир. **Фотима, Руқайя, Зайнаб, Умму Кулсум** – барчалари, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлариридир Аллоҳ улардан рози бўлсин.



**Қосим.** Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам 25 ёшларида 40 ёшли Хадийжа бинти Ҳувайлидга уйланганлар. Пайғамбарликларидан олдин 15 йил, Пайғамбарликларидан кейин 10 йил яъни 25 йил шу аёл билан турмуш кечирганлар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хадийжа онамиз вафот этгунларича бошқа аёлга уйланмаганлар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Иброҳимдан бошқа барча фарзандлари, яъни Қосим, Тоҳир, Фотима, Руқайя, Зайнаб, Умму Кулсумлар шу онамиздан туғилганлар. Хадийжа онамиз нубувватнинг 10-йилида, Рамазон ойида 65 ёшларида вафот этганлар. Бу пайтда

<sup>55</sup> Абдулкарим Таттон шархул фикҳил акбар, 45-бет.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам 50 ёшда бўлганлар. Қосим Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тўнғич фарзанди бўлиб, у нубувватдан олдин туғилган. Шу сабабли, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кунялари “Абулқосим” бўлган. Қосим 17 ойлигига вафот этган.

**Тоҳир.** Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг иккинчи туғилган фарзандлари Тоҳир бўлиб, у нубувватдан кейин, яъни, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам 40 ёшга тўлганларидан сўнг туғилган. Баъзи ривоятларда уни Абдуллоҳ ва Тойийб, деб аташгани ҳам келтирилган. Тоҳир ҳам бир неча ойлигига даёв вафот этган.

**Иброҳим.** Иброҳим Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Хадийжа онамиздан бошқа аёлларидан туғилган ягона фарзандлари бўлиб, у Миср подшоҳи Муқовқис ҳадя қилган “Мория” исмли қибтий канизакдан туғилган. Иброҳим ҳам гўдаклигига даёв 70 кун ё ундан сал кўпроқ яшаб, ҳижратнинг 10-йилида вафот этган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанозасини ўқиб “Бақиъ” қабристонига дағн вафот этганлар.

**Фотима -** Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг кичик қизлари. Фотима розияллоҳу анҳо нубувватнинг 1-йилида, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам 41 ёшда эканларида дунёга келганлар. Ёшлари кичик бўлса ҳам, марта ба жиҳатдан улуғ бўлганлари учун, дастлаб, Фотима розияллоҳу анҳо номлари келтирилди. Ҳижратнинг 2-йилида Али (розияллоҳу анҳу)га никоҳланганлар. 6 та фарзанд кўрганлар. Ҳасан, Ҳусан, Муҳсин (ёшлигига вафот этган), Зайнаб, Умму Кулсум, Руқайя. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг насллари ушбу Фотима онамиз фарзандларидан, аниқроғи, Ҳасан ва Ҳусанлардан тарқалган. Фотима онамиз ҳижратнинг 10-йилида, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан 6 ой ўтгач 22 ёшларида вафот этганлар.

**Руқайя ва Умму Кулсум -** Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам 33 ёшларида, яъни ҳали пайғамбар этиб юборилмасларидан олдин, қизлари Руқайя таваллуд топган. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Руқайяни, амакилари Абу Лаҳабнинг ўғли Утбага ва ундан кейинги қизлари Умму Кулсумни Утбанинг

укаси Утайбага никоҳлаб берганлар. “Таббат” сураси нозил бўлгач, Абу Лаҳаб икки ўғлига: “Агар Муҳаммаднинг икки қизидан ажрашмасанглар, менинг бошим сизларнинг бошларингизга ҳаром бўлсин”, деди. Ўғиллари оталарининг сўзига кўра ҳали қўшилмасданоқ ажрашдилар. Шундан сўнгра, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Руқайяни Ҳазрати Усмонга никоҳлаб бердилар. Руқайя 624-йил Бадр жанги кунида вафот этади. Шу сабабли, ҳазрати Усмон Бадр жангида қатнаша олмаганлар. Шундан кейин Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам иккинчи қизлари Умму Кулсумни ҳазрати Усмонга никоҳлаб бердилар. Ҳазрати Усмон Умму Кулсум билан 6 йил яшаганлар. Бироқ ўртада фарзанд бўлмаган. Умму Кулсум ҳижратнинг 9-йилида вафот этиб, “Бақиъ” қабристонига қўйилган.

**Зайнаб.** Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Қосимдан кейин туғилган, яъни тўнғич қизлари ҳисобланадиган Зайнаб розияллоҳу анҳо нубувватдан 10 йил олдин, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам 30 ёшда эканларида дунёга келган. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу қизларини холаларининг ўғли Абул Ос Луқайдга никоҳлаб берганлар. Зайнаб розияллоҳу анҳонинг Али ва Умома исмли бир ўғил ва бир қизи бўлган. Али вояга етмасдан вафот этган, Умомани эса, Фотима онамиз вафотларидан сўнг ҳазрати Али розияллоҳу анҳу Фотима онамиз васиятларига мувофиқ никоҳларига олганлар. Зайнаб розияллоҳу анҳо ҳижратнинг 8-йилида вафот этган. Аллоҳ таоло уларнинг барчаларидан рози бўлсин.

### 36-дарс

**Мавзу:** “Мустаҳкам эътиқоднинг муҳимлиги ”.

وَ إِذَا أَشْكَلَ عَلَى الْإِنْسَانَ شَيْءٌ مِّنْ دَقَائِقِ عِلْمِ التَّوْحِيدِ فَإِنَّهُ يَبْغِي لَهُ أَنْ يَعْتَقِدَ فِي الْحَالِ مَا هُوَ الصَّوَابُ عِنْدَ اللَّهِ تَعَالَى إِلَى أَنْ يَجِدَ عَالِمًا فِي سَالَةٍ وَ لَا يَسْعُهُ تَأْخِيرُ الْطَّلْبِ وَ لَا يُعْذِرُ بِالْوَقْفِ فِيهِ، وَ يَكْفُرُ إِنْ وَقَفَ

**Агар инсонга тавҳид илмининг дақиқ жойларидан бир нарса мушкул келиб қолса, бундай ҳолда унинг учун Аллоҳ ҳузурида тўғри деб билган нарсасига эътиқод қилиши лозим бўлади (“яъни, Аллоҳ ҳузурида нима тўғри бўлса, шу эътиқоддаман”, деб), токи олимни топиб сўрагунича. Унга (бундай**

ҳолатга тушган кишига) излашни кечиктириш мумкин эмас. Ўша масалада тўхтаб қолиши узрли бўлмайди. Агар тўхтаб қолса, кофир бўлади.



**Агар инсонга тавҳид илмининг дақиқ жойларидан бир нарса мушкул келиб қолса.** Мўминлардан бирига тавҳид илмининг нозик жойларидан бири ноаниқ бўлиб, тўғрисини билолмай иккиланиб қолса.

**Бундай ҳолда унинг учун Аллоҳ ҳузурида тўғри деб билган нарсага эътиқод қилиши лозим бўлади** (“яъни, Аллоҳ ҳузурида нима тўғри бўлса, шу эътиқоддаман”, деб), **токи олимни топиб сўрагунича.** Мўмин киши бундай ҳолга тушиб қолса, “Аллоҳ таолога иймон келтирдим ва унинг ҳузурида ҳақ бўлган нарсага эътиқод қилдим” дейиши лозим бўлади. Шунда унинг учун умумий иймон собит бўлади. Аммо шундай деб юравериши дуруст бўлмайди. Балки унга тезлик билан олимлардан бирининг ёнига излаб бориши ва ўзига ноаниқ бўлиб турган масалани аниқлаштириб олиши лозим бўлади. Чунки...

**Унга** (бундай ҳолатга тушган кишига) излашни кечиктириш мумкин эмас. **Ўша масалада тўхтаб қолиши узрли бўлмайди. Агар тўхтаб қолса, кофир бўлади.** Яъни агар ўша у тараддувланиб турган масала дин заруриятларидан бўлса, унинг анигини билиб олишни кечиктириб, тараддувланиб юравериши мумкин эмас. Бирор олимдан шу масаланинг ечимини билиб олиши лозим. Агар мазкур ақийдавий масаланинг жавобини изламасдан, иккиланган ҳолида тараддувланиб юраверса, бундай ҳолат унинг учун узр ҳисобланмайди. Масаланинг ечимини излашдан тўхтаб, иккиланган ҳолида туриб қолиши, шакни пайдо қиласи. Эътиқод қилиш фарз бўлган нарсада шак бўлиши эса, куфрdir.

### 37-дарс

**Мавзу:** “Қиёмат аломатлари”.

وَخَيْرُ الْمَعْرَاجِ حَقٌّ وَمَنْ رَدَهُ فَهُوَ مُبْتَدِعٌ ضَالٌّ، وَخُرُوجُ الدَّجَالِ وَيَاجُوجَ وَمَاجُوجَ، وَظُلُوعُ الشَّمْسِ مِنْ مَغْرِبِهَا، وَنَزُولُ عِيسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ مِنَ السَّمَاءِ، وَسَائِرُ عَلَامَاتِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ عَلَى مَا وَرَدَتْ بِهِ الْأَخْبَارُ الصَّحِيحَةُ  
حَقٌّ كَانَ، وَاللَّهُ تَعَالَى يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطِ مُسْتَقِيمٍ

**Меъроj хабари хақдир.** Ким уни инкор қилса, у бидъатчи – адашувчидир. Дажжолнинг ҳамда Яъжуж ва Маъжужнинг чиқиши ва қуёшнинг ботадиган жойидан чиқиши, Исо алайҳиссаломнинг осмондан тушиши ва булардан бошқа саҳиҳ хабарларда келган қиёмат аломатлари ҳақ ва бўлгувчидир. Аллоҳ таоло кимни хоҳласа, тўғри йўлга бошлайди.



**Меъроj хабари хақдир.** Ким уни инкор қилса, у бидъатчи – адашувчидир. Меъроj луғатда “қўтарилиш” маъносини англатади. Шаръий истелоҳда эса, “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Қуддусдаги Ақсо масжиидидан осмонга қўтарилишлари “Меъроj” дейилади.

Исро - луғатда “тунги сайр” маъносини билдиради. Шаръий истелоҳда эса; “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Макка шахридан Қуддус шахрига қилган тунги сайрлари “Исро” дейилади.”

Исро Қуръон ояти билан событ бўлгани учун, уни инкор қилган киши кофир бўлади. Исро ҳақида Аллоҳ таоло шундай хабар берган;

سُبْحَانَ الَّذِي أَسْرَى بَعْدَهُ لَيْلًا مِنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَى الَّذِي بَارَكَنَا حَوْلَهُ لِتُرِيهِ مِنْ آيَاتِنَا إِنَّهُ هُوَ  
السَّمِيعُ الْبَصِيرُ

“(Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад алайҳиссалом)ни унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун, (Маккадаги) Масjid ал-Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масjid ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) Пок Зотдир. Дарҳақиқат, У Эшитгувчи, Кўрувчи Зотдир. (Исро сураси. 1-оят).

Меъроj эса, ҳадислар билан событ бўлгани учун, уни инкор қилган кофир бўлмаса ҳам, бидъатчи ва адашувчи саналади.

“Исро ва меърож воқеаси қачон бўлганлиги тўғрисида уламоларимиз ўртасида ихтилоф бўлиб, олти хил вақт кўрсатилган, тўғрироғи Ҳижратдан олдин ё биринчи ақоба байъатидан олдинроқ ёки икки ақоба байъатининг орасида бўлиб ўтган”.<sup>56</sup>

**Дажжолнинг, ҳамда Яъжуҷ ва Маъжуҷнинг чиқиши.** Маълумки, Қиёмат кунининг қачон бўлиши ёлғиз Аллоҳ таологагина аён. Аллоҳ таолодан бошқа бирор кимса, фаришталар ҳам, пайғамбарлар ҳам унинг қачон бўлишини асло билмайди. Бу ҳақида Аллоҳ таоло қуидагича марҳамат қилган:

يَسْأَلُونَكَ عَنِ السَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَاهَا  
إِنَّمَا أَنْتَ مُنْذِرٌ مَنْ  
إِلَى رَبِّكَ مُنْتَهَا هَا  
فَيْمَ أَنْتَ مِنْ ذِكْرَاهَا  
خَشَابًا

“(Эй Муҳаммад алайхис салом, мушриклар) **сиздан** (ўша Қиёмат) **соатини сўрарлар.** Сиз қаердасиз-у уни (яъни Қиёмат қачон бўлишини) зикр қилиб эслаш (қаерда? яъни сиз ҳеч қачон у Куннинг вақтини айтиб бера олмайсиз) **Уни** (билиш) **Ёлғиз Парвардигорингизга бориб тўхтар.** Сиз фақат ўша (Қиёмат)дан қўрқадиган кишиларни оғлантирувчисиз холос”. (Нозиот сураси, 42-45 оятлар).

Бироқ унинг яқин қолганлигини билдирувчи бир қанча аломатлар бўлиб, уларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳадиси шарифларида баён қилиб берганлар.

إِذَا وُسِّدَ الْأَمْرُ إِلَى غَيْرِ أَهْلِهِ فَأَنْتَظِرِ السَّاعَةَ (رَوَاهُ الْبُخارِيُّ)

“Қачонки, иш ўз аҳлидан бошқага топширилса, Қиёматни кутавер.” (Бухорий ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинганидек, жамиятда ишнинг ўз аҳлидан бошқага топшириладиган бўлиб қолиши Қиёмат яқин қолганлигини билдирувчи кичик аломатлардан биридир. Ҳадиси шарифларда Қиёматнинг яқин қолганлигини билдирувчи кўплаб катта ва кичик аломатлар баён қилинган. Ином Аъзамроҳматуллоҳи алайҳи бу ерда Қиёматнинг катта аломатларини келтирганлар. Қиёматнинг катта аломатларидан бири Дажжолнинг чиқиши бўлиб, у ҳақида ҳадиси шарифларда хабар берилган.

<sup>56</sup> Роҳикул Махтум, 130-бет.

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا مِنْ نَبِيٍّ إِلَّا وَقَدْ أَنْذَرَ أُمَّتَهُ الْأَعْوَرَ الْكَذَابَ إِلَّا إِنَّهُ أَعْوَرُ وَإِنَّ رَبَّكُمْ لَيْسَ بِأَعْوَرَ وَمَكْتُوبٌ بَيْنَ عَيْنَيْهِ كَفَرٌ يَقْرَأُهُ كُلُّ مُسْلِمٍ (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالْتِرْمِذِيُّ)

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Ресулуллоҳ соллаллоҳу алаиҳи ва саллам дедилар: “Ҳар бир набий, албатта ўз умматини гилай – каззобдан огоҳлантиргандир. Огоҳ бўлинглар! Албатта, у гилайдир. Албатта, роббингиз гилай эмасдир. Унинг икки кўзи орасига “Каф фа ро”, яъни кофир деб ёзилгандир. Уни барча мусулмон ўқийди”. (Бухорий, Муслим, Термизий ва Абу Довудлар ривояти).*

Яъжуж ва Маъжужнинг чиқиши ҳақида Куръони каримда ва Ҳадиси шарифларда кўплаб маълумотлар келтирилган. Жумладан Куръони каримда шундай хабар берилган:

حَتَّىٰ إِذَا فِتَحْتَ يَاجُوجَ وَمَاجُوجَ وَهُمْ مِنْ كُلِّ حَدَبٍ يَنْسِلُونَ

**“То Яъжуж ва Маъжуж (тўғони) очилиб, улар ҳар бир тепалиқдан оқиб келадиган...”.** (Анбиё сураси, 96-оят). Яъни Аллоҳ таолога маълум бўлган бир кунда Яъжуж ва Маъжуж тўғони очилиб улар ер юзини фасодга тўлдириш учун чиқиб кетадилар. У қуннинг қачон бўлишини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди.

**Ва қуёшнинг ботадиган жойидан чиқиши.** Қуёшнинг ботадиган жойидан чиқиши қиёматнинг катта аломатларидан бири бўлиб, у Аллоҳ таолога маълум бўлган бир кунда содир бўлади. Бу кун, агар банда олдин иймон келтирмаган бўлса энди келтирган иймони унга фойда бермайдиган кун бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرُو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ حَفِظْتُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدِيثًا لَمْ أَنْسَهُ بَعْدَ سَمِعْتُهُ يَقُولُ: إِنَّ أَوَّلَ الْآيَاتِ خُرُوجًا طَلُوعَ الشَّمْسِ مِنْ مَغْرِبِهَا وَخُرُوجَ الدَّابَّةِ عَلَى النَّاسِ ضُحَّى وَأَيُّهُمَا مَا كَانَتْ قَبْلَ صَاحِبِتَهَا فَالْأُخْرَى عَلَى أَثْرِهَا قَرِيبًا (رَوَاهُ مُسْلِمُ)

*“Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади. Ресулуллоҳ соллаллоҳу алаиҳи ва салламдан бир ҳадис ёд олдим, эшиитганимдан сўнг уни асло унутмадим. Айтардиларки: “Албатта, аломатларнинг аввалгиси – қуёшнинг ботадиган жойидан чиқиши ва ер ҳайвонининг одамларга чошгоҳда чиқишидир. Уларнинг*

қайси бири иккинчисидан аввал чиқса, униси ҳам ортидан тез чиқади”. (Муслим ривояти).

**Исо алайхис-саломнинг осмондан тушиши.** Исо алайхис-саломнинг осмондан тушиши қиёматнинг энг катта аломатларидан биридир. Исо алайхис-саломнинг тушишлари, Дажжолни топиб ўлдиришлари, ер юзида қирқ йил туришлари сўнгра вафот этишлари ва мусулмонлар у зотнинг жанозаларини ўқишилари ҳадиси шарифларда зикр қилинган;

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: يَخْرُجُ الدَّجَالُ فِي أَمْتَى فِيمْكُثُ  
أَرْبَعِينَ لَا أَدْرِي أَرْبَعِينَ يَوْمًا أَوْ أَرْبَعِينَ شَهْرًا أَوْ أَرْبَعِينَ عَامًا فَيُبَعَّثُ اللَّهُ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ كَائِنٌ  
عُرْوَةُ بْنُ مَسْعُودٍ فَيَطْلُبُهُ فِيهِنْكُهُ ثُمَّ يَمْكُثُ النَّاسُ سَبْعَ سِنِينَ لَيْسَ بَيْنَ أَثْنَيْنِ عَدَوَةً (رَوَاهُ مُسْلِمٌ)

“Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади. Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Умматим ичидан Дажжол чиқади ва қирқ, билмайман қирқ кунми, ё қирқ ойми ё қирқ йилми туради. Сўнгра Аллоҳ Исо ибн Марямни юборади. У худди Урва ибн Масъуддекдир. У анавини (Дажжолни) қидиради ва (уни топиб) ҳалок қиласди. Сўнгра инсонлар етти йил икки киши ўртасида адоват бўлмасдан яшайдилар”. (Муслим ривояти).

**Ва булардан бошқа саҳих хабарларда келган қиёмат аломатлари ҳақ ва бўлгувчиидир.** Ушбу зикр қилинганлардан бошқа, Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда келган қиёмат аломатларига ҳам барчасига бирдек иймон келтирамиз. Уларнинг барчаси ҳақ ва аниқ содир бўлгувчиидир. “Баъзи уламолар қиёмат аломатларини қуидаги тартибда бўлишини зикр қилганлар. Аввало Маҳдий Ҳарамайн-Шарифайнда зохир бўлади. Сўнгра Байтил-Макдисга келади. Шу пайт Дажжол чиқиб уни қамал қиласди. Шу ҳолатда Исо алайхиссалом Шомдаги Дамашқнинг шарқий минорасидан тушади. У Дажжолни ўлдиришга келади ва уни ўлдиради. Сўнгра Исо алайхиссалом билан Маҳдий бирга бўладилар. Намоз вақти бўлган вақтда Маҳдий Исо алайхиссаломга олдинга ўтишликка ишора қиласди. Шунда Исо алайхиссалом: “Намоз сизларга фарз қилинган. Шунинг учун унда имоматчиликка сиз авлороқсиз” дейдилар. Масижҳ алайхиссалом ерда қирқ йил қоладилар. Сўнгра Яъжуҷ ва Маъжуҷ зохир бўлади. Уларни Аллоҳ таоло Исо алайхиссалом дуолари баракоти сабабли ҳалок қиласди.

Сўнгра Масийҳ алайҳиссалом вафот этадилар. Мусулмонлар у зотнинг жанозаларини ўқиб Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Сиддиқ розияллоҳу анхунинг ораларига дағн қилишади. Шундан кейин мўминлар вафот этадилар. Сўнгра қуёш ботадиган тарафидан чиқади. Сўнгра Қуръон кўтарилади.”<sup>57</sup>

**Аллоҳ таоло кимни хоҳласа тўғри йўлга бошлайди.** Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган бандаларини тўғри йўлга йўллаб қўяди. Бандаларнинг тоат ибодат билан тўғри йўлда юришлари ҳам Аллоҳ таолонинг уларга қилган фазлу марҳамати хисобланади. Зеро Аллоҳ таоло:

وَلَكُنَّ اللَّهُ يَهْدِي مَنِ يَشَاءُ

“Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур”, (Қасос сураси, 56-оят) деб марҳамат қилган.

Ҳидоят баҳтига мушарраф бўлган инсонларнинг аломати эса мусаффо эътиқод билан такрор ва такрор:

إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ      اهِدِنَا الصَّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ

**“Сенгагина ибодат қиласиз ва Сендангина мадад сўраймиз. Ўзинг бизни Тўғри Йўлга ҳидоят қилгин”.** (Фотиҳа сураси, 5-6 ояллар) дея Парвардигорларига ихлос билан илтижо қилиб боришларидир.

Имоми Аъзамроҳматуллоҳи алайҳ китобларини ушбу: “Аллоҳ таоло кимни хоҳласа тўғри йўлга бошлайди” сўzlари билан якунлаганлар. Аллоҳ таоло у зотдан ҳамда динимиз аҳкомларини енгил ва қулай услублар билан баён қилиб берган барча уламоларимиздан рози бўлсин!

Мусаффо эътиқод билан оламлар Роббисига бандалик қилиш ғамида ўтган барча ализларимизга У зотнинг раҳмату-мағфиратларини сўраймиз.

Парвардигори олам ҳаммамизни доимо тўғри йўлга бошлаб оқибатларимизни хайрли қилсин (Амийн).

Пайғамбаримиз Мухаммад мустафога энг афзал саловат ва саломлар бўлсин!

<sup>57</sup> Абдулкарим Таттон Шарху фикҳул акбар 47-бет.

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

مِنْ فُقَهَ الْأَكْبَرِ لِلَّامِ الْأَعْظَمِ رَحْمَةُ اللَّهِ عَلَيْهِ

**أَصْلُ التَّوْحِيدِ وَمَا يَصْحُ الْإِعْتِقَادُ عَلَيْهِ يَجِبُ أَنْ يَقُولَ آمَنْتُ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرَسُولِهِ وَالْبَعْثِ بَعْدَ الْمَوْتِ وَالْقَدْرِ  
خَيْرٌ وَشَرٌّ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى ، وَالْحِسَابُ وَالْمِيزَانُ ، وَالْجَنَّةُ وَالنَّارُ حَقٌّ كُلُّهُ**

وَاللَّهُ تَعَالَى وَاحِدٌ لَا مِنْ طَرِيقِ الْعَدَدِ وَلَكِنْ مِنْ طَرِيقِ أَنَّهُ لَا شَرِيكَ لَهُ قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدُ اللَّهُ الصَّمَدُ لَمْ يَلِدْ  
وَلَمْ يُوْلَدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُواً أَحَدٌ. لَا يَشْبُهُ شَيْئاً مِنَ الْأَشْيَاءِ مِنْ خَلْقِهِ وَلَا يَشْبُهُهُ شَيْئاً مِنْ خَلْقِهِ لَمْ يَزِلْ  
وَلَا يَزَالُ بِاسْمَانِهِ وَصِفَاتِهِ الدَّاتِيَّةِ وَالْفِعْلِيَّةِ

أَمَّا الدَّاتِيَّةُ فَالْحَيَاةُ وَالْقُدْرَةُ وَالْعِلْمُ وَالْكَلَامُ وَالسَّمْعُ وَالبَصَرُ وَالْإِرَادَةُ ، وَأَمَّا الْفِعْلِيَّةُ فَالثَّخْلِيقُ وَالترْزِيقُ وَالْإِلْشَاءُ  
وَالْإِبْدَاعُ وَالصَّنْعُ وَغَيْرُ ذَلِكَ مِنْ صِفَاتِ الْفِعْلِ.

لَمْ يَزِلْ وَلَا يَزَالُ بِاسْمَانِهِ وَصِفَاتِهِ لَمْ يَحْدُثْ لَهُ إِسْمٌ وَلَا صِفَةٌ لَمْ يَزِلْ عَالِمًا بِعِلْمِهِ وَالْعِلْمُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ وَقَادِرًا  
بِقُدرَتِهِ وَالْقُدْرَةُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ وَمُتَكَلِّمًا بِكَلَامِهِ وَالْكَلَامُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ وَخَالِقًا بِتَخْلِيقِهِ وَالثَّخْلِيقُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ  
وَفَاعِلًا بِقَعْلِهِ ، وَالْفَعْلُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ

وَالْفَاعِلُ هُوَ اللَّهُ تَعَالَى ، وَالْفَعْلُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ وَالْمَفْعُولُ مَخْلُوقٌ. وَفَعْلُ اللَّهِ تَعَالَى غَيْرُ مَخْلُوقٍ وَصِفَاتُهُ  
فِي الْأَزْلِ غَيْرُ مُحْدَثٍ وَلَا مَخْلُوقٍ. فَمَنْ قَالَ: إِنَّهَا مَخْلُوقَةٌ أَوْ مُحْدَثَةٌ ، أَوْ وَقَفَ ، أَوْ شَكَ فِيهَا فَهُوَ كَافِرٌ بِاللَّهِ تَعَالَى.

وَالْقُرْآنُ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى فِي الْمَصَاحِفِ مَكْتُوبٌ ، وَفِي الْقُلُوبِ مَحْفُوظٌ وَعَلَى الْأَلْسُونِ مَفْرُوعٌ ، وَعَلَى النَّبِيِّ عَلَيْهِ  
الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ مُنْزَلٌ ، وَلَفِظُنَا بِالْقُرْآنِ مَخْلُوقٌ وَكِتَابَنَا لَهُ مَخْلُوقَةٌ وَقِرَاءَتُنَا لَهُ مَخْلُوقَةٌ وَالْقُرْآنُ غَيْرُ مَخْلُوقٍ.

وَمَا ذَكَرَ اللَّهُ تَعَالَى فِي الْقُرْآنِ حَكَايَةً عَنْ مُوسَى وَغَيْرِهِ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ ، وَعَنْ فِرْعَوْنَ  
وَإِبْلِيسِ فَإِنَّ ذَلِكَ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى إِخْبَاراً عَنْهُمْ ، وَكَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى غَيْرُ مَخْلُوقٍ وَكَلَامُ مُوسَى وَغَيْرِهِ مِنَ  
الْمَخْلُوقِينَ مَخْلُوقٌ وَالْقُرْآنُ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى فَهُوَ قَدِيمٌ لَا كَلَامُهُمْ

وَسَمِعَ مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ كَلَامَ اللَّهِ تَعَالَى كَمَا قَالَ اللَّهُ مُوسَى تَكْلِيمًا). وَقَدْ كَانَ اللَّهُ تَعَالَى  
مُتَكَلِّماً

وَ لَمْ يَكُنْ كَلَمٌ مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ وَقَدْ كَانَ اللَّهُ تَعَالَى خَالِقًا فِي الْأَزْلِ وَ لَمْ يَخْلُقِ الْخَلْقَ وَ لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَ هُوَ  
السَّمِيعُ البَصِيرُ فَلَمَّا كَلَمَ اللَّهُ مُوسَى كَلَمَهُ بِكَلَامِهِ الَّذِي هُوَ لَهُ صِفَةٌ فِي الْأَزْلِ

وَ صِفَاتُهُ كُلُّهَا بِخِلَافِ صِفَاتِ الْمَحْلُوقِينَ يَعْلَمُ لَا كَعِلْمَنَا وَ يَقْدِرُ لَا كَقْدِرَنَا وَ يَرَى لَا كَرُوْيَنَا وَ يَسْمَعُ لَا كَسْمَعَنَا  
وَ يَتَكَلَّمُ لَا كَكَلَامَنَا وَ تَحْنُنُ تَنَكَّلَمُ بِالْأَلَاتِ وَ الْحُرُوفِ وَ اللَّهُ تَعَالَى يَتَكَلَّمُ بِلَا أَلَّةٍ وَ لَا حُرُوفٍ وَ الْحُرُوفُ مَخْلُوقَةٌ وَ  
كَلَمُ اللَّهِ تَعَالَى غَيْرُ مَخْلُوقٍ. وَ هُوَ شَيْءٌ لَا كَأَلْشِيَاءٍ وَ مَعْنَى الشَّيْءِ إِثْبَاثٌ بِلَا جَسْمٍ وَ لَا جَوْهَرٍ وَ لَا عَرَضٍ ، وَ لَا  
حَدَّلَةٌ

وَ لَا ضَدَّلَهُ وَ لَا نَدَلَهُ وَ لَا مَثَلَ لَهُ

وَ لَهُ يَدٌ وَ وَجْهٌ وَ نَفْسٌ كَمَا ذَكَرَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي الْقُرْآنِ ، فَمَا ذَكَرَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي الْقُرْآنِ مِنْ ذِكْرِ الْوَجْهِ وَ الْيَدِ وَ  
النَّفْسِ فَهُوَ لَهُ صِفَاتٌ بِلَا كَيْفٍ وَ لَا يُقَالُ: إِنَّ يَدَهُ قَدْرَتَهُ أَوْ نِعْمَتَهُ ، لَأَنَّ فِيهِ إِبْطَالَ الصِّفَةِ. وَ هُوَ قَوْلُ أَهْلِ الْقَدْرِ وَ  
الْإِعْتِرَالِ

وَ لَكِنَّ يَدَهُ صِفَتُهُ بِلَا كَيْفٍ وَ غَضَبَهُ وَ رَضَاهُ صِفَاتَهُ تَعَالَى بِلَا كَيْفٍ

خَلَقَ اللَّهُ تَعَالَى الْأَشْيَاءَ لَا مِنْ شَيْءٍ ، وَ كَانَ اللَّهُ تَعَالَى عَالِمًا فِي الْأَزْلِ بِالْأَشْيَاءِ قَبْلَ كُوْنَهَا وَ هُوَ الَّذِي قَدَرَ الْأَشْيَاءَ  
وَ قَضَاهَا ، وَ لَا يَكُونُ فِي الدُّنْيَا وَ لَا فِي الْآخِرَةِ شَيْءٌ إِلَّا بِمَشِيقَتِهِ وَ عِلْمِهِ وَ قَضَائِهِ وَ قَدَرِهِ وَ كَتْبِهِ فِي الْلَّوْحِ  
الْمَحْفُوظِ وَ لَكِنَّ كَتَبَهُ بِالْوَصْفِ لَا بِالْحُكْمِ ، وَ الْقَضَاءُ وَ الْقَدْرُ وَ الْمَشِيقَةُ صِفَاتُهُ فِي الْأَزْلِ بِلَا كَيْفٍ

يَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى الْمَعْدُومَ فِي حَالٍ عَدَمِهِ مَعْدُومًا ، وَ يَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى كَيْفَ يَكُونُ إِذَا أُوجَدَهُ. وَ يَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى الْمَوْجُودَ فِي  
حَالٍ وَجُودِهِ مَوْجُودًا ، وَ يَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى كَيْفَ يَكُونُ فَنَاؤُهُ. وَ يَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى الْقَائِمَ فِي حَالٍ قِيَامِهِ قَائِمًا ، وَ إِذَا قَعَدَ عَلَمَهُ  
قَاعِدًا فِي حَالٍ قُعُودِهِ مِنْ غَيْرِ أَنْ يَتَغَيَّرَ عِلْمُهُ أَوْ يَحْدُثَ لَهُ عِلْمٌ ، وَ لَكِنَّ التَّغَيِّرَ وَ الْإِخْتِلَافَ يَحْدُثُ فِي الْمَخْلُوقِينَ

خَلَقَ اللَّهُ تَعَالَى الْخَلْقَ سَلِيمًا مِنَ الْكُفْرِ وَ الْإِيمَانِ ، ثُمَّ خَاطَبَهُمْ وَ أَمْرَهُمْ وَ نَهَاهُمْ فَكَفَرُوا مَنْ كَفَرَ بِفَعْلِهِ وَ إِنْكَارِهِ وَ  
جُحُودِهِ الْحَقَّ بِخِدْلَانِ اللَّهِ تَعَالَى إِيَاهُ وَ آمَنَ مَنْ آمَنَ بِفَعْلِهِ وَ إِقْرَارِهِ وَ تَصْدِيقِهِ بِتَوْفِيقِ اللَّهِ تَعَالَى إِيَاهُ وَ نُصْرَتِهِ لَهُ

أَخْرَجَ ذُرِّيَّةَ آدَمَ مِنْ صُلْبِهِ عَلَى صُورِ الدَّرِّ فَجَعَلَهُمْ عُقَلَاءَ فَخَاطَبَهُمْ وَ أَمْرَهُمْ بِالْإِيمَانِ وَ نَهَاهُمْ عَنِ الْكُفْرِ فَأَقْرَرُوا لَهُ  
بِالرُّبُوبِيَّةِ ، فَكَانَ ذَلِكَ مِنْهُمْ إِيمَانًا فُهُمْ يُولُدوْنَ عَلَى تِلْكَ الْفِطْرَةِ ، وَ مَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَقَدْ بَدَلَ وَ غَيَّرَ ، وَ مَنْ آمَنَ وَ  
صَدَّقَ فَقَدْ ثَبَتَ عَلَيْهِ وَ دَأَمَ

وَلَمْ يُجِبْ أَحَدًا مِنْ خَلْقِهِ عَلَى الْكُفْرِ وَلَا عَلَى الإِيمَانِ وَلَا خَلْقُهُمْ مُؤْمِنًا وَلَا كَافِرًا ، وَلَكِنْ خَلْقُهُمْ أَشْخَاصًا وَالإِيمَانُ وَالْكُفْرُ فِعْلُ الْعِبَادِ وَيَعْلَمُ اللَّهُ تَعَالَى مَنْ يَكْفُرُ فِي حَالٍ كُفُورٍ كَافِرًا إِذَا آمَنَ بَعْدَ ذَلِكَ عِلْمَهُ مُؤْمِنًا فِي حَالٍ إِيمَانِهِ وَأَحَبَّهُ مِنْ غَيْرِ أَنْ يَتَغَيَّرَ عِلْمُهُ وَصِفَتُهُ

وَجَمِيعُ أَفْعَالِ الْعِبَادِ مِنَ الْحَرَكَةِ وَالسُّكُونِ كَسْبُهُمْ عَلَى الْحَقِيقَةِ وَاللَّهُ تَعَالَى خَالِقُهُمْ وَهِيَ كُلُّهُمْ بِمَشِيرَتِهِ وَعِلْمُهُ وَقَضَائِهِ وَقَدْرِهِ وَالطَّاعَاتُ كُلُّهُمَا مَا كَانَتْ وَاجِبَةً بِأَمْرِ اللَّهِ تَعَالَى وَبِمَحْبَبَتِهِ وَبِرْضَائِهِ وَعِلْمُهُ وَمَشِيرَتِهِ وَقَضَائِهِ وَتَقْدِيرِهِ وَالْمَعَاصِي كُلُّهُمَا بِعِلْمِهِ وَقَضَائِهِ وَتَقْدِيرِهِ وَمَشِيرَتِهِ لَا بِمَحْبَبَتِهِ وَلَا بِرْضَائِهِ وَلَا بِأَمْرِهِ

وَالْأَنْبِيَاءُ عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ كُلُّهُمْ مُنْزَهُونَ عَنِ الصَّعَادِ وَالْكَبَائِرِ وَالْكُفْرِ وَالْقَبَائحِ وَقَدْ كَانَتْ مِنْهُمْ زَلَّاتٌ وَخَطِئَاتٌ ، وَمُحَمَّدٌ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ حَبِيبُهُ وَعَبْدُهُ وَرَسُولُهُ وَنَبِيُّهُ وَصَفِيفُهُ وَنَقِيفُهُ وَلَمْ يَعْدُ الصَّنْمُ وَلَمْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ تَعَالَى طَرْفَةً عَيْنٍ قُطْ وَلَمْ يَرْتَكِبْ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً قُطْ

وَأَفْضَلُ النَّاسِ بَعْدَ النَّبِيَّينَ عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ أَبُو بَكْرُ الصَّدِيقُ ، ثُمَّ عُمَرُ بْنُ الخطَّابِ الْفَارُوقُ ، ثُمَّ عُثْمَانُ بْنُ عَفَانَ دُوَالَّوْرَيْنِ ، ثُمَّ عَلَى ابْنِ أَبِي طَالِبٍ الْمُرْتَضَى رَضْوَانُ اللَّهِ تَعَالَى عَلَيْهِمْ أَجْمَعِينَ عَابِدِينَ ثَابِتِينَ عَلَى الْحَقِّ وَمَعَ الْحَقِّ نَتوَلَّهُمْ جَمِيعًا وَلَا نَذَكِرُ أَحَدًا مِنْ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ إِلَّا بِخَيْرٍ

وَلَا تُكَفِّرُ مُسْلِمًا بِذَنْبِهِ مِنَ الذُّنُوبِ وَإِنْ كَانَتْ كَبِيرَةً إِذَا لَمْ يَسْتَحِلَّهَا وَلَا تُنْزِيلُ عَنْهُ إِسْمَ الإِيمَانِ وَتُسَمِّيهِ مُؤْمِنًا حَقِيقَةً ، وَيَجُوزُ أَنْ يَكُونَ مُؤْمِنًا فَاسِقًا غَيْرَ كَافِرٍ

وَالْمَسْحُ عَلَى الْخَفَّينِ سُنَّةُ ، وَالرَّأْوِيْحُ فِي لَيَالِي شَهْرِ رَمَضَانَ سُنَّةُ . وَالصَّلَاةُ خَلْفُ كُلِّ بَرٍّ وَفَاجِرٍ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ جَائِزَةٌ . وَلَا تَقُولُ: إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَا تَضُرُّهُ الذُّنُوبُ وَلَا تَقُولُ إِنَّهُ لَا يَدْخُلُ النَّارَ وَلَا تَقُولُ إِنَّهُ يَخْلُدُ فِيهَا ، وَإِنْ كَانَ فَاسِقًا بَعْدَ أَنْ يَخْرُجَ مِنَ الدِّينِ مُؤْمِنًا

وَلَا تَقُولُ: إِنَّ حَسَنَاتِنَا مَقْبُولَةٌ وَسَيِّنَاتِنَا مَغْفُورَةٌ كَقُولُ الْمُرْجِنَةِ . وَلَكِنْ تَقُولُ: مَنْ عَمِلَ حَسَنَةً بِجَمِيعِ شَرَائِطِهَا خَالِيَةً عَنِ الْعِيُوبِ الْمُفْسِدَةِ وَالْمَعَانِي الْمُبْطِلَةِ وَلَمْ يُبْطِلْهَا بِالْكُفْرِ وَالرَّدَّةِ حَتَّى خَرَجَ مِنَ الدِّينِ مُؤْمِنًا فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَا يُضِيغُهَا ، بَلْ يَقْبَلُهَا مِنْهُ وَيُثِيُّهُ عَلَيْها

وَمَا كَانَ مِنَ السَّيِّئَاتِ دُونَ الشَّرْكِ وَالْكُفْرِ وَلَمْ يَتَبَّعْ عَنْهَا صَاحِبُهَا حَتَّى مَاتَ مُؤْمِنًا فَإِنَّهُ فِي مَشِيرَةِ اللَّهِ تَعَالَى إِنْ شَاءَ عَذَابَهُ بِالنَّارِ ، وَإِنْ شَاءَ عَفَا عَنْهُ وَلَمْ يُعَذِّبْهُ بِالنَّارِ أَصْلًا . وَالرِّيَاءُ إِذَا وَقَعَ فِي عَمَلٍ مِنَ الْأَعْمَالِ فَإِنَّهُ يُبْطِلُ أَجْرَهُ وَكَذِلِكَ الْعَجْبُ

وَالآيَاتُ ثَابِتَةٌ لِلْأَنْبِيَاءِ وَالْكَرَامَاتُ لِلْأُولَى إِعْدَادِهِ حَقٌّ ، وَأَمَّا الَّتِي تَكُونُ لِأَعْدَادِهِ مِثْلُ إِبْلِيسَ وَفِرْعَوْنَ وَالدَّجَالَ مِمَّا رُوِيَ فِي الْأَخْبَارِ أَنَّهُ كَانَ وَيَكُونُ لَهُمْ لَا تُسَمِّيهَا آيَاتٍ وَلَا كَرَامَاتٍ ، وَلَكِنْ تُسَمِّيهَا قَضَاءُ حَاجَاتِهِمْ ، وَذَلِكَ لِأَنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقْضِي حَاجَاتِ أَعْدَادِهِ إِسْتِدْرَاجًا لَهُمْ وَعُقُوبَةً لَهُمْ فَيَعْتَرُونَ بِهِ وَيَزَدَادُونَ طُغْيَانًا وَكُفْرًا وَذَلِكَ كُلُّهُ جَائزٌ وَمُمْكِنٌ

وَكَانَ اللَّهُ تَعَالَى خَالِقًا قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَ وَرَازِقًا قَبْلَ أَنْ يَرْزُقَ . وَاللَّهُ تَعَالَى يُرَى فِي الْآخِرَةِ وَيَرَاهُ الْمُؤْمِنُونَ ، وَهُمْ فِي الْجَنَّةِ بِأَعْيُنِ رُؤُوسِهِمْ بِلَا تَشْبِيهٍ وَلَا كَيْفِيَةٍ وَلَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَبَيْنَ خُلُقِهِ مَسَافَةٌ . وَالإِيمَانُ هُوَ الْإِقْرَارُ وَالتَّصْدِيقُ . وَإِيمَانُ أَهْلِ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَا يَرِيدُ وَلَا يَنْفَضُ مِنْ جَهَةِ الْمُؤْمِنِ بِهِ وَيَرِيدُ وَيَنْفَضُ مِنْ جَهَةِ الْيَقِينِ وَالْتَّصْدِيقِ

وَالْمُؤْمِنُونَ مُسْتَوْنَ فِي الإِيمَانِ وَالْتَّوْحِيدِ مُتَفَاضِلُونَ فِي الْأَعْمَالِ . وَالإِسْلَامُ هُوَ التَّسْلِيمُ وَالْإِنْقِيَادُ لِأَوْامِرِ اللَّهِ تَعَالَى فَمِنْ طَرِيقِ الْلُّغَةِ فَرْقٌ بَيْنَ الْإِيمَانِ وَالإِسْلَامِ وَلَكِنْ لَا يَكُونُ إِيمَانٌ بِلَا إِسْلَامٍ ، وَلَا يُوجَدُ إِسْلَامٌ بِلَا إِيمَانٍ  
وَهُمَا كَالظَّهْرِ مَعَ الْبَطْنِ وَالدِّينُ اسْمٌ وَاقِعٌ عَلَى الْإِيمَانِ وَالإِسْلَامِ وَالشَّرَائِعِ كُلُّهَا .

تَعْرِفُ اللَّهُ تَعَالَى حَقَّ مَعْرِفَتِهِ كَمَا وَصَفَ اللَّهُ نَفْسَهُ فِي كِتَابِهِ بِجَمِيعِ صِفَاتِهِ ، وَلَيْسَ يَقْرُرُ أَحَدٌ أَنْ يَعْبُدَ اللَّهَ تَعَالَى حَقَّ عِبَادَتِهِ كَمَا هُوَ أَهْلُ لَهُ ، وَلَكِنْهُ يَعْبُدُهُ بِأَمْرِهِ كَمَا أَمَرَ بِكِتَابِهِ وَسُنْنَةِ رَسُولِهِ وَيَسْتَوِي الْمُؤْمِنُونَ كُلُّهُمْ فِي الْمَعْرِفَةِ وَالْيَقِينِ وَالْتَّوْكِيلِ وَالْمَحَبَّةِ وَالرَّضَى وَالْخَوْفِ وَالرَّجَاءِ وَالْإِيمَانِ فِي ذَلِكَ وَيَتَقَوَّلُونَ فِيمَا دُونَ الْإِيمَانِ فِي ذَلِكَ كُلِّهِ

وَاللَّهُ تَعَالَى مُنْتَهِيٌّ عَلَى عِبَادِهِ عَادِلٌ قَيْعُضِي مِنَ النَّوَابِ أَضْعَافَ مَا يَسْتَوِي جُبُهُ الْعَبْدُ تَقْضِيَ مِنْهُ وَقُدْ يُعَاقِبُ عَلَى الدَّنْبِ عَدْلًا مِنْهُ وَقُدْ يَعْفُوْ فَضْلًا مِنْهُ

وَشَفَاعَةُ الْأَنْبِيَاءِ عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ حَقٌّ وَشَفَاعَةُ نَبِيِّنَا عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ لِلْمُؤْمِنِينَ الْمُذَنبِينَ وَلَا هُنْ الْكَبَائِرُ مِنْهُمْ الْمُسْتَوْجِبِينَ الْعِقَابُ حَقٌّ ثَابِتٌ . وَوَزْنُ الْأَعْمَالِ بِالْمِيزَانِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَقٌّ ، وَحَوْضُ النَّبِيِّ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ حَقٌّ ، وَالْقِصَاصُ فِيمَا بَيْنَ الْخُصُومِ بِالْحَسَنَاتِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَقٌّ وَإِنْ لَمْ تَكُنْ لَهُمُ الْحَسَنَاتُ فَطُرِحَ السَّيِّئَاتُ عَلَيْهِمْ حَقٌّ جَائزٌ

وَالْجَنَّةُ وَالثَّارُ مَخْلُوقَتَانِ الْيَوْمَ لَا تَعْتَبَانِ أَبَدًا وَلَا تَمُوتُ الْحُورُ الْعَيْنُ أَبَدًا وَلَا يَقْنَى عَقَابُ اللَّهِ تَعَالَى وَتَوَابَهُ سَرْمَدًا وَاللَّهُ تَعَالَى يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ فَضْلًا مِنْهُ، وَيُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ عَذْلًا مِنْهُ وَإِضْلَالُهُ خِدْلَانٌ، وَتَفْسِيرُ الْخِدْلَانِ أَنْ لَا يُوقَقَ الْعَبْدُ إِلَى مَا يَرْضَاهُ مِنْهُ وَهُوَ عَدْلٌ مِنْهُ، وَكَذَا عَقْوَبَةُ الْمَخْلُولِ عَلَى الْمَعْصِيَةِ

وَلَا يَجُوزُ أَنْ تَقُولَ : إِنَّ الشَّيْطَانَ يَسْلُبُ الْإِيمَانَ مِنَ الْعَبْدِ الْمُؤْمِنِ قَهْرًا وَجَبْرًا، وَلَكِنْ تَقُولُ الْعَبْدُ يَدْعُ الْإِيمَانَ  
فَحِينَئِذٍ يَسْلُبُهُ مِنْهُ الشَّيْطَانُ

وَسُؤَالٌ مُنْكَرٌ وَنَكِيرٌ حَقٌّ كَائِنٌ فِي الْقَبْرِ وَإِعَادَةُ الرُّوحِ إِلَى جَسَدِ الْعَبْدِ فِي قَبْرِهِ حَقٌّ، وَضَغْطَةُ الْقَبْرِ وَعَذَابُهُ حَقٌّ كَائِنٌ لِلْكُفَّارِ كُلَّهُمْ وَلِبَعْضِ عُصَّاَةِ الْمُسْلِمِينَ

وَكُلُّ شَيْءٍ ذَكَرَهُ الْعُلَمَاءُ بِالْفَارْسِيَّةِ مِنْ صِفَاتِ اللَّهِ تَعَالَى عَزَّ اسْمُهُ فَجَانِزُ الْفَوْلُ بِهِ سَوَى الْيَدِ بِالْفَارْسِيَّةِ، وَيَجُوزُ أَنْ يُقَالَ : بَرُوَيْ خُدَّا يِ عَزَّ وَجَلَّ بِلَا تَشْبِيهٍ وَلَا كَيْفِيَةٍ

وَلَيْسَ قَرْبُ اللَّهِ وَلَا بُعْدُهُ مِنْ طَرِيقِ طُولِ الْمَسَافَةِ وَقَصْرِهَا، وَلَا عَلَى مَعْنَى الْكَرَامَةِ وَالْهَوَانِ وَلَكِنَّ الْمُطْبِعَ قَرِيبٌ مِنْهُ بِلَا كَيْفٍ، وَالْعَاصِيَ بَعِيدٌ عَنْهُ بِلَا كَيْفٍ ، وَالْقَرْبُ وَالْبُعْدُ وَالْإِقْبَالُ يَقْعُدُ عَلَى الْمُتَاجِيِّ  
وَكَذَلِكَ جَوَارِهُ فِي الْجَنَّةِ وَالْوُقُوفُ بَيْنَ يَدَيْهِ بِلَا كَيْفِيَةٍ

وَالْفُرْقَانُ مُنْزَلٌ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ وَهُوَ فِي الْمَصَاحِفِ مَكْتُوبٌ وَآيَاتُ الْفُرْقَانِ فِي مَعْنَى الْكَلَامِ كُلُّهَا مُسْتَوَيَّةٌ فِي الْفَضِيلَةِ وَالْعَظَمَةِ، إِلَّا أَنَّ لِبَعْضِهَا فَضِيلَةُ الدُّكْرِ، وَفَضِيلَةُ الْمَذْكُورِ مِثْلُ آيَةِ الْكُرْسِيِّ لِأَنَّ الْمَذْكُورَ فِيهَا جَلَّ اللَّهُ تَعَالَى وَعَظَمَتُهُ وَصِفَاتُهُ فَاجْتَمَعَتْ فِيهَا فَضِيلَاتَانِ فَضِيلَةُ الدُّكْرِ وَفَضِيلَةُ الْمَذْكُورِ وَلِبَعْضِهَا فَضِيلَةُ الدُّكْرِ فَحَسْبُ مِثْلُ قِصَّةِ الْكُفَّارِ، وَلَيْسَ لِالْمَذْكُورِ فِيهَا فَضْلٌ وَهُمُ الْكُفَّارُ، وَكَذَلِكَ الْأَسْمَاءُ وَالصِّفَاتُ كُلُّهَا مُسْتَوَيَّةٌ فِي الْعَظَمَةِ وَالْفَضْلِ لَا تَفَاقُتُ بَيْنَهُمَا

وَقَاسِمُ وَطَاهِرُ وَإِبْرَاهِيمُ كَائِنُوا بَنِي رَسُولِ اللَّهِ وَفَاطِمَةَ وَرُقِيَّةَ وَرَزِينَبُ وَأُمُّ كُلُّسُومَ كُنَّ جَمِيعًا بَنَاتِ رَسُولِ اللَّهِ وَرَضِيَ اللَّهُ عَنْهُنَّ

وَإِذَا أَشْكَلَ عَلَى الْإِنْسَانِ شَيْءٌ مِنْ دَقَائِقِ عِلْمِ التَّوْحِيدِ فَإِنَّهُ يَنْبَغِي لَهُ أَنْ يَعْتَقِدَ فِي الْحَالِ مَا هُوَ الصَّوَابُ عِنْدَ اللَّهِ تَعَالَى إِلَى أَنْ يَجِدَ عَالِمًا فِي سَالِهِ وَلَا يَسْعُهُ تَأْخِيرُ الْطَّلَبِ وَلَا يُعْذِرُ بِالْوَقْفِ فِيهِ، وَيَكْفُرُ إِنْ وَقَفَ

وَخَبْرُ الْمَعْرَاجِ حَقٌّ وَمَنْ رَدَهُ فَهُوَ مُبْتَدِعٌ ضَالٌّ، وَخُرُوجُ الدَّجَالِ وَيَاجُوجَ وَمَاجُوجَ، وَطُلُوعُ الشَّمْسِ مِنْ مَغْرِبِهَا، وَنَزُولُ عِيسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ مِنَ السَّمَاءِ، وَسَائِرُ عَلَامَاتِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ عَلَى مَا وَرَدَتْ بِهِ الْأَخْبَارُ الصَّحِيحَةُ حَقٌّ كَائِنٌ، وَاللَّهُ تَعَالَى يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطِ مُسْتَقِيمٍ

## МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қуръони карим.
2. Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий. “Тафсирун Насафий”.
3. Муҳаммад Али ас-Собуний “Роваъи ул баён тафсиру аятил аҳкам минал Куръан”. Макка.
4. Шайх Алоуддин Мансур. “Қуръони карим” ўзбекча изоҳли таржима. Бишкек, 2004.
5. Мусо Шаҳин ал-Ашин ва Абул ал Аҳмад Абул ал “Ал-Манҳалул ҳадис фи шарҳил ҳадис”. Тошкент “Моварауннаҳр”.
6. Мулла Али ал-Қори “Мирқотул мағотиҳ”. Байрут, “Дарул фикр”, 1994 й.
7. Мулла Али ал-Қори “Шарҳу китаб ал-ғиқҳул акбар”. Байрут “Дарул кутубил илмия”, 1984 йил.
8. Мулла Али ал-Қори “Шарҳул амалий”. Истанбул “Дар саъодат”.
9. Имом Абул Муъийн Насафий “Баҳрул қалом” Байрут Лубнан “Дарул кутубил илмия” 2005й.
10. Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳул ақоид” Петербург, “Маърифату Русия”, 1883 й.
11. Садриддин Али ибн Али ибн Муҳаммад ибн Абул Изз ал-Ҳанафий. “Шарҳул ақийдатит Таҳовия”. Тошкент, “Моварауннаҳр”, 1992 й.
12. Муҳаммад Анвар ал-Бадаҳшоний “Талхису шарҳил ақийдатит Таҳовия” Карачи 1415 ҳижрий йил
13. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Сунний ақийдалар”. Моварауннаҳр, Тошкент, 2005 й.
14. Дўстмуҳаммад Насриддин “Ақоид”, “Моварауннаҳр”, Тошкент, 2002 й.
15. Абу Абдуллоҳ Ҳорис Муҳосибий “Ар-Риъяту лиҳуқуқиллаҳ” Қоҳира “Дарул маъориф” иккинчи нашри
16. Маннаъ ал Қаттон. “Мабаҳис фи улумил Қуръон”. Байрут, 1980 й.
17. Муҳаммад Ҳузарий “Нурул яқин”. Тошкент “Моварауннаҳр”, 1992 й.
18. Сафо Раҳмон Муборакфурий “Ар Роҳиқул маҳтум”. Қоҳира. 1993 й.

19. Нажмиддин Мухаммад Дарконий “Мухтасарул виқоя маъа шарҳиҳи Ихтисорур ривоя” Байрут Лубнан “Дарул кутубил илмия” 2005 й.
20. Иброҳим Ҳалабий “Ҳалабаи кабийр”. Истанбул. Дар саъадат, 1904 й.
21. Сунъатуллоҳ Бекпўлат “Ҳазрати Муҳаммад”, Қозон, “Маъориф” матбаси, 1913 й.
22. Атияту Қобил Наср “Ғоятул мурийд фи илмит тажвид” Ар-Риёз “Мактабатул Ҳарамайн” 2-нашр 1410-ҳ.й.
23. Муҳаммад Чалабий “Муҳаммадия”, Қозон, 1914 й.
24. Зоҳидхон Қодиров. “Имом Аъзам ҳаёт йўли ва фиқҳ усуллари”. Тошкент, “Моварауннаҳр”, 1999 й.
25. Алихонтўра Соғуний “Тарихи Муҳаммадий”. Тошкент, “Моварауннаҳр”, 1997 й.
26. Ризоуддин ибн Фахриддин “Хулофои Рошидин”, Тошкент, 1992 й.
27. Абдулваҳҳоб Ҳаллоф “Усулул фиқҳ” Тошкент “Адолат” 1997 й.
28. “Ислом энциклопедияси”. Тошкент, 2004 й.

## МУНДАРИЖА

### **Сўз боши**

**Кириш. Ақоид илми тарихи ва унинг моҳияти**

**1-дарс.** “Тавҳиднинг асли”

**2-дарс.** “Мутлоқ комиллик Аллоҳ таолога хосдир”

**3-дарс.** “Аллоҳ таолонинг зотий ва феълий сифатлари”.

**4-дарс.** “Аллоҳ таолонинг исми сифатлари ўзига хослиги”.

**5-дарс.** “Аллоҳ таолонинг феълига нисбатан эътиқод”.

**6-дарс.** “Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи”.

**7-дарс.** “Қуръондаги хабар тарзида келтирилган ҳикоялар ҳам Аллоҳ таолонинг каломи эканлиги”.

**8-дарс.** “Мусо алаиҳиссаломнинг Аллоҳ таоло каломини эшиштганлиги”.

**9-дарс.** “Аллоҳ таолонинг сифатлари маҳлуқларнинг сифатларига ўхшамаслиги”.

**10-дарс.** “Қуръонда зикр қилинганидек, Аллоҳ таолонинг қўли, юзи ва жони борлиги”.

**11-дарс.** “Аллоҳ таолонинг нарсаларни йўқдан бор қилганлиги”

**12-дарс.** “Аллоҳ таолонинг илми ўзгармас эканлиги”.

**13-дарс.** “Аллоҳ таоло бандаларни куфр ва иймондан саломат қилиб яратганлиги”.

**14-дарс.** “Инсонлар ислом фитратида дунёга келадилар”.

**15-дарс.** “Аллоҳ таоло бандаларининг бирор-тасини куфрга ҳам, иймонга ҳам мажбурламаганлиги”.

**16-дарс.** “Бандаларнинг барча феъллари ўзларининг касби эканлиги”.

**17-дарс.** “Пайғамбарларнинг катта-ю кичик гуноҳлардан пок эканликлари”.

- 18-дарс.** “Пайғамбарлардан кейинги инсониятнинг афзал кишилари ҳақида”.
- 19-дарс.** “Агар ҳалол санамаса, мусулмоннинг гуноҳ туфайли коғир бўлмаслиги”.
- 20-дарс.** “Барча тақвадор ва фожир мўминларнинг орқасида намоз ўқимоқ жоизлиги”.
- 21-дарс.** “Бандаларнинг амаллари”.
- 22-дарс.** “Гуноҳкор мўминларнинг оқибатлари”.
- 23-дарс.** “Мўъжиза ва кароматларнинг ҳақлиги”.
- 24-дарс.** “Мўминларнинг жаннатда Аллоҳ таолони кўришлари”.
- 25-дарс.** “Мўминларнинг иймон ва тавҳидда баробарлиги”
- 26-дарс.** “Аллоҳ таолони таниш чегараланган”.
- 27-дарс.** “Аллоҳ таолонинг бандаларига муруеввати”.
- 28-дарс.** “Шафоат ва унинг турлари”.
- 29-дарс.** “Жаннат ва дўзахнинг яратиб қўйилганлиги”.
- 30-дарс.** “Шайтон мўминдан иймонни мажбурлаб тортиб ололмаслиги”.
- 31-дарс.** “Қабрдаги ҳолатлар”.
- 32-дарс.** “Аллоҳ таолонинг исмлари азиз, сифатлари олийдир”
- 33-дарс.** “Аллоҳ таолонинг узоқ ва яқинлиги масофа жиҳатидан эмаслиги”
- 34-дарс.** “Қуръон оятларидаги фазилатлар”.
- 35-дарс.** “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фарзандлари”.
- 36-дарс.** “Эътиқодда тўхталиши оқибати”.
- 37-дарс.** “Қиёмат аломатлари”.
- Матнлар**
- Манбалар рўйхати**
- Мундарижа**

